ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

ШНҚ 2.08.10-24 «ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ ВА СПОРТ ИНШООТЛАРИ» ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 9 августда ҳисобга олинди, ҳисоб рақами 269]

Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 23 апрелдаги 231-сон «Қурилиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ буюраман:

1. ШНҚ 2.08.10-24 «Жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Спорт вазирлиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси билан келишилган.

3. Ушбу буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир Б. ЗАКИРОВ

Тошкент ш.,
2024 йил 18 июль,
01/2-33-сон
Келишилди:

Ички ишлар вазири П. БОБОЖОНОВ

2024 йил 4 июнь

Энергетика вазири Ж. МИРЗАМАҲМУДОВ

2024 йил 7 июнь

Миллий гвардияси қўмондони Р. ЖЎРАЕВ

2024 йил 6 июнь

Фавқулодда вазиятлар вазири А. КУЛДАШЕВ

2024 йил 13 июнь

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири А. АБДУХАКИМОВ

2024 йил 15 июль

Президент ҳузуридаги ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори М. ОЛЛОЁРОВ

2024 йил 9 июль

Спорт вазири А. ИКРАМОВ

2024 йил 26 июнь

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси раиси Б. ЮСУПАЛИЕВ

2024 йил 25 июнь

Ўзбекистон Республикаси қурилиш ва
уй-жой коммунал хўжалиги
вазирининг 2024 йил 18 июлдаги
01/2-33-сон буйруғига
ИЛОВА

ШНҚ 2.08.10-24 «Жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари

Мазкур шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари (бундан буён матнда ШНҚ деб юритилади) янги қуриладиган, реконструкция қилинадиган ва мукаммал таъмирланадиган жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларини (бундан буён матнда спорт иншоотлари деб юритилади) лойиҳалаштиришга қўйиладиган талабларни белгилайди.

1-боб. Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ҳаволалар

1. Ушбу ШНҚда қуйидаги шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ҳаволалар қўлланилган:

ШНҚ 1.02.07-19 «Қурилиш учун муҳандислик-техник изланишлар»;

ШНҚ 1.02.08-19 «Қурилиш учун муҳандислик-геодезик қидирувлар»;

ШНҚ 1.02.09-15 «Қурилиш учун муҳандислик геология изланишлари»;

ШНҚ 1.02.10-23 «Қурилиш учун муҳандислик гидрометеорология изланишлари»;

ШНҚ 1.02.11-15 «Қурилиш учун муҳандислик экология изланишлари»;

ШНҚ 1.02.22-19 «Учувчисиз учиш аппаратлари ёрдамида топографик карталар ва планлар тузиш мақсадида бажариладиган аэрофототопографик съёмка технологияси»;

ШНҚ 1.03.02-04 «Ҳудудларни ривожлантириш ва қурилишини режалаштириш бўйича шаҳарсозлик ҳужжатларининг таркиби, ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома»;

ШНҚ 2.04.02-19 «Сув таъминоти. Ташқи тармоқлар ва иншоотлар»;

ҚМҚ 2.01.03-19 «Сейсмик ҳудудларда қурилиш»;

ҚМҚ 2.01.07-96 «Юклар ва таъсирлар»;

ҚМҚ 2.04.20-22 «Турар жой объектлари ва жамоат биноларининг муҳандислик ускуналари учун коммуникация ва диспетчерлаш тизимлари. Лойиҳалаш талаблари»;

ШНҚ 2.07.01-23 «Аҳоли пунктларининг ҳудудларини ривожлантириш ва қуришни шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштириш»;

ШНҚ 2.07.02-22 «Қурилиш объектларини ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда кексалар эҳтиёжини инобатга олган ҳолда лойиҳалаштириш»;

ШНҚ 2.07.05-19 «Яшил қурилиш. Турар-жой ва жамоат бинолари»;

ҚМҚ 2.01.05-19 «Табиий ва сунъий ёритиш»;

ҚМҚ 2.01.08-19 «Шовқиндан ҳимоя»;

ҚМҚ 2.04.18-22 «Шаҳарлар ва қишлоқ аҳоли яшайдиган жойларни ташқи ёритиш»;

ШНҚ 2.02.01-19 «Бинолар ва иншоотларнинг асослари (*расмий манба*: *«Основания зданий и сооружений»*);

ШНҚ 2.04.17-2019 «Турар жой ва жамоат биноларининг электр жиҳозлари»;

ШНҚ 2.08.02-23 «Жамоат бинолари ва иншоотлари»;

ҚМҚ 3.05.06-97 «Электротехник қурилмалар» (*расмий манба: «Электротехнические устройства»*);

ҚМҚ 2.04.01-98 «Бинолар ички водопроводи ва канализацияси»;

ҚМҚ 2.04.05-97 «Иситиш, вентиляция ва кондициялаш»;

СанҚваН 0306-02 «Сузиш ҳавзаларини лойиҳалаш, қуриш ва улардан фойдаланиш»;

СанҚваН 0368-19 «Жамоат ҳожатхоналарини лойиҳалаш, қуриш ва ишлатиш учун санитария нормалари ва қоидалари»;

СанҚваН 0275-09 «Ўзбекистон Республикаси таълим ташкилотларида жисмоний тарбия, спорт жиҳозлари ва анжомларига қўйиладиган гигиения талаблари» (*расмий манба: «Гигиенические требования к физическому воспитанию, спортивному оборудованию и инвентарю в образовательных учреждениях Республики Узбекистан»*);

СанҚваН 0020-22 «Даволаш-профилактика муассасаларини лойиҳалаштириш, қуриш ва эксплуатация қилишнинг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари;

ГОСТ 30494-2011 «Турар жой ва жамоат бинолари. Хоналардаги микроиқлим параметрлари» (*расмий манба:* ГОСТ 30494-2011 «Здания жилые и общественные. Параметры микроклимата в помещениях»);

ГОСТ EN 378-1-2014 «Совутиш тизимлари ва иситиш насослари. Атроф-муҳит хавфсизлиги ва муҳофазаси талаблари. 1-қисм. Асосий талаблар, таърифлар, классификация ва танлаш мезонлари» (*расмий манба:* ГОСТ EN 378-1-2014 «Системы холодильные и тепловые насосы. Требования безопасности и охраны окружающей среды. Часть 1. Основные требования, определения, классификация и критерии выбора»);

ГОСТ EN 378-2-2014 «Совутиш тизимлари ва иситиш насослари Атроф-муҳит хавфсизлиги ва муҳофазаси талаблари. 2-қисм. Лойиҳалаш, конструкция, тайёрлаш, синаш, маркировкалаш ва ҳужжатлар» (*расмий манба:* ГОСТ EN 378-2-2014 «Системы холодильные и тепловые насосы. Требования безопасности и охраны окружающей среды. Часть 2. Проектирование, конструкция, изготовление, испытания, маркировка и документация»);

ГОСТ EN 378-3-2014 «Совутиш тизимлари ва иситиш насослари. Атроф-муҳит хавфсизлиги ва муҳофазаси талаблари. 3-қисм. Жиҳозларни жойлаштириш ва ходимларни ҳимоя қилиш» (*расмий манба:* ГОСТ EN 378-3-2014 «Системы холодильные и тепловые насосы. Требования безопасности и охраны окружающей среды. Часть 3. Размещение оборудования и защита персонала»);

ГОСТ EN 378-4-2014 «Совутиш тизимлари ва иситиш насослари. Атроф-муҳит хавфсизлиги ва муҳофазаси талаблари. 4-қисм. Эксплуатация, техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва қайта тиклаш» (*расмий манба:* ГОСТ EN 378-4-2014 Системы холодильные и тепловые насосы. Требования безопасности и охраны окружающей среды. Часть 4. Эксплуатация, техническое обслуживание, ремонт и восстановление»);

ГОСТ Р 22.1.12-2005 «Фавқулодда вазиятларда хавфсизлик. Бинолар ва иншоотларнинг муҳандислик тизимларини мониторинг қилиш ва бошқаришнинг структуравий тизими. Умумий талаблар» (*расмий манба:* ГОСТ Р 22.1.12-2005 «Безопасность в чрезвычайных ситуациях. Структурированная система мониторинга и управления инженерными системами зданий и сооружений. Общие требовании»);

ГОСТ Р 53195.1-2008 «Бинолар ва иншоотларнинг хавфсизлиги билан функционал боғлиқ бўлган хавфсизлик тизимлари. 1-қисм. Умумий қоидалар» (*расмий манба:* ГОСТ Р 53195.1-2008 Безопасность функциональная связанных с безопасностью зданий и сооружений систем. Часть 1. Основные положения»);

ГОСТ Р 53195.2-2008 «Бинолар ва иншоотларнинг хавфсизлиги билан функционал боғлиқ бўлган хавфсизлик тизимлари. 2-қисм. Умумий талаблар» (*расмий манба:* ГОСТ Р 53195.2-2008 Безопасность функциональная связанных с безопасностью зданий и сооружений систем. Часть 2. Общие требования»);

ГОСТ Р 53195.3-2015 «Бинолар ва иншоотларнинг хавфсизлиги билан функционал боғлиқ бўлган хавфсизлик тизимлари. 3-қисм. Тизимларга қўйиладиган талаблар» (*расмий манба:* ГОСТ Р 53195.3-2015 Безопасность функциональная связанных с безопасностью зданий и сооружений систем. Часть 3. Требования к системам — docs.cntd.ru»);

ГОСТ Р 53195.4-2010 «Бинолар ва иншоотларнинг хавфсизлиги билан функционал боғлиқ бўлган хавфсизлик тизимлари. 4-қисм. Дастурий таъминотга қўйиладиган талаблар» (*расмий манба:* ГОСТ Р 53195.4-2010 Безопасность функциональная связанных с безопасностью зданий и сооружений систем. Часть 4. Требования к программному обеспечению»);

ГОСТ Р 53195.5-2010 «Бинолар ва иншоотларнинг хавфсизлиги билан функционал боғлиқ бўлган хавфсизлик тизимлари. 5-қисм. Хавфни пасайтириш чора-тадбирлари, баҳолаш методлари» (*расмий манба*: ГОСТ Р 53195.5-2010 «Безопасность функциональная связанных с безопасностью зданий и сооружений систем. Часть 5. Меры по снижению риска, методы оценки»).

2-боб. Атамалар ва таърифлар

2. Мазкур ШНҚда қуйидаги атамалар ва уларнинг таърифлари қўлланилган:

жисмоний тарбия-соғломлаштириш иншооти — оммавий жисмоний тарбия тадбирлари ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш машғулотларини ўтказиш учун мўлжалланган, ўзига қўйиладиган норма ва талабларга жавоб берадиган ёпиқ ёки очиқ типдаги иншоот;

спорт иншооти — спорт тадбирлари ва оммавий спорт тадбирларини, спорт турлари бўйича ўқув-машқ машғулотлари ва ўқув-машқ йиғинларини ўтказиш учун мўлжалланган, ўзига қўйиладиган норма ва талабларга жавоб берадиган ёпиқ ёки очиқ типдаги ихтисослаштирилган иншоот;

спорт зонаси — спорт иншоотининг асосий ҳудуди бўлиб, унда спорт тадбирлари ўтказилади ва у хавфсизлик зонаси, техник зона ҳамда спорт тадбирларини ўтказиш учун зарур бўлган ускуналарни ўз ичига олади;

ўйин майдони — спорт турлари бўйича ўйинлар, мусобақаларни ўтказиш учун мўлжалланган спорт зонасининг функционал қисми;

ясси спорт иншооти — очиқ турдаги майдонга эга бўлган ва ҳар хил спорт турлари бўйича спорт тадбирлари ўтказиладиган спорт объекти;

эркин зона — спорт зонаси атрофидаги бўш фазо;

спорт ускунаси — спорт иншоотига жойлаштириладиган қурилмалар, мосламалар;

спорт мусобақаси — спортчилар ўртасида ёки спортчилар жамоалари ўртасида ҳар хил спорт турлари (спорт дисциплиналари) бўйича мусобақанинг энг яхши иштирокчисини аниқлаш мақсадида жисмоний тарбия ёки спорт тадбирининг ташкилотчиси томонидан тасдиқланган низом (регламент) бўйича ўтказиладиган беллашув;

спорт тадбирлари — спорт мусобақаларини, ўқув-машқ жараёнини ва спортчилар иштирокида спорт мусобақаларига тайёргарлик кўриш бўйича бошқа тадбирларни ўз ичига оладиган тадбирлар;

универсал спорт заллари — бир неча спорт турлари бўйича спорт тадбирларини ўтказишга мўлжалланган спорт объекти;

оммавий жисмоний тарбия тадбирлари — аҳолини жисмоний тарбия машғулотларига жалб этишга ва аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган тадбирлар.

3. Ушбу ШНҚда қуйидаги қисқартмалар қўлланилган:

ОАВ — оммавий ахборот воситалари;

ЧЎТ — чиптали ўтказиш тизими;

БВЎҚ — бир вақтда ўтказиш қобилияти;

УЖТ — умумий жисмоний тайёргарлик;

МЖТ — махсус жисмоний тайёргарлик;

ЯСТТП — ярим стационар телевизион трансляция пункти;

КНБТ — киришни назорат қилиш ва бошқариш тизими;

АТС — автоматлаштирилган телефон станцияси.

3-боб. Умумий қоидалар

4. Спорт зоналари ва ёрдамчи хоналарнинг параметрлари спорт иншоотларини лойиҳалашда инобатга олиниши лозим.

5. Спорт иншоотларини лойиҳалашда ушбу ШНҚнинг 1-иловаси 1-жадвалида келтирилган мазкур иншоотларнинг тоифалари инобатга олинади.

6. Спорт иншоотларини лойиҳалашда ҳажмий-режавий, конструктив ва муҳандислик ечимларни танлаш уларнинг сиғими ва томошабинларни қабул қилиш қобилиятига боғлиқ ҳолда амалга оширилиши керак.

7. Спорт иншоотининг сиғими спорт тадбирларини ўтказишда ушбу иншоот трибуналари ва ложаларига жойлаштириладиган ташриф буюрувчилар гуруҳларининг ўрин-жойлари сони билан аниқланиши лозим.

8. Бир нечта спорт турлари бўйича спорт тадбирларини ўтказиш учун мўлжалланган спорт иншоотини лойиҳалашда унинг сиғими спорт иншоотининг энг катта сиғдириш кўрсаткичи бўйича ёки алоҳида ажратилган томоша зоналари сиғимининг жамланган кўрсаткичи бўйича аниқланиши лозим.

9. Спорт иншоотларининг алоҳида турлари учун БВЎҚ кўрсаткичи ушбу ШНҚнинг 1-иловаси 2-жадвалига мувофиқ аниқланиши керак.

10. Спорт иншоотини лойиҳалашда унинг кўп функциявийлигини таъминловчи ечимлар инобатга олиниши керак. Спорт иншоотининг кўп функциявийлиги унда ҳар хил спорт турлари бўйича спорт тадбирларини, концерт ва оммавий тадбирларни ўтказиш имконини таъминлаши лозим.

11. Спорт иншоотининг кўп функциявийлигига уни транформациялаш ёрдамида эришишга йўл қўйилади.

4-боб. Спорт иншоотининг хавфсизлик талаблари

1-§. Спорт иншоотига белгиланган умумий талаблар

12. Спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган ясси спорт иншоотларининг рўйхати, қурилиш ўлчамлари ва спорт билан шуғулланувчилар учун ёрдамчи хоналарнинг майдонларини аниқлаш учун зарур бўлган ўтказиш қобилияти, устки ишчи қопламасининг тури ушбу ШНҚнинг 2-иловаси 3-жадвалига асосан белгиланиши керак.

13. Спорт ядросининг ўлчамлари ушбу ШНҚнинг 2-иловаси 3-жадвалига мувофиқ белгиланиши, унинг ўтказиш (қабул қилиш) қобилияти эса мазкур ШНҚнинг 10-иловаси 1-расми ва 11-иловаси 2-расмида кўрсатилган югуриш йўлакчаларининг ҳамда енгил атлетика учун мўлжалланган ва бир-бири билан қўшиб бўлмайдиган, шунингдек бир вақтда фойдаланиладиган бошқа жойларнинг ўтказиш (қабул қилиш) қобилияти йиғиндисидан келиб чиққан ҳолда аниқланиши лозим.

14. Айланма югуриш йўлакчаларининг узунлиги 400 m бўлган спорт ядросига эга бўлган мажмуа таркибида диск, босқон, найза ва граната улоқтириш бўйича майдончалар бўлиши зарур.

Бунда, мазкур майдончаларнинг ўлчамлари ушбу спорт турлари учун мўлжалланган жойлар сонини ҳисобга олган ҳолда мазкур ШНҚнинг 2-иловаси 3-жадвалига асосан белгиланиши керак.

15. Ясси спорт иншоотларининг устки ишчи қопламаси сифатида ушбу ШНҚнинг 2-иловаси 3-жадвалида келтирилган маълумотларга мувофиқ қуйидагилар қўлланилиши керак:

оптимал аралашма ва спорт газонидан иборат бўлган сув ўтказмайдиган қоплама;

синтетик, асфальт-бетон ва бетондан ишланадиган сув ўтказмайдиган қоплама.

16. Очиқ спорт иншоотлари қопламаларининг турлари лойиҳа топшириғи ва мазкур ШНҚ га асосан белгиланиши лозим.

17. Спорт ядроси учун майдончалар (секторлар) стационар тўсиқларга эга бўлиши ва ушбу ШНҚнинг 10-иловаси 1-расми ва 11-иловаси 2-3 расмларига асосан лойиҳаланиши лозим.

Теннис майдончаси ушбу ШНҚнинг 12-иловаси 4-расмида кўрсатилган ўлчамлар бўйича лойиҳаланиши зарур. Ушбу тўсиқларда кенглиги 3,5 m дан кам бўлмаган дарвозалар ва дарчалар бўлиши керак.

18. Ясси спорт иншоотларини лойиҳалашда қуйидагилар инобатга олиниши керак:

иншоот учун ажратилган ер участкасини самарали режалаштириш;

рационал архитектуравий, конструктив ва ҳажмий-режавий ечимлар;

иншоотга тегишли ҳудудни ва ундаги хоналарни зоналаштириш;

хавфсизликни таъминловчи тизимларни яратиш;

ташриф буюрувчилар, транспорт воситалари, юкларни текшириш ва кузатишнинг оптимал тизимлари бўлиши;

хавфсизликни таъминлаш бўйича техник воситаларни ўрнатиш.

19. Спорт иншоотига тегишли ҳудудда жойлашган бинолардан одамларнинг тўсқинликсиз ва хавфсиз эксплуатация қилинишини таъминловчи жойлар (майдончалар, ўтиш жойлари ва бошқалар) назарда тутилиши лозим.

20. Муҳандислик-техник таъминотни мониторинг қилиш тизими муҳандислик тизимларининг ишлаш қобилияти ва спорт иншоотининг нормал эксплуатациясининг назорат қилинишини таъминлаши керак.

21. Томоша залларининг балконлари ва тепа қавати сатҳлари олди қатори рўпарасига ўрнатиладиган тўсиқлар баландлиги 0,8 m дан кам бўлмаслиги керак.

22. Спорт иншоотларининг трибуналарида ёндош қаторлар пол сатҳлари 0,55 m дан фарқ қилганда қатор олдидаги ўтиш йўлакчаси бўйлаб баландлиги 0,8 m дан кам бўлмаган тўсиқ ўрнатилиши лозим.

23. Трибуналар жойлаштирилаётганда томошабинлар биринчи қатори рўпарасида тўсиқ бўлиши, ён ва кўндаланг томонлардан ўйин майдонигача бўлган масофа томошабинлар хавфсизлигини ҳисобга оладиган технологик талаблардан келиб чиққан ҳолда аниқланиши лозим.

24. Ёпиқ спорт иншоотларида томошабинлар ўтириши учун вақтинчалик ўрнатилган ўриндиқлар ағдарилиши ёки сурилишининг олди олинган бўлиши керак.

2-§. Спорт иншоотининг ёнғин хавфсизлиги

25. Спорт иншоотларини лойиҳалашда ШНҚ 2.01.02-04, ШНҚ 2.04.09-07, ҚМҚ 2.04.20-98, ШНҚ 2.08.02-23, ҚМҚ 2.04.05-97 ва мазкур ШНҚ талабларига риоя қилиниши керак.

26. Ёпиқ спорт иншоотларининг оловбардошлик даражаси II дан паст бўлмаслиги лозим.

27. Ёрдамчи хоналар фақат иккинчи қаватга жойлаштирилганда оловбардошлик даражаси III бўлган бир ва икки қаватли корпусларни лойиҳалашга йўл қўйилиб, бунда ҳар қандай ҳолатда ёрдамчи хоналарни зал хоналаридан оловбардошлик чегараси REI 150 бўлган 1-типли ёнғинга қарши деворлар билан ажратиш керак.

28. Томошабинлар ўриндиқларига эга бўлган спорт корпусларининг оловбардошлик даражаси I ва II бўлганда томошабинлар учун (залнинг трансформацияланишини ҳисобга олган ҳолда) стационар ва вақтинчалик ўринларнинг жамланган сиғдирувчанлиги чегараланмаслиги, бунда оловбардошлик даражаси III бўлган бир қаватли корпусларда томошабинлар ўриндиқларининг жами сони 600 дан ошмаслиги лозим.

29. Ёпиқ спорт иншоотларида сиғими 300 томошабиндан ортиқ бўлган стационар трибуналарнинг юк кўтарувчи конструкцияларини ёнмайдиган материаллардан лойиҳалаш керак.

30. Трибуналар юк кўтарувчи конструкцияларининг оловбардошлик даражаси R 45 дан кам бўлмаслиги, сиғими 300 томошабиндан кам бўлган стационар трибуналарнинг юк кўтарувчи конструкциялари учун Ё1 дан юқори бўлмаган ёнувчи материалларни қўллашга йўл қўйилади.

31. Трансформацияланадиган, суриладиган трибуналарнинг оловбардошлик чегараси, уларнинг сиғими қандай бўлишидан қатъи назар, R 45 дан кам бўлмаслиги лозим.

Мазкур талаб томоша зали аренанинг поли устига қўйиладиган вақтинчалик томошабинлар ўриндиқларига нисбатан татбиқ этилмайди.

32. Очиқ ва ёпиқ спорт иншоотлари трибуналаридаги ўриндиқларни Ё1, Ё2 гуруҳидаги ёнувчан материаллардан тайёрлашга йўл қўйилади, бироқ ушбу материаллар ёнганда ўзидан заҳарли моддаларни ажратиб чиқармаслиги, бунда материаллар Т1 гуруҳига (тоифасига) тегишли бўлиши лозим.

33. Спорт-томоша залларидаги эстрада полининг ёғоч қопламасига ҳимоя воситаларини сингдириш йўли билан ёнувчанликни Ё1 ёки Ё2 гуруҳининг ёнувчанлигигача тушириш керак.

34. Очиқ спорт ва томоша иншоотларининг ҳар қандай сиғдирувчанликка эга бўлган трибуналари ости қисмига ёрдамчи хоналар икки ва ундан ортиқ қаватларда жойлаштирилганда ушбу трибуналарнинг оловбардошлик даражаси II дан кам бўлмаган ҳолда қабул қилиниши лозим.

35. Ёрдамчи хоналар трибуналар тагига бир қаватли қилиб жойлаштирилганда трибуналар оловбардошлик даражаси III бўлишига йўл қўйилади.

36. Трибуна ости қисмидан фойдаланилмайдиган очиқ спорт ва томоша иншоотлари трибуналаридаги ўриндиқлар қаторларининг сони 20 дан ортиқ бўлганда ушбу трибуналарнинг юк кўтарувчи конструкциялари оловбардошлик чегараси REI 45 дан кам бўлмаган ёнмайдиган материаллардан тайёрланиши керак.

37. Қаторлари сони 20 дан кам бўлганда трибуна ости қисмидан фойдаланилмайдиган трибуналар учун IV оловбардошлик чегарасини қабул қилишга йўл қўйилади.

38. Ёпиқ ва очиқ спорт иншоотларининг трибуналари остига жойлаштириладиган хоналарни трибунадан ёнғинга қарши тўсиқлар оловбардошлик чегараси REI 45 дан кам бўлмаган ораёпмалар, оловбардошлик даражаси EI 45 дан кам бўлмаган 1-типли пардадеворлар билан ажратиш, бунда пардадеворлардаги эшиклар жипс ҳолатда ўзи ёпиладиган бўлиши (эшикларни ёнувчан материаллардан тайёрлашга рухсат берилиши) керак.

39. Трибуналар остига тирларнинг ўқ-дориларини ҳамда ёнувчан материалларни сақлаш хоналарини (инвентарь ва томошабинлар ўриндиқларини сақлаш хоналаридан ташқари) жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

40. Ўқ отадиган тирларни очиқ ва ёпиқ спорт иншоотларининг трибуна остига жойлаштиришга йўл қўйилади, бунда тир қуролларини сақлаш хонаси ва қурол тузатиш устахонасини бошқа хоналардан оловбардошлик чегараси REI 45 бўлган ёнғинга қарши 2-типли деворлар ва оловбардошлик чегараси REI 45 бўлган 3-типли ораёпмалар билан ажратиш лозим.

41. Очиқ ва ёпиқ спорт иншоотларининг трибуналаридаги зинапоялар, ўтиш йўлаклари ва люкларнинг ҳисобий кенглиги (эни) 2,5 m дан катта бўлганда уларда 0,9 m дан кам бўлмаган баландликда ажратиб турувчи тутқичлар бўлиши лозим.

42. Люклар ёки зинапояларнинг ҳисобий кенглиги (эни) 2,5 m гача бўлганда уларга ажратиб турувчи тутқичларни ўрнатиш талаб этилмайди.

43. Очиқ ва ёпиқ спорт иншоотлари трибуналари зинапояларининг қиялиги 1:1,6 дан ошмаслиги, 0,9 m дан кам бўлмаган баландликда тутқичлар (ёки уларнинг ўрнини босувчи бошқа қурилмалар) ўрнатилганда 1:1,4 қияликда лойиҳалашга йўл қўйилади.

44. Спорт иншоотларининг эвакуация йўлакларида, люкларда зинапоялар ва кўтарилиш поғоналари бўлишига йўл қўйилмаслиги лозим.

45. Очиқ спорт иншоотларининг трибуналаридан эвакуация йўлларининг 1 m кенглигидаги одамлар сони ушбу ШНҚнинг 19-иловаси 23-жадвалига асосан белгиланиши керак.

46. Оловбардошлик даражаси I, II бўлган трибуналардаги битта эвакуация эшик очиқ жойига ёки люкига тўғри келадиган эвакуация қилинувчиларнинг умумий сони 1500 нафардан ошмаслиги, оловбардошлик даражаси III трибуналарда 30 фоизга, оловбардошлик даражаси IV бўлганларида эса 50 фоизга кам бўлиши керак.

47. Оловбардошлик даражаси I ва II бўлган томошабинлар заллари ва томошабинлар учун трибунаси мавжуд спорт залларидан эвакуация қилиш вақти мазкур ШНҚнинг 19-иловаси 24-жадвалидаги кўрсаткичларига мувофиқ бўлиши, бунда оловбардошлик даражаси III ва IV бўлган бинолар учун кўрсаткичлар 30 фоизга камайтирилиши лозим.

48. Залли хоналардан эвакуация чиқиш жойлари зал пол сатҳидан хонанинг ярми ёки ундан кўп баландлигида жойлашган бўлса, эвакуация учун зарурий вақт ушбу ШНҚнинг 19-иловаси 24-жадвалида келтирилган кўрсаткичлардан икки баравар кам ҳисобланиши керак.

49. Залнинг ҳажми (W) 60 000 m^3 дан юқори бўлганда унинг ичидан зарурий эвакуация вақти қуйидаги формула билан аниқланиши, бунда қуйидагидан бироқ 6 min дан кўп бўлмаслиги зарур.

$$t = 0{,}115 \cdot \sqrt[3]{W}, \quad (1)$$

50. Мазкур формула билан ҳисобланган зарурий эвакуация вақтини эвакуация чиқиш жойлари хона баландлигининг ярмисида жойлашганида 35 фоизга ва зал баландлигининг 0,8 қисмида жойлашганда 65 фоизга камайтириш керак.

51. Зарурий эвакуация вақти оралиқ ёки кичик миқдорларда бўлганда интерполяция бўйича, катта миқдорларида экстраполяция бўйича қабул қилиниши керак.

52. Ҳажми 60 000 m^3 дан ошиқ залли бинолардан зарурий эвакуация чиқиш вақти 10 min дан ошмаслиги лозим.

53. Ёпиқ спорт иншоотларидаги зал хоналарининг ҳар бир чиқиш жойидан (люк, эшик) эвакуация қилинувчи томошабинларнинг сони 600 кишидан ошмаслиги керак.

54. Спорт аренасининг партери жойлаштирилганда иккита чиқиш жойи лойиҳаланилган бўлса, улар орасидаги масофа зал узунлигининг ярмидан кам бўлмаслиги керак.

55. Томошабинлар залларига туташган кулуарларнинг кенглиги (томошабинлар учун йўлак) 2,4 m дан кам бўлмаслиги керак.

56. Томошабинлар залларида эшик ўрни ўтиш жойларининг кенглиги 1,2 m дан кам бўлмаслиги, ложага чиқадиган эшик ўрни жойларининг кенглиги эса 0,8 m дан кам бўлмаслиги лозим.

57. Томошабинлар зали ва спорт иншоотларининг эвакуация йўлларидан (люклар) чиқиш эшиклари ўзи ёпиладиган қурилма билан жиҳозланиши ва зич ёпилиши керак.

58. Спортга мўлжалланган биноларда спринклер қурилмаларидан фойдаланишда сув пуркаш интенсивлиги 1 m^2 майдонга 0,08 l/s, 120 m^2 гача бўлган майдонга бир вақтнинг ўзида тизимнинг 30 min ишлаб туриши зарурлиги ҳисобларидан қабул қилиниши керак.

59. Ёпиқ спорт иншоотларининг трибуналаридаги эвакуация чиқиш люкларининг эни 1,35 m дан, очиқ спорт иншоотларининг трибуналаридаги эвакуация чиқиш люкларининг эни 1,5 m дан кам бўлмаслиги керак.

5-боб. Муҳандислик тадқиқотлари

60. Спорт иншоотларини лойиҳалаш учун муҳандислик тадқиқотларини олиб боришда ШНҚ 1.02.07-19, ШНҚ 1.02.08-19, ШНҚ 1.02.09-15, ШНҚ 1.02.10-23, ШНҚ 1.02.11-15 ҳамда ШНҚ 1.02.22-19 га риоя қилиниши лозим.

61. Муҳандислик тадқиқотларига қуйидагилар киритилиш керак:

муҳандислик-геодезик;

муҳандислик-геологик;

муҳандислик-гидрометеорологик.

62. Спорт иншоотларини лойиҳалашда муҳандислик-геодезик, топографик-геодезик тадқиқотлар натижалари, жойнинг рельефи инобатга олиниши керак.

63. Муҳандислик-геодезик тадқиқотларда бажариладиган ишлар тайёргарлик, дала ҳамда экспедицияда тўпланган материалларни хонада ва лаборатория шароитида илмий ишлашни ўз ичига олиши керак.

64. Муҳандислик-геологик тадқиқотлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

жойнинг рельефи ва геологик тузилиши;

геоморфологик ҳамда гидрогеологик шароитлар;

грунтларнинг таркиби, ҳолати ва хоссалари;

геологик ва муҳандислик-геологик жараёнлар;

ўзлаштирилган ҳудудлар шароитларининг ўзгариши;

лойиҳаланаётган объектларнинг геологик муҳит билан ўзаро таъсирлашиш доирасида муҳандислик-геологик шароитларнинг эҳтимолий ўзгаришлари прогнози.

65. Муҳандислик-гидрометеорологик тадқиқотлар ҳудуднинг сув билан босилишини прогноз қилиш, ер ости сувлари базасида сув таъминоти манбаларини излаш, геокриологик изланишлар, карт, ер кўчишлари ва бошқа хавфли геологик жараёнларни ўрганиш учун муҳандислик-геологик тадқиқотлар билан биргаликда (комплекс) олиб борилиши керак.

6-боб. Спорт иншоотларининг ҳудудлари ва уларни ер участкаларига жойлаштириш талаблари

66. Спорт иншоотларини шаҳар қурилиши ҳудудига жойлаштириш ва унга ажратилган ер участкасининг ўлчамлари ШНҚ 2.07.01-23, ШНҚ 1.03.02-04 га мувофиқ белгиланиши лозим.

67. Спорт иншоотини ташриф буюрувчилар гуруҳлари ва уларнинг транспорт воситаларининг турли функционал зоналарга тўсқинликсиз кириши ва ҳаракатланишини таъминлаган ҳолда ШНҚ 2.08.02-23 га мувофиқ лойиҳалаш керак.

68. Спорт иншоотининг ҳудуди ва хоналари ногиронлиги бўлган шахсларга қулайликлар яратиш учун ШНҚ 2.07.02-22 га мувофиқ лойиҳаланиши керак.

69. Автуроргоҳдаги машина-ўринларининг сонини ҳисоблаш спорт иншоотининг БВЎҚ ва сиғимини ҳисобга олган ҳолда ШНҚ 2.07.01-23 ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларга қулайлик яратиш мақсадида ШНҚ 2.07.02-22 га мувофиқ амалга оширилиши лозим.

70. Тўхташ жойлари ногиронлиги бўлган шахслар учун ШНҚ 2.07.02-22 га мувофиқ жойлаштирилиши лозим.

71. Спорт иншоотига бевосита яқин ҳудудда ногиронлиги бўлган шахслар, спортчилар, ҳакамлар, томошабинлар, шунингдек спорт иншоотига хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг махсус техникаси учун жойлар бўлиши керак.

72. Спорт иншоотининг ҳудудига томошабинларнинг гуруҳлари оммавий тарзда ташриф буюрганда автобуслар учун тўхташ жойларини ушбу гуруҳларни оқимларга ажратган ва хавфсизликни таъминлаган ҳолда жойлаштириш лозим.

73. ОАВ транспорт воситалари ва трансляцияни амалга оширувчи махсус техника учун тўхташ жойлари ОАВ ишлаши учун ажратилган зонага жойлаштирилиши керак.

Бунда, коммуникацияларни жойлаштириш ва ЯСТТПга улаш спорт тадбирини телевизион таъминлаш хизматларига берилган техник топшириққа мувофиқ белгиланиши керак.

74. Спорт иншоотининг ҳудуди ШНҚ 2.07.02-22 ва ШНҚ 2.07.05-19 га мувофиқ ободонлаштирилиши керак.

75. Спорт иншоотининг ташқи сунъий ёритилиши ҚМҚ 2.04.18-22га мувофиқ яқин жойлашган турар жой биноларининг ортиқча ёритилмаслигини таъминлаши лозим.

7-боб. Спорт иншоотларининг ҳажмий-режавий ечимлари

1-§. Ҳудуд ва участканинг режалаштирилиши

76. Очиқ спорт иншоотлари ҳудудларининг режаланиши ва ҳажмий-режавий ечимлари ШНҚ 2.07.01-23 га ва ушбу ШНҚда белгиланган параметрларга мос бўлиши лозим.

77. Очиқ спорт иншоотларини асосий очиқ иншоотлар, трибуналар, ёпиқ павильонлар, яшил мавзелар, шунингдек очиқ ҳудудлар ва турли вазифалардаги акваториялар билан уйғунлашган ҳолда лойиҳалаш керак.

78. Турар жойларни трибуналардаги томошабинлар шовқинидан ҳимоя қилиш учун улар чегарасидан очиқ ҳолатдаги стационар трибунали очиқ ясси спорт иншоотигача бўлган масофа ҚМҚ 2.01.08-19 га мувофиқ белгиланиши зарур.

79. Спорт зоналарида спорт иншоотлари ва муайян турдаги хизмат кўрсатиш вазифасидаги жисмоний тарбия-спорт хоналари, шунингдек даврий хизмат кўрсатадиган жисмоний тарбия-спорт хоналари лойиҳаланиши керак.

80. Муайян турдаги хизмат кўрсатувчи объектларга тегишли бўлган очиқ спорт иншоотларини турар жойлар олдидаги ҳудудларда лойиҳалаш лозим.

81. Алоҳида турувчи очиқ ясси жисмоний тарбия-соғломлаштириш иншоотлари ва блоклашган ясси иншоотлар турар жой биноларидан қуйидаги масофаларда жойлаштирилиши лозим:

спорт ўйинлари ва роллерспорт учун иншоотлар — 30 дан 40 m гача;

ногиронлиги бўлган шахслар учун иншоотлар, индивидуал гимнастика машғулотлари учун иншоотлар, болалар учун жисмоний тарбия-рекреацион майдончалар 20 m гача.

82. Болалар ва ногиронлиги бўлган шахслар томонидан фойдаланиладиган иншоотлар учун турар жой бинолари ва очиқ ясси спорт иншоотлари (турар жой биноларининг ён томонида жойлашган) орасидаги масофани 10 m гача қисқартиришга йўл қўйилади.

83. Умумий ўрта таълим ташкилоти синфхоналарининг деразаларидан спорт ўйинлари (тўп ўйинлари) ва спорт снарядларини улоқтириш майдончаларигача бўлган масофа 25 m дан кам бўлмаслиги керак (баландлиги 3 дан 15 m гача бўлган тўсиқлар бўлганда). Бошқа спорт турлари учун бу масофани 10 m гача қисқартиришга йўл қўйилади.

84. Даврий равишда ишлайдиган спорт иншоотларини жамоат жойлари, турар жой ҳудудидаги умумий фойдаланиладиган яшил ҳудудлар ҳамда рекреация зоналарига очиқ ясси жисмоний тарбия-спорт ва жисмоний тарбия рекреация иншоотларини, жисмоний тарбия-соғломлаштириш учун мўлжалланган хоналарни, кўп функцияли ва ихтисослашган спорт-соғломлаштириш мажмаулари ҳамда турли вазифадаги сув ҳавзаларини, спорт-дам олиш марказларини ўз таркибига киритган ҳолда жойлаштириш керак.

85. Даврий равишда ишлайдиган спорт иншоотларини рекреацион зоналар (спорт парклари, фаол дам олиш зоналари)да лойиҳалаш лозим.

86. Жамоат ва рекреация зоналарида жойлашган очиқ спорт иншоотларининг алоҳида ажратилган участкалари тўсиқларга, ҳудудга кириш учун иккитадан кам бўлмаган кириш жойларига, қаттиқ қопламали йўлларга эга бўлиши керак.

87. Блоклаштирилган очиқ ясси спорт иншоотлардан конькида оммавий учиш учун қишда фойдаланиш назарда тутилиши лозим, бундан синтетик ва газонли қопламларга эга бўлган майдончалар мустасно.

88. Очиқ спорт иншоотларида ёрдамчи хоналардан машғулотлар ўтказиладиган жойларга ўтиш йўлаклари томошабинлар йўлаклари билан кесишмаслиги керак.

89. Очиқ спорт иншоотларининг трибуналаридаги кириш жойлари олдида бир нафар томошабинга 0,5 m^2 юза тўғри келишидан келиб чиққан ҳолда эркин майдончалар назарда тутилиши керак.

Томошабинларнинг спорт иншооти ҳудуди бўйлаб ҳаракатланиш йўлакларининг эни 500 томошабинга 1 m тўғри келишини ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланиши лозим.

90. Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчилар ҳамда томошабинлар юрадиган йўлаклар қопламасининг юзаси (шу жумладан, очиқ спорт иншоотлардаги йўлаклар сирти ёмғир ва қор таъсири остида) сирпанчиқ бўлмаслиги керак.

91. Спорт иншоотининг ер участкасида чимли (газон қопламали) ўйин майдонлари бўлганда, ушбу участка таркибида чим ўстириш жойи бўлиши керак.

Чим ўстириш жойининг юзаси битта ўйин майдонидаги газон қопламаси юзасининг 15 фоизини, икки ва ундан ортиқ ўйин майдонлари бўлганда эса ушбу юза умумий майдоннинг камида 10 фоизни ташкил этиши керак.

92. Очиқ спорт иншоотлари ер участкасининг периметри бўйлаб йўл томондан эни 5 m дан кам бўлмаган дарахтзорли ёки бўтазорли шамол ва чангдан ҳимоя қилиш йўлаклари бўлиши лозим.

93. Спорт мажмуасига кирувчи очиқ ясси спорт иншоотларидаги алоҳида майдонлар гуруҳларининг периметри бўйлаб эни 3 m дан кам бўлмаган бўтазорли экинлар майдонлари назарда тутилиши лозим.

94. Очиқ майдонлар шовқиндан акустик экранлар ёки кенглиги 10 m дан кам бўлмаган яшил ўсимликлар билан ҳимояланган бўлиши керак.

95. Катта очиқ спорт иншоотлари ва спорт мажмуалари, жисмоний тарбия ҳамда спорт бўйича асосий машғулотлар зонасида очиқ спорт иншоотларининг трибуналари ҳамда спортчилар, мураббийлар, ҳакамлар ва томошабинлар учун ёрдамчи хоналар ва ҳудудлар жойлаштирилиши керак.

96. Жисмоний тарбия ва спорт бўйича асосий машғулотлар зонаси спорт турлари бўйича иншоотларни гуруҳлаштирган ҳолда намойиш ва тайёргарлик кўриш зоналарига (турли спорт ўйинлари, енгил атлетика ва сув спорти турлари учун иншоотларга) ажратилиши лозим.

97. Жисмоний тарбия ва спорт бўйича асосий машғулотлар зонаси эвакуация йўлаклари ҳамда индивидуал ва шаҳар транспорти тураргоҳлари билан бевосита боғланган бўлиши керак.

98. Хизмат кўрсатиш зонасига маъмурий-хўжалик хоналари, устахоналар, омборлар, қозонхоналар, хўжалик ҳовлилари ва бошқалар жойлаштирилиши лозим.

99. Дам олиш зонаси изоляцияланган яшил участкаларга жойлаштирилишига йўл қўйилади, ушбу зонада жисмоний тарбия билан шуғулланувчилар, спортчилар, персонал ва томошабинларнинг дам олишини таъминловчи кафе, газета-журнал шохобчалари ва бошқалар бўлиши керак.

100. Очиқ спорт иншоотларининг ички коммуникация тизими спорт иншоотларини бир-бири ва асосий эвакуация йўллари билан боғлаш учун асосий пиёдалар магистраллари ҳамда иккинчи даражали йўлакларни ўз ичига киритиши лозим.

101. Ҳудудга кириш жойлари (бир кишига 0,2 дан 0,3 m^2 юза тўғри келишини инобатга олган ҳолда) ва трибуналар олдидаги майдончаларда (бир кишига 0,3 дан 0,5 m^2 юза тўғри келишини инобатга олган ҳолда) одамлар оқими ва эвакуацияни тартибга солиш мақсадида ушбу майдончаларни жиҳозлаш керак.

102. Очиқ спорт стадионини лойиҳалашда унинг бош режасининг композицион ядроси асосий иншоот сифатида хизмат қилиши инобатга олиниши лозим.

103. Жисмоний тарбия билан шуғулланувчилар ва томошабинлар оқимларининг ҳаракатланиши учун мўлжалланган асосий магистраллар спорт иншоотларининг асосий композицион ўқлари бўлиб хизмат қилиши лойиҳалаш жараёнида инобатга олиниши зарур.

Очиқ спорт иншоотлари бош режасининг композицияси турли иншоотларни композициянинг асосий ядросига нисбатан гуруҳлаб жойлаштиришнинг симметрик, ассиметрик ва эркин усулларига асосланиши лозим.

104. Очиқ спорт иншоотлари бош режалари композициясининг эркин усуллари функционал талабларни ландшафт, рельеф ва бошқа маҳаллий шароитлар билан тўлиқ уйғунлаштириш имконини таъминлаши керак.

105. Асосий ички магистраллар бошланадиган асосий кириш жойлари шаҳар транспорти бекатлари ва индивидуал транспорт автотураргоҳлари олдига жойлаштирилиши (автотураргоҳда бир нафар томошабинга 2 m^2 юза тўғри келиши) лозим.

106. Жойнинг рельефи очиқ спорт иншоотлари бош режасининг умумий композицион ечимига сезиларли таъсир кўрсатишини ҳисобга олиш зарур.

Жойнинг табиий хоссалари, ундаги мавжуд яшил ўсимликлар ва табиий сув ҳавзаларидан тўлиқ фойдаланишга, ер ишларининг минимал ҳажмида кўтармалар ва ўймалар балансининг рационал ечимига алоҳида эътибор қаратилиши керак.

107. Спорт ўйинларининг турлари учун мўлжалланган ўйин майдонлари ва майдончаларини жойлаштиришда спорт иншоотининг бўйлама ўқини меридиандан 20° гача оғдириш билан меридианал ориентирлаш керак.

108. Сакраш машқларининг қурилмалари, найза ва ядро ҳамда диск улоқтириш майдончалари, шунингдек тўғри чизиқли югуриш йўлаклари жисмоний тарбия билан шуғулланувчиларнинг кўзлари қуёшга қаратилмаслигини ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилиши (ориентирланиши) керак.

Шамолдан ҳимояланиш учун трибуналар ва павильонларни асосий очиқ иншоот атрофида бир-бирига зич (жипс) ҳолатда жойлаштириш усулидан ва жойнинг рельефидан оқилона фойдаланиши лозим.

109. Ўқ отиш тури ва уларда қўлланиладиган қурол калибри бўйича тирларнинг вазифалари ушбу ШНҚ 14-иловасининг 18-жадвалига асосан белгиланиши керак.

Кичик калибрли ўйин милтиқлари, шунингдек турли калибрли револьвер ва тўппончалардан ўқ отишга мўлжалланган очиқ тирларнинг участкалари турар жой ва жамоат бинолари ҳамда оммавий дам олиш жойларидан камида 2 km, ярим очиқ тирлар камида 300 m, ўзининг таркибида йирик калибрли милтиқлардан ўқ отиш бўйича очиқ тирларга эга бўлган ўқ отиш иншоотининг участкалари юқорида кўрсатилган бинолардан камида 6 km масофада жойлашиши керак.

110. Очиқ тирларнинг участкаларида хавфсизлик зоналари («ўқ учиш майдони») назарда тутилиши, уларнинг ўлчамлари (ўқ отиш чизиғидан ҳисобланганда) йирик калибрли милтиқлардан ўқ отиш учун — узунлиги (ўқ учиш йўналиши бўйича) камида 4,5 km ва эни (ҳар бир томонда) 0,6 km дан кам бўлмаслиги, ўқ отишнинг бошқа турлари учун мос равишда 1,5 ва 0,25 km дан кам бўлмаслиги керак.

111. Пневматик қуролдан ўқ отиш учун очиқ тирларнинг участкаларида ҳамда ўқ отиш участкасида ёнма-ён жойлашган тирлар орасида «ўқ учиш майдони» назарда тутилмаслигига йўл қўйилади.

112. Очиқ тирларда ўқ отиш йўналиши шимолга ёки шимолий-шарққа қаратилган бўлиши лозим.

113. Спорт иншоотларининг ҳудудида ижтимоий ва иш юритиш зоналарини лойиҳалашда роликли конькиларда, скейтбордларда ҳаракатланиш учун қаттиқ қопламали майдончалар алоҳида лойиҳаланиши керак.

114. Роликли конькиларда ҳаракатланиш учун мўлжалланган майдончаларнинг ўлчамлари ва конструкцияси қатъий белгиланмайди, бунда уларда ҳаракатланиш учун майдон 300 m^2 дан кам бўлмаслиги лозим.

115. Скейтбордларда ҳаракатланишга мўлжалланган майдон 15 × 15 m ўлчамда (225 m^2 юзада) лойиҳаланиши лозим. Ушбу майдонлар қуйидагиларга жойлаштирилишига йўл қўйилади:

умумий ўрта таълим ташкилоти ҳовлилари ва ўйин майдонларига;

музда учиш майдонларига;

тўсиқларга эга бўлган жойларга;

спорт марказларига;

очиқ парклар ва дам олиш зоналарига.

116. Шаҳар парклари ва ўрмонли парклардаги, шунингдек спорт мажмуалари ва мавзелардаги табиий сўқмоқли йўлаклар ва ўрмонли йўлакларда «соғломлаштириш сўқмоқ йўлаклари» лойиҳаланиши лозим. Ушбу йўлакларнинг узунлиги 900 дан 3000 m гача, кенглиги камида 1,5 m бўлиши керак.

117. Рекреацион зоналар, шаҳар парклари ва спорт мажмуаларида велосипед йўлаклари лойиҳаланиши керак.

118. Велосипед йўлакларининг узунлиги қатъий белгиланмайди, маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда аниқланиши керак. Икки томонлама ҳаракатланишга мўлжалланган велосипед йўлакларининг кенглиги (эни) 1 m дан кам бўлмаслиги лозим.

119. Волейбол майдончасининг периметри (ёки ушбу майдонча олд чизиғининг четки қирраси) бўйлаб тўсиқлар, шу жумладан дарахт-бўтали тўсиқ лойиҳаланиши керак. Стационар трибуналар бўйлаб тўсиқлар назарда тутилмаслиги лозим.

120. Теннис майдонининг периметри бўйлаб тўрсимон (тешиклари 3 × 3 cm бўлган металл панжарали) тўсиқ ўрнатилиши лозим.

121. Теннис учун мўлжалланган майдонларнинг тўсиқлари бурчаклардан бошлаб ён чизиқлар бўйлаб 6 m дан кам ва ён томонларда 3 m дан кам бўлмаган масофада, қолган қисмда эса ён чизиқлар бўйлаб 1 m дан кам бўлмаган масофада ўрнатилиши керак.

Майдонлар ёнма-ён жойлашганда ён тўсиқлар ўрнатилмаслиги керак.

122. Ён томонлар бўйлаб тўсиққа тўқ рангли фонлар маҳкамланиши ёки тўсувчи тўр орқасига яшил ўсимликлар экиш, ушбу тўрга чирмашиб ўсувчи ўсимликлардан фойдаланиш лозим. Тўсувчи тўрнинг бир қисмини ёки уни бутунлай яхлит девор билан алмаштиришга йўл қўйилади.

123. Стол тенниси учун мўлжалланган майдоннинг ён томонлари бўйлаб матодан тайёрланган тўқ рангли фон ёки шамолдан етарлича ҳимоя қилувчи яшил ўсимликлардан фойдаланиш зарур.

124. Бир нечта теннис столлари бўлганда ёки теннис майдони тавсия этилган ўлчамлардан катта бўлганда унинг чегаралари бўйлаб баландлиги 0, 6 m дан кам бўлмаган ажратувчи тўсиқлар назарда тутилиши лозим.

2-§. Эшкакли қайиқда сузиш спорти базалари

125. Эшкакли қайиқда сузиш спортининг ҳар бир тури учун турли синфдаги қайиқлар сони ушбу спорт тури (турлари)га мўлжалланган базанинг (бундан буён матнда база деб юритилади) вазифасига боғлиқ ҳолда биттадан кам бўлмаган комплектни ташкил этиши керак.

126. Эшкак эшиш каналларининг ўлчамлари ва масофалари ушбу ШНҚнинг 3-иловаси 4-жадвалига асосан белгиланиши лозим.

127. Табиий сув ҳавзаларидаги эркин конфигурацияга эга бўлган акваториялар шуғулланиш трассалари билан биргаликда узунлиги 200 — 300 m дан кам бўлмаган ва уларни трассанинг эгри чизиқли участкалари билан боғловчи тўғри чизиқли участкаларга эга бўлиши керак.

128. Юқори спорт разрядларига эга бўлган спортчиларнинг шуғулланиши учун акваторияларнинг ўлчамлари ва конфигурацияси экипажларнинг 10 km ва ундан катта масофада тўхтамасдан ҳаракатланишига мўлжалланган бўлиши керак.

129. Стандарт масофа (дистанция) 108 m дан кам бўлмаслиги лозим.

130. Эшкак эшиш спорти бўйича тайёргарлик машғулотларини ўтказиш вақтида қайиқлар орасидаги масофанинг энг ками 1,5 m ни ташкил этиши зарур.

131. Қайиқлар комплектининг таркиби қуйида кўрсатилганлардан кам бўлмаслиги керак:

академик эшкак эшиш учун — 44 та қайиқ, шу жумладан битталик эшкак эшишда — 7 та, жуфтли иккиталик эшкак эшишда 6 та, бошқарувчисиз икки томони куракчали иккиталик эшкак эшишда 7 та, бошқарувчи билан икки томони куракчали иккиталик

эшкак эшишда 3 та, бошқарувчисиз жуфтли тўртталик эшкак эшишда 3 та, бошқарувчи билан жуфтлик тўртталик эшкак эшишда 3 та, бошқарувчисиз икки томони куракчали тўртталик эшкак эшишда 2 та, бошқарувчи билан икки томони куракчали тўртталик эшкак эшишда 9 та ва саккизталик эшкак эшишда 4 та;

байдарка ва каноэда эшкак эшиш учун 40 та қайиқ, шу жумладан битталик байдаркаларда эшкак эшишда 16 та, иккиталик байдаркаларда эшкак эшишда 6 та, тўртталик байдаркаларда эшкак эшишда 4 та, битталик каноэда эшкак эшишда 8 та, иккиталик каноэда эшкак эшишда 4 та, кўп ўринли каноэда эшкак эшишда 2 та;

қирғоқ олди эшкак эшиши учун 48 та қайиқ, шу жумладан битталик эшкак эшишда 12 та, иккиталик эшкак эшишда 12 та, бошқарувчи билан жуфтли тўртталик эшкак эшишда 12 та, бошқарувчи билан икки томони куракчали тўртталик эшкак эшишда 12 та;

аҳолининг эшкак эшиш билан шуғулланиши учун 24 та қайиқ, шу жумладан битталик эшкак эшишда 12 та, бошқарувчи билан эшкак эшишда 12 та.

132. Базаларининг ўтказиш қобилияти ушбу базанинг вазифасига боғлиқ ҳолда эшкак эшиш спортининг тури бўйича қуйидагилардан кам бўлмаган ҳолда белгиланиши лозим:

академик эшкак эшиш учун битта сменада 140 киши;

байдарка ва каноэда эшкак эшиш учун битта сменада 64 киши;

оммага мўлжалланган эшкак эшишда битта сменада 44 киши.

133. Универсал базаларнинг ўтказиш қобилияти эшкак эшиш спорти турларининг ҳар бири бўйича жами ўтказиш қобилияти билан аниқланиши лозим.

134. Асосий ва ёрдамчи хоналар рўйхатига қуйидагилар киритилиши керак:

эшкак эшиш қайиқларини сақлаш учун эллинглар;

қайиқда академик ва қирғоқ олди эшкак эшиш машғулотлари учун сув ҳавзаси;

баскетбол майдончаси жойлаштирилган ўйин зали;

умумжисмоний тайёргарлик машғулотлари учун тренажёр зали;

қайиқда академик ва қирғоқ олди эшкак эшиш машғулотлари учун махсус эргометрли тренажёр зали;

жисмоний (штанга кўтариш бўйича) машғулотлар зали;

қайта тикланиш ва тиббиёт маркази;

кийим алмаштириш хоналари;

таркибида аёллар шахсий гигиена хонаси бўлган душлар ва санитария узеллари;

ўқув-методик хоналар;

ходимлар (персонал) учун хоналар;

спортчилар учун дам олиш хонаси;

овқатланиш хонаси;

қайиқларни таъмирлаш устахонаси;

автотураргоҳ;

жамоат транспорти учун автотураргоҳ;

шахсий транспорт учун автотураргоҳ.

135. Қайиқда эшкак эшиш учун сув ҳавзасининг кунига 120 дан 180 гача кишини қабул қилиш қобилиятида қайиқда академик ва қирғоқ олди эшкак эшиш спорти учун бино баландлиги 4,2 m бўлганда ушбу сув ҳавзасининг ўлчами камида 21 × 15 m бўлиши керак.

136. Қайиқда эшкак эшиш ҳавзаси бир томонли, икки томонли ва ҳалқасимон бўлиши лозим. Сув ҳавзасининг лойиҳаси қандай бўлишидан қатъий назар ушбу ҳавза қуйидаги мажбурий шартларга жавоб бериши керак:

эшкак эшувчиларнинг иш жойлари тагида сув циркуляцияси учун махсус ички канал бўлиши;

сувнинг ишчи ҳажми ички каналдаги сув ҳажмига тенг бўлиши;

жуфт ва тарқоқ жойлашган эшкаклар билан эшиш имкони тенг таъминланган бўлиши;

сув ҳавзасининг ташқи девори тўлқинларни сўндириш учун махсус каналга эга бўлиши;

эшкакчиларнинг жойлари учун таянч ҳисобланган девор сирти ташқи томонга қарата қия ҳолатда бўлиши;

эшкак курагининг охирги қисмидан сув ҳавзасининг деворигача бўлган энг кам масофа 30 cm ни ташкил этиши.

137. Баскетбол зали база биносининг ичида жойлашган бўлиши, шунингдек ушбу зал намунавий ўлчамларга (30 × 18 × 7 m) ва баскетбол машғулотлари залини жиҳозлаш керак.

138. Умумжисмоний тайёргарлик машғулотлари учун тренажёр залининг баландлиги 6 m бўлганда ушбу зал 21 m дан кам бўлмаган узунлик ва 12 m дан кам бўлмаган кенгликдаги ўлчамларга эга бўлиши зарур.

139. Хона баландлиги 3 m дан кам бўлганда қайиқда академик ва қирғоқ олди эшкак эшиш машғулотлари учун махсус эргометрли тренажёр залининг узунлиги 16 m дан кам ва кенглиги 6 m дан кам бўлмаслиги лозим.

Ушбу хона яхши вентиляцияланиши ёки ундаги ҳаво яхши кондиционерланиши керак.

140. Йил давомида ишлайдиган базаларда жисмоний тайёргарлик бўйича гуруҳли шуғулланиш учун баландлиги 3 m дан кам бўлмаган хона (жой):

бир сменада базанинг қабул қилиш қобилияти 180 киши ва ундан кўп бўлганда ушбу хона (жой)нинг ўлчами 18 × 9 m дан кам бўлмаслиги;

битта сменада базанинг қабул қилиш қобилияти 120 дан 180 гача киши бўлганда ушбу хона (жой)нинг ўлчами 12 × 9 m дан кам бўлмаслиги;

қабул қилиш қобилияти кичик бўлган база ва мавсумий ишлайдиган базаларнинг ўлчами 9 × 6 m дан кам бўлмаслиги керак.

141. Тиббиёт хонаси спортнинг қайиқда эшкак эшиш турлари учун мўлжалланган спорт мажмуаси иншооти биносининг ичига эллинг зонаси ёнида жойлашиши, бошқа биноларда фақат майдони камида 12 m^2 бўлган биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш хонаси жойлашиши лозим.

142. Тиббий-диагностика маркази асосий хоналарининг таркиби ва майдони СанҚваН 0020-22 га мувофиқ белгиланиши лозим.

143. Лаборатория (допинг-назорат) учун мўлжалланган хона спорт иншоотининг асосий биносида эллинг зонасида жойлашган бўлиши ва қуйидагиларни ўз таркибига киритиши зарур:

бир нафар шифокор учун майдони 10 m^2 дан кам бўлмаган хона;

шифокор хонасига қўшилган иккита алоҳида (иссиқ ва совуқ сув таъминотига эга бўлган) санитария узели;

допинг топшириш учун майдони 10 дан 15 m^2 гача бўлган иккита хона;

кутиш учун майдони 50 m^2 гача бўлган ҳамда қулай кресло ва телевизор жойлаштирилган, тиббий кўрик хонасига ва санитария узелига бевосита боғланган катта хона.

144. Физиотерапия хонаси тиббиёт маркази ичига жойлаштирилиши ва ушбу хона майдони 10 m^2 дан кам бўлмаган шифокор хонаси, майдони 10 m^2 дан кам бўлмаган ва ширмалар (енгил рамали пардадевор) билан бўлинмаларга ажратилган физиопроцедура хонасидан иборат бўлиши керак.

145. Эркак ва аёллар спортчилар учун массаж хоналари лойиҳаланиши лозим. Бунда, ушбу хоналарнинг майдони 20 m^2 дан кам бўлмаслиги лозим.

146. Қайиқда эшкак эшиш спорт турлари учун спорт иншоотидаги душлар ва санитария узелларининг сони қуйидагича бўлиши керак:

эркаклар учун камида 15 та ва аёллар учун камида 10 та душ;

эркаклар учун камида 20 та санитария узели (ҳожатхона), 15 та писсиуар ва 15 та раковина ҳамда аёллар учун 20 та санитария узели (ҳожатхона) ва 20 та раковина.

147. Спорт иншооти спортчилар ва мураббийларнинг назарий машғулотлари, ҳакамларнинг мажлис ўтказиши учун мультимедия проектори, доска, стол ва стуллар билан жиҳозланган камида иккита хонага эга бўлиши ва улардан ҳар бирининг майдони 20 m^2 дан кам бўлмаслиги керак.

148. Хоналар қуйидаги маъмурий ва хизмат кўрсатувчи хоналардан ташкил топиши лозим:

директор хонаси (100 ва ундан ортиқ ходимлар бўлганда майдони 24 m^2, ходимлар сони 100 нафардан кам бўлганда майдони 12 дан 24 m^2 гача);

директор ўринбосари (бош муҳандис) хонаси;

қабулхона;

бош бухгалтер хонаси — майдони 10 дан 12 m^2 гача;

бухгалтерия хонаси — майдони 14 дан 16 m^2 гача;

ўқув-спорт бўлими учун 2 та хона — майдони 12 дан 14 m^2 гача;

академик эшкак эшиш мураббийлари учун 2 та хона — майдони 9 дан 12 m^2 гача;

конференция зали — майдони 72 дан 96 m^2 гача;

ёнғин хавфсизлиги пости;

қўриқлаш ходимлари учун хона;

навбатчи матрослар-қутқарувчилар учун хона;

комендант учун хона.

149. Спортчилар учун дам олиш хонаси икки ўрин-жойга мўлжалланган ва иссиқ сув таъминоти, душ, санитария узели, раковинага эга бўлиши керак.

150. Шуғулланувчилар ва томошабинларнинг устки кийимлари учун гардероб майдони бир ўринга 0,1 m^2 юза тўғри келишини ҳисобга олган ҳолда аниқланиши ва ушбу майдон 10 m^2 дан кам бўлмаслиги зарур.

151. Клубларда кириш жойи олдида шуғулланувчилар ва томошабинлар учун вестибюл бўлиши ва у ташриф буюрувчиларни автоматик рўйхатга олувчи турникетлар билан ажратилган майдони 4 дан 6 m^2 гача бўлган рўйхатга олиш хонасига эга бўлиши керак.

152. Чанғилар, чанғи-роллерлар, роликли конькилар, велосипедлар, эшкакли қайиқлар жойлашган учун хона умумий тармоққа уланган компьютер билан жиҳозланган эллинглардан бирида жойлашган бўлиши лозим.

153. Техник хоналарга қуйидагилар кириши керак:

базанинг жиҳозлари ва инвентарини таъмирлаш устахоналари;

чойшаблар ва спорт кийимлари ҳамда предметларини ювиш, қуритиш ва дазмоллаш учун хоналар (ушбу хоналар кир ювиш, қуритиш машиналари ва дазмоллаш тахталари билан жиҳозланган бўлиши зарур);

қўшимча спорт инвентарини сақлаш учун омборхоналар;

ёнувчан-мойлаш ва лок-бўёқ материаллари, турли бутловчи қисмлар ҳамда бошқаларни сақлаш учун омборхона;

қайиқларни ташишга мўлжалланган база автотранспорти учун автотураргоҳ (гараж)лар;

қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектлар учун хона;

қутқариш ва ёнғинга қарши воситаларни сақлаш учун майдони 10 m^2 дан кам бўлмаган хона (бунда, база акваторияси яхши кўриниб туриши керак);

моторли қайиқларга ёқилғи қуйиш шохобчаси;

моторли қайиқларни сақлаш учун док.

154. Қирғоқнинг акваторияга бевосита туташган қисмига қўшимча тарзда ўлчамлари 25 × 11 m ёки 25 × 8,5 m дан кам бўлмаган ваннага эга бўлган сузиш ҳавзаси жойлаштирилиши керак.

155. Қайиқларни кўздан кечириш ва сузишга шайлаш (созлаш) учун майдончага эга бўлган эллинг (эллинглар) причаллар ҳудудида жойлашиши ва қуйидагилардан кам бўлмаган ўлчамларга (қайиқларнинг битта комплекти учун) эга бўлиши зарур:

академик эшкак эшиш учун эллинг 27 × 18 m, майдонча 42 × 18 m;

байдарка ва каноэда эшкак эшиш учун эллинг 20 × 6 m, майдонча 26 × 6 m;

халқ фойдаланишидаги эшкак эшиш учун эллинг 14 × 6 m, майдонча 17 × 6 m.

156. Байдарка ва каноэ ҳамда халқ фойдаланишидаги эшкак эшиш учун эллингларнинг баландлиги (шифтдан паст томонга чиқиб турувчи конструкцияларнинг тагигача) 3 m дан кам бўлмаслиги, академик эшкак эшиш учун ушбу баландлик 4,2 m дан кам бўлмаслиги лозим.

157. Мусобақалар ўтказилишига мўлжалланган базалардаги қайиқларни вақтинчалик жойлаштириш учун (иккита командага) очиқ майдончаларнинг ўлчамлари қуйидагилардан кам бўлмаслиги керак:

академик эшкак эшиш учун — 54 × 6 m ёки 2 × (27 × 6 m);

байдарка ва каноэда эшкак эшиш учун 36 × 3 m ёки 2 × (18 × 3 m);

халқ фойдаланишидаги эшкак эшиш учун 20 × 6 m или 3 × (10 × 6 m).

158. Эллингларнинг умумий майдони камида 2000 m^2 ни ташкил этиши зарур.

159. Ландшафт ясси ёки сув қирраси томонига қарата 10° дан катта бўлмаган бурчак остида қия бўлиши лозим.

160. Эллингларнинг дарвозалари 2 m (2,5 m) × 2,5 m (3 m) дан кичик бўлмаган ўлчамга эга бўлган ҳолда икки томонга суриладиган бўлиши керак.

161. Спорт иншооти қайиқларни шатакка олиб ташийдиган автомобилларни сақлаш учун юзаси 50 m^2 дан кам бўлмаган майдончага эга бўлиши лозим.

162. Томошабинларга хизмат кўрсатиш трибуналари ва жойлари сув ҳавзасининг фақат битта томонида ёки унинг ҳар иккала томонида бўлишига йўл қўйилади.

Спортнинг қайиқда эшкак эшиш турларига мўлжалланган спорт иншоотларининг турли тоифалари учун трибуналар доимий ёки вақтинчалик бўлишига йўл қўйилади.

163. Базанинг бир сменада қабул қилиш (ўтказиш) қобилияти 120 дан 180 гача киши бўлганда байдарка ва каноэда эшкак эшиш учун сув ҳавзаси залининг ўлчами 15 × 9 m, баландлиги 3 m бўлиши керак.

164. Базанинг бир сменада қабул қилиш (ўтказиш) қобилияти 180 кишидан кўп бўлганда академик эшкак эшиш учун қўшимча равишда зал лойиҳаланиши ва унинг ўлчами 15 × 15 m дан кам бўлмаслиги, баландлиги 4,2 m бўлиши ҳамда байдарка ва каноэда эшкак эшиш учун ўлчами 15 × 9 m дан кам бўлмаслиги, баландлиги 3 m бўлиши керак.

165. Мавсумий ишлайдиган ва фақат аҳоли томонидан фойдаланишга мўлжалланган базаларда мазкур ШНҚнинг 164-бандида кўрсатилган заллар ўрнига усти айвон билан ёпилган майдонча 15 × 15 m дан кам бўлмаган ўлчамда ва 4,2 m дан кам бўлмаган баландликда (байдарка ҳамда каноэда эшкак эшиш учун 15 × 9 m дан кам бўлмаган ўлчамда, 3 m дан кам бўлмаган баландликда) лойиҳаланиши керак.

3-§. Спорт иншоотлари ва уларнинг ёрдамчи хоналарига қўйиладиган талаблар

166. Спорт иншоотларидаги комплекс майдончалар ва улардаги алоҳида элементларнинг минимал ўлчамлари ушбу ШНҚнинг 4-иловаси 5-жадвалига мувофиқ белгиланиши керак.

167. Тўсиқ йўлакларининг минимал узунлиги ва эни қуйидагича бўлиши зарур:

40 m, 7 m (10 дан 14 ёшгача бўлган болалар учун);

70 m, 14 m (14 ёшдан катта болалар ва катталар учун).

168. Жисмоний тарбия-соғломлаштириш машғулотлари учун очиқ ясси спорт иншоотларининг горизонт томонлари бўйича ориентацияси қатъиян белгиланмайди.

169. Жисмоний тарбия-соғломлаштириш машғулотлари учун мўлжалланган очиқ ясси спорт иншоотлари олдида шуғулланувчилар учун фақат санитария узеллари ҳамда кўчма жиҳозлар ва анжомлар (инвентарь)ни сақлаш хоналари назарда тутилиши керак.

170. Оммавий шуғулланиш учун чанғи базаларидаги ёрдамчи хоналарнинг таркиби ва майдонлари лойиҳа топшириғига мувофиқ белгиланиши лозим.

4-§. Универсал залларга эга бўлган кўп функцияли спорт мажмуалари

171. Универсал залларга эга бўлган кўп функцияли спорт мажмуаларида қуйидагилар инобатга олиниши керак:

спорт залларини лойиҳалашда спорт зонаси устидаги шифт баландлигига қўйиладиган талабларга риоя қилиниши, бунда зона чегарасидан ташқарида баландлик 3 m дан кам бўлмаган баландликкача бир текис камайтирилиб борилиши;

спорт тадбирларини спорт зонасига бирлаштирилган бир нечта майдончаларда бир вақтда ўтказишга мўлжалланган универсал спорт залларини лойиҳалашда универсал спорт залининг ўтказиш қобилияти ушбу майдончаларнинг сони ва вазифасига боғлиқ ҳолда ортиши;

спортнинг ҳар хил турлари учун бир нечта майдончаларни (ўйин майдончалари) спорт залига жойлаштиришда ушбу майдончалар орасида ажратувчи қурилмаларни;

қопламани ва уни монтаж қилиш техникасини сақлаш хонасини (жойи);

универсал спорт мажмуаларида уларнинг спорт заллари трансформацияланадиган (кўчма) пардадеворлар билан ажратилиши, ҳар бир спорт зали кийим алмаштириш хоналари билан бевосита боғланган бўлиши, залнинг ички девори узунлиги бўйлаб 2-1,2 m кенгликда ўтиш ҳисобига залларни бўлиш тизимини ташкил этишини;

спорт заллари ва ёрдамчи хоналарни лойиҳалашда махсус техника қўлланиладиган юклаш-тушириш ишларини олиб бориш ҳамда спорт-технологик ускуналардан фойдаланиш зарурлигини;

катта массали ёки йирик габаритли ускуналар (юк тренажёрлари, мобилли фермалар ва бошқалар) жойлаштириладиган спорт залларини биринчи қаватга юк кўтарувчи техниканинг кириш имкониятини;

спорт залларини уларнинг бўйлама деворлари бўйлаб ускуналарни (гимнастика деворлари, машғулотларга мўлжалланган деворлар, гандбол, баскетбол, теннис учун шчитлар) ўрнатиш билан лойиҳалашда ушбу ускуналарни деразасиз деворларга ёки пастки қисми пол сатҳидан 4,5 m дан кам бўлмаган баландликда жойлашган деразаларга эга бўлган деворларга ўрнатишни;

машғулотлар учун мўлжалланган залларни лойиҳалашда хавфсизлик зонасининг габаритларига қўйиладиган талабларга риоя қилинишини;

спорт залларининг ўлчамлари, шунингдек хоналарнинг чиқиб турувчи конструкцияларнинг пастки қисмигача бўлган баландлиги лойиҳалаш топшириғига мувофиқ ўрнатишни;

спорт зоналарининг асосий параметрлари ушбу ШНҚнинг 6-иловаси 9-жадвалда келтирилган кўрсаткичларга мувофиқ белгиланишини.

172. Спорт турларидан вақти-вақти билан фойдаланиш учун универсал спорт залларининг ўлчамлари спортнинг турлари учун мазкур ШНҚнинг 6-иловаси 9-жадвалда келтирилган энг катта кўрсаткичларга асосан белгиланиши лозим.

173. Спорт заллари асосий турларининг қурилиш ўлчамлари ва сиғими ушбу ШНҚнинг 5-иловаси 7-жадвалга асосан белгиланиши зарур.

5-§. Сув спорти иншоотларига қўйиладиган талаблар

174. Ёпиқ ва очиқ ўқув-машғулот бассейнларининг асосий ҳисобий параметрлари ушбу ШНҚнинг 16-иловаси 20-жадвалига асосан белгиланиши керак.

175. Сузишни билмайдиганлар ва болаларни сузишга ўргатиш учун мўлжалланган ванналар бассейн биносида 50х25 m ўлчамда лойиҳаланиши керак.

176. Томошабинларнинг ўриндиқларига ва сувга сакраш қурилмаларига эга бўлмаган бассейнлардаги ванналар залининг баландлиги (юриш йўлаги сатҳидан) қуйидагиларга мувофиқ лойиҳаланиши зарур:

спорт машқлари учун ванна узунлиги 50 m бўлганда, 6 m дан кам бўлмаслиги ва ванна узунлиги 25 m бўлганда, 5,5 m дан кам бўлмаслиги;

ўқув-машғулот ва соғломлаштириш машқлари учун ванна узунлиги 25 m бўлганда, зал баландлиги 4,2 m, ванна узунлиги 18 m дан ошмайдиган заллар учун ушбу баландлик 3,6 m бўлиши.

177. Универсал ва махсус ванналарга, шунингдек сувга сакраш қурилмаларига ҳамда томошабинларнинг ўриндиқларига эга бўлган залларнинг баландлиги технологик талаблар бўйича белгиланиши лозим.

178. Узунлиги 25 m ва ундан катта бўлган ванналарга эга бўлган бассейнлар таркибида тайёргарлик машғулотлари учун спорт заллари бўлиши керак.

179. Ўлчамлари 25x8,5 m ва ундан кичик ванналар ҳамда очиқ бассейнларда тайёргарлик машғулотлари учун заллар лойиҳаланмаслиги, бунда ванна яқинида тайёргарлик машғулотлари учун майдони 70 m^2 дан кам бўлмаган очиқ майдонча бўлиши лозим.

180. Ванна тубининг нишаблиги, ванна ён деворларининг бўйлама профили, ванна атрофидаги йўлакчаларнинг ўқлари, сув остини кузатиш туйнуклари (иллюминаторлар) технологик талаблар бўйича белгиланиши керак.

Бўйлама томонда узунлиги 50 m бўлган ванналар учун учта зинапоя, узунлиги 50 m дан кам бўлган ванналар учун иккита зинапоя, майдони 100 m^2 кам бўлган ванналар учун битта зинапоя лойиҳаланиши лозим.

181. Ванна туби ва деворларининг конструкцияси сув ўтказмайдиган ва кимёвий реагентлар таъсирига чидамли бўлиши керак.

182. Ванна туби ва деворларининг ички юзаси оч рангда бўлиши, бунда ванна туби ва деворларининг сирпанчиқ бўлмаслиги лозим.

183. Сузиш спорти бассейнларидаги ванналарнинг ён деворлари сув юзаси устида 0,3 m баландликда вертикал ва бир-бирига нисбатан параллель ҳолатда бўлиши керак.

184. Бассейн ваннасининг периметири бўйлаб ёпиқ ванналар учун кенглиги камида 1,5 m бўйлаб айланиб юриш йўлакчаси, очиқ ванналар учун бу кенглик камида 2 m бўлиши, бунда йўлакчанинг ташқи чегараси бўйлаб ўриндиқлар жойлаштирилиши лозим.

Айланиб юриш йўлакчасининг сирти сирпанчиқ бўлмаслиги ва трап томонга қарата 0,01-0,02 нишабга эга бўлиши керак.

185. Болалар ваннаси (сузишни билмайдиганлар) учун айланиб юриш йўлакчаси тўсиқ бўйлаб 0,75 m кенгликликда белгиланиши, бунда йўлакчанинг сирти юзаси ванна тўсиғидан паст, ванна тўсиғининг баландлиги 0,9-1,0 m бўлиши керак.

186. Ёпиқ бассейнларда иситиладиган айланиш йўлакчалари лойиҳаланиши лозим.

187. Старт тумбаси, трамплинларга эга бўлган тўсиқ бўйлаб жойлашган юриш йўлакчасининг кенглиги технологик талабларга асосан белгиланиши керак.

188. Эркак ва аёлларга алоҳида кийим алмаштириш хоналари, ҳожатхоналар ва душхоналар тамбур орқали тўғридан-тўғри туташган бўлиши лозим.

189. Шуғулланувчилар учун кийим алмаштириш хоналари спорт зали билан бевосита йўлак (коридор) ёки фақат кийим алмаштириш хоналари ва спорт зали учун мўлжалланган зинапоя орқали боғланиши керак.

190. Жамоалар ўртасида ўтказиладиган спорт иншоотларида камида тўртта кийим алмаштириш хонаси бўлиши, уларнинг майдони кўп залли спорт иншоотларининг кийим алмаштириш хоналари умумий ҳисобий майдонига киритилиши лозим.

191. Кийим алмаштириш хоналари бир нафар шуғулланувчига камида 1 m^2 майдон тўғри келишини ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланиши, бунда кийим алмаштириш хоналарида кийим жавонлари (0,3x0,5 m ўлчамда), ўриндиқлар, оёқ ваннаси, қўл ювиш жиҳози, кўзгу, пол усти тарозиси бўлиши керак.

192. Бассейнларда кийим алмаштириш хоналари айланиб юриш йўлакчаси билан бир сатҳда жойлашиши ва кийим алмаштириш хоналари бассейнлар билан фақат

душхоналар орқали боғланиши, спорт зали ёки тайёргалик машғулотлари хонаси билан душхонани айланиб ўтган ҳолда боғланиши керак.

193. Очиқ ванналарга ўтиш учун кенглиги 1,8 m ва чуқурлиги камида 0,5 m бўлган каналлар бўлиши, старт супаси бўлмаган ванналар учун мазкур канални ваннанинг ён томонларига жойлаштирилиши зарур.

194. Бассейнларнинг техник хоналари, хлорланадиган хоналар ва хлор омборлари алоҳида махсус кириш жойига эга бўлиши лозим.

Хлорланадиган хоналарни ва хлор омборини ер сатҳидан пастга жойлаштиришга йўл қўйилади.

195. Бассейндаги сув бир сутка давомида камида уч мартагача тозаланиши (фильтрланиши) керак.

196. Бассейн сувини тозалашда циркуляцион фильтрлаш усулидан фойдаланиш лозим.

197. Бассейндаги сувнинг оптимал ҳарорати 27 дан 29,5 °C гача, хона (зал)даги ҳаво ҳарорати бассейндаги сув ҳароратидан 1 °C га паст бўлиши зарур.

198. Бассейнда сув буғининг конденсацияланишига йўл қўймаслик керак.

199. Сувга сакраш трамплинидаги платформанинг узунлиги 4,8 m ва кенглиги 0,5 m бўлиши лозим.

200. Платформа баландлиги 7,5 m ва ундан юқори бўлганда старт майдончасидан шифтгача бўлган масофа 5 m дан, платформа баландлиги 7,5 m кам бўлганда старт майдончасидан шифтгача бўлган масофа 3,4 m дан кам бўлмаслиги зарур.

201. Сузиш йўлакчаларининг сони 8 ёки 10 та бўлиши керак.

202. Трамплинлар 1 ва 3 метрли бўлиши, бунда олимпиада ўйинларида фақат 3 метрли трамплин қўлланилиши лозим.

203. Сувга сакрашнинг хай-дайвинг турида қўлланиладиган платформа 6 m узунликда, 2 m кенгликда, 1, 3, 5, 7,5 ва 10 m баландликда лойиҳаланиши зарур.

204. Олимпиада ўйинлари учун хай-дайвинг платформаси 10 m баландликда лойиҳаланиши лозим.

205. Шуғулланувчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун бассейнга кузатув камераларини ўрнатиш, улар ёрдамида бассейнинг бутун зонаси назорат қилиниши керак.

6-§. Томошабинлар учун мўлжалланган жойлар

206. Томошабинлар учун трибунага эга бўлган стадионнинг спорт аренаси стадионнинг асосий иншооти сифатида хизмат қилиши ҳамда мазкур ШНҚнинг 12-иловаси 14-расмга мувофиқ лойиҳаланиши керак.

207. Трибуналар конструктив жиҳатдан қурилиш усулига кўра қуйидагиларга бўлиниши керак:

ер устига қуриладиган;

таянч конструкциялар устида турадиган;

уйғунлашган (комбинациялашган).

208. Спорт мусобақаларини ўтказишга мўлжалланган иншоотларда трибуналар бўлиши зарур.

209. Томошабинлар учун трибуналар ареналарнинг бўйлама томонлари бўйича жойлаштирилиши, уларни ён томонлар бўйича жойлаштиришда қуйидаги ҳоллар инобатга олиниши керак:

томошабинларнинг берилган ўрин-жойларини ушбу ШНҚнинг 18-иловасига мувофиқ аренанинг бўйлама томонларидаги трибуналарда оралиқлар (масофалар) чегарасида жойлаштирилиши;

очиқ спорт ядролари (арена) ёки футбол майдонларининг чегарасида (периметрал) трибуналарни қуриш зарурияти;

ёпиқ иншоотларда ўрин-жойларни бўйлама томонлар бўйича жойлаштириш зал кенглигининг ошиб кетишига олиб келадиган ҳолатлар.

210. Трибуналарда томошабинларнинг ўтиришлари учун ўрин-жойларнинг ўлчамлари қуйидагича бўлиши зарур:

очиқ иншоотлар учун қаторлар кенглиги 0,75 дан 0,8 m гача;

ёпиқ иншоотлар учун 0,8 дан 0,9 m гача;

очиқ иншоотлар учун ўтириш жойининг кенглиги 0,42 m дан кам бўлмаслиги;

ёпиқ иншоотлар учун эса ўтириш жойининг кенглиги 0,45 m кам бўлмаслиги;

очиқ иншоотлар учун ўтириш жойининг эни 0,3 m дан кам, ёпиқ иншоотлар учун ўтириш жойининг эни 0,4 m дан кам бўлмаган ўлчамда.

Трибуналарда ногиронлиги бўлган шахсларнинг антропометрик параметрлари ҳамда ўриндиқли аравачанинг габаритлари инобатга олиниши лозим.

211. Трибуна қўшни қаторлари полининг сатҳидаги фарқ 0,3 m дан катта бўлганда, елка суянчиқларини ўрнатишга йўл қўйилиши, бунда суянчиқларнинг қўшни қатор поли сатҳидан чиқиб туриш баландлиги 0,12 m дан ошмаслиги керак.

212. Томошабинларнинг трибунадаги тик ҳолатда туриш жойлари ҳар бир қаторда бир нафар томошабин учун 0,45 m дан кам бўлмаган кенгликда бўлиши, қаторлар бўйлаб эни эса 0,5 m дан кам бўлмаслиги лозим.

213. Республика даражаси ва бошқа юқори масштабдаги мусобақалар учун мўлжалланган очиқ ҳамда ёпиқ спорт-намойиш ва спорт-томоша иншоотларининг стационар трибуналарида матбуот вакиллари учун жойлар (матбуот ложаси) лойиҳаланиши лозим.

214. Енгил атлетика учун спорт-намойиш иншоотларидаги (узунлиги 400 m бўлган айланма югуриш йўлакларига эга бўлган очиқ спорт аренаси) стационар трибуналарда югуриш масофаларининг финиш қисмида жойлашувчи ҳакамлар учун жой (ҳакамлар ложаси) лойиҳаланиши керак.

215. Томошабинларнинг ўрин-жойлари (ўриндиқлари) ушбу ШНҚнинг 18-иловасига мувофиқ трибуналарга жойлаштирилиши зарур.

216. Очиқ спорт иншоотлари трибуналарининг устки бўйлама ва ён томонлари бўйлаб 1,2 m баландликдаги тўсиқ бўлиши лозим.

217. Трибунанинг томошабинлар туриши учун мўлжалланган қаторларнинг ўтиш жойлари бўйлаб биринчи қатор олдида ва навбатдаги ҳар бир 5-6 қатордан кейин ўрнатиладиган тўсиқлар бўлиши керак.

218. Биноларнинг цокол ва ертўла қаватларида жисмоний тарбия билан шуғулланиш хоналарини жойлаштиришда ёруғлик тушиши учун деразалар ва алоҳида чиқиш жойлари ШНҚ 2.08.02-23 га мувофиқ лойиҳаланиши керак.

219. Ўриндиқлари 300 ва ундан кўп трибунали томоша-спорт залларида зал-арена пол сатҳи ер устки иккинчи қават пол сатҳидан юқори бўлмаслиги керак.

7-§. Спорт ядроси ва спорт ареналарига қўйиладиган талаблар

220. Спорт ядроси марказий аренанинг асосий спорт иншооти сифатида хизмат қилиши ёки ўқув-машғулотларини ўтказиш учун мустақил ҳолатда (трибунасиз) жойлашишига йўл қўйилади.

221. Спорт ядроси таркибига айланма 400 m ва тўғри чизиқли 130 m енгил атлетика йўлаклари, ядро улоқтириш учун икки, уч ёки тўртта сектор, сакраш йўлаклари ва снарядлар улоқтириш секторлари, ўйин майдони ва ушбу ШНҚнинг 12-иловаси 15-расмига мувофиқ чуқурлар, тўсиқлар югуриш йўлаклари киритилиши лозим.

222. Югуриш йўлакларининг ташқи ва ички томонларидан эни 1,0 m дан кам бўлмаган хавфсизлик зонасини лойиҳалаш зарур.

223. Спорт ядросининг ташқи периметри бўйлаб 0,5 дан 0,8 m гача бўлган баландликда тўсиқ лойиҳаланиши керак.

224. Футбол майдони 105×68 m ўлчамга эга бўлиши лозим.

225. Стадионнинг чим қопламаси 120x80 m ўлчамга эга бўлиши керак.

226. Сирт-юза сувларини дренаж қувурлари орқали оқизиш зарур.

Сувни оқизиш учун 3 фоиздан кам бўлмаган нишаблик ҳосил қилиниши лозим.

227. Ерга қуриладиган трибуналарни гилли грунт устига жойлаштиришда грунтга йирик донали қум 10 дан 15 cm гача қалинликда ёйилиши, қум қатлами устига эса темир-бетон қоплама жойлаштирилишига йўл қўйилади.

8-§. Ўйин майдонлари ва майдончаларига қўйиладиган талаблар

228. Футбол, регби, чим устида хоккей, бейсбол ва бошқалар учун майдонлар ушбу ШНҚнинг 5-иловаси 6-жадвалига асосан лойиҳаланиши лозим.

229. Дарвозаларга эга бўлган (регби, футбол, чим устида хоккей ва бошқалар) спорт ўйинлари учун майдонларни уларнинг бўйлама ўқлари билан шимол-жануб йўналиши бўйича ориентацияда жойлаштириш керак.

Исталган томонга 20°дан ошмаган ҳолда оғишга йўл қўйилиши, бунда бейсбол майдонини ғарбдан шарққа қаратиб жойлаштириш лозим.

230. Битта спорт иншоотида бир турдаги бир нечта спорт майдонлари жойлашганда ушбу майдонларнинг учдан бир қисмидан кўпроғи шарқий-ғарб йўналишига қаратиб жойлаштирилиши керак.

231. Футбол майдони тўғри бурчак шаклига эга бўлиши ҳамда ён ва дарвоза чизиқлари билан чегараланиши лозим.

232. Спорт ядроси ҳамда футбол майдонларидан фарқли ўлароқ, ўйин майдонлари ва майдончаларини турар жойларга яқин ерларга, турли конфигурация ва рельефли участкаларга жойлаштиришга йўл қўйилади.

233. Спорт ўйинлари учун асосий майдон шуғулланувчилар учун хавфли бўлган тўсиқлар ёки буюмлардан ҳоли бўлган хавфсизлик зоналари (югуриш йўлаклари) билан ўйин турларига боғлиқ ҳолда 0,8 дан 8 m гача бўлган кенгликда ўраб олинган бўлиши керак.

234. Спорт ва технологик сифатлари бўйича афзал бўлган газон ва синтетик қопламалардан фойдаланишга йўл қўйилади.

235. Спорт ўйинларининг энг оммавий турларига мўлжалланган ўйин майдонлари ва майдончаларининг ўлчамлари ҳамда конфигурациялари ушбу ШНҚнинг 12-иловаси 4 — 15-расмларида белгиланган.

236. Бадминтон майдончаларига эга бўлган залларни битталик ва жуфтлик ўйинларга мўлжалланган кортлар тўғри бурчакли тўртбурчак шаклда узунлиги 13,4 m, эни 6,1 m, диагонал бўйича узунлиги 14,723 m ҳамда белгилаш чизиқларининг кенглиги 0,04 m этиб лойиҳалаш лозим.

237. Кортнинг периметри бўйлаб 2 m кенгликда хавфсизлик зонаси ажратилиши лозим.

Бир нечта кортларни бир қатор қилиб жойлаштиришда иккита қўшни кортлар орасидаги хавфсизлик зонасининг минимал ўлчами 2 m дан кам бўлмаслиги керак.

238. А ва В тоифалардаги бандминтон залларини лойиҳалашда полдан юқоридаги чиқиб турувчи конструкциянинг пастки қисмигача бўлган баландлик ушбу кортнинг бутун юзаси бўйича халқаро мусобақалар учун 12 m дан, мамлакат миқёсида ўтказиладиган мусобақалар учун 9 m дан кам бўлмаслиги лозим.

239. Бадминтон учун спорт зонасини ушбу ШНҚнинг 13-иловаси 23-расмига асосан чизиқлар билан белгилаш зарур.

240. Баскетбол майдонига эга бўлган зални лойиҳалашда тўғри бурчакли тўртбурчак шаклидаги ўйин майдони инобатга олиниши, бунда ўйин майдони қуйидагиларни назарда тутиши керак:

узунлиги 28 m, эни 15 m (чегараловчи чизиқларнинг ички қирраларидан ўлчанган) ўйин зонасини;

майдоннинг бутун периметри бўйлаб хавфсизлик зонасини (шчитлар конструкциясигача бўлган масофани киритган ҳолда) ўз ичига киритишни;

хавфсизлик зонаси чегарасидан ташқаридаги жойларга ҳар бир жамоа учун 16 та ўрин-жойни ҳисоблашдан келиб чиққан ҳолда уриндиқлар зонаси жойлаштирилишини;

ўйин майдони устидаги энг яқин конструкциянинг пастки қисмигача бўлган баландлик 7 m дан кам бўлмаслигини;

машғулот залларида майдон чизиғидан 2 m дан кам бўлмаган масофада ҳалқаларга эга бўлган қўшимча шчитларни ўрнатишни.

241. Баскетбол учун спорт зонаси ҳамда уни белгилаш ва жиҳозлаш схемаси ушбу ШНҚнинг 13-иловаси 24 ва 26-расмларига мувофиқ лойиҳаланиши лозим.

242. Волейбол залини лойиҳалашда мусобақа зонаси ўйин майдончаси ва эркин зонани ўз ичига киритишини ҳисобга олиш керак.

Ўйин майдончаси 18×9 m ўлчамда тўғри бурчакли тўртбурчак шаклда лойиҳаланиши зарур.

Залдаги эркин зона ўйин майдончаси текислигига жойлаштирилиши ва у ҳар томондан 3 m дан кам бўлмаган кенгликни ташкил этиши, эркин зонанинг полдан унинг устидаги чиқиб турувчи конструкциянинг пастки қисмигача бўлган баландлиги 7 m дан кам бўлмаслиги лозим.

243. Волейбол учун зални лойиҳалашда веритикал устунчаларни маҳкамлаш деталлари лойиҳаланиши керак.

244. А ва В тоифалардаги залларни лойиҳалашда қуйидагиларни инобатга олиш лозим:

майдонча атрофида 4 m дан кам бўлмаган кенгликда ва 10 m дан кам бўлмаган (полдан чиқиб турувчи конструкциянинг пастки қисмигача) баландликда эркин зонани;

жамоаларнинг ўриндиқлари томонида жойлашган иккала бурчакдаги эркин зона чегарасидан ташқарида 3×3 m ўлчамли чигил ёзиш жойини;

қоида бузганлиги туфайли ўйиндан четлаштирилган спортчилар учун назорат зонасида иккита курси билан жиҳозланган 1×1 m ўлчамли жой назарда тутилишини.

Волейбол учун спорт зонаси ва унинг белгиланиш схемаси ушбу ШНҚнинг 13-иловаси 26-расмига мувофиқ лойиҳаланиши лозим..

245. Гандбол бўйича спорт тадбирлари учун ўйин майдончаси 40х20 m ўлчамда тўғри бурчакли тўртбурчак шаклида лойиҳаланиши, майдонча диоганалининг узунлиги битта ён чизиқ охиридан қарама-қарши ён чизиқ охиригача 44,72 m ни ва ярим майдон диоганалининг ён чизиқлар охирги нуқталаридан марказий чизиқ ва ён чизиқ кесишишининг қарама-қарши нуқтасигача узунлиги 28,28 m ни ташкил этиши лозим.

246. Гандбол ўйин майдончасининг атрофида қуйидаги ўлчамлардаги хавфсизлик зонаси бўлиши керак:

ён чизиқлар бўйлаб 1 m дан кам бўлмаган;

дарвозаларнинг ташқи чизиқлари орқасида 2 m дан кам бўлмаган.

247. Гандбол учун А ва В тоифалардаги залларда жамоа спортчилари ва мураббийларга мўлжалланган ўриндиқлар марказий чизиқдан 3,5 m масофада бўлиши лозим.

248. Стол (узунлиги 4 m дан катта бўлмаган) захира ўйинчиларининг курсиларига қараганда ён чизиққа яқин жойлашган бўлиши, бироқ стол ён чизиқдан 0,5 m дан кам бўлмаган масофада ва ўйин майдончаси сатҳидан 0,3-0,4 m га баландроқ бўлиши керак.

Жамоа курсилари олдида ён чизиқ бўйлаб марказий чизиқдан иккала томонда 8 m масофада хавфсизлик зонаси бўлиши лозим.

249. Дарвозалар чизиғидан 1,5 m масофада 9 — 14 m узунликда ва 5 m баландликда вертикал тўсувчи тўрни осиш имкони бўлиши керак.

Гандбол учун спорт зонаси ва унинг белгиланиш схемаси ушбу ШНҚнинг 13-иловаси 27-расмига асосан лойиҳаланиши лозим..

250. Футзал учун майдончага эга бўлган зални лойиҳалашда мусобақа майдони тўғри бурчакли шаклда бўлиши, бунда майдоннинг ўлчамлари қуйидагилардан кам бўлмаслиги лозим:

ён чизиқ узунлиги 42 — 38 m, дарвоза чизиғининг узунлиги — 25 — 20 m (А ва В тоифадаги заллар учун);

ён чизиқ узунлиги 42 — 25 m, дарвоза чизиғининг узунлиги — 25 — 16 m (С тоифадаги заллар учун).

251. Ўйинчиларни алмаштириш зонаси техник зона олдида 5 m узунлик билан лойиҳаланиши ҳамда 0,08 m кенглик ва 0,8 узунликдаги кесма чизиқчалар билан 0,4 m майдончада ва 0,4 m унинг ташқарисида чегараланган бўлиши керак.

Хронометрист столи олдида ўрта чизиқнинг ҳар иккала томонида 5 m эркин зона (фазовий бўшлиқ) бўлиши лозим.

Алоҳида зоналарни белгилаш ва чегаралаш талаблари лойиҳалаш топшириғи билан аниқланиши зарур.

Футзал учун спорт зонаси ва уни чизиқлар билан чегаралаш (белгилаш) схемаси ушбу ШНҚнинг 13-иловаси 28-расмига мувофиқ лойиҳаланиши керак.

252. Стол тенниси учун залларни лойиҳалашда уйин майдонининг фазоси (марказда стол ва унинг атрофида эркин зона) бўлиши ва унинг ўлчамлари узунлиги — 14 m, кенглиги (эни) — 7 m, баландлиги — 5 m дан кам бўлмаслиги лозим.

Машғулотлар учун ўйин фазосининг ўлчамларини 9х5 m гача камайтиришга йўл қўйилади.

Ўйин фазоси унинг периметри бўйича 1,5 m узунликда ва 0, 75 m баландликда тўқ фондаги рангли бортиклар билан тўсилиши керак.

253. Стол тенниси учун зални лойиҳалаштириш том қопламалари ва поллар (ёрқин, ялтирайдиган ва тош, бетон, ғишт ёки кафель плиткаларидан бажарилган сирпанувчан поллар тақиқланади), ёритилганлик, ранг бўйича бир хиллилик ва бошқа рангли хусусиятлардаги қисми лойиҳалаш топшириғига мувофиқ амалга оширилиши лозим.

254. Стол тенниси учун А ва В тоифалардаги залларда пол ёғоч ёки ўрамли синтетик материал билан қопланган бўлиши керак.

255. Спорт зонаси ва стол тенниси учун белгилаш схемаси ушбу ШНҚнинг 13-иловаси 29-расмига асосан лойиҳаланиши лозим.

256. Теннис корти тўғри бурчакли майдон кўринишида бўлиши, бунда унинг ўлчамлари қуйидагича бўлиши керак:

узунлиги — 23,77 m;

эни — 8,23 m (яккалик ўйнаганда) ёки узунлиги — 23,77 m;

эни — 10,97 m (жуфтлик ўйнаганда).

257. А тоифадаги мусобақалар учун теннис залларида орқа чизиқлар ва тўсиқлар орасидаги масофа 6,4 m дан, ён чизиқлар ва тўсиқлар орасидаги масофа эса 3,66 m дан кам бўлмаслиги лозим.

258. В ва С тоифалардаги мусобақалар учун теннис залларда орқа чизиқлар ва тўсиқлар орасидаги масофа 5,48 m, ён чизиқлар ва тўсиқлар орасидаги масофа эса 3,05 m дан, полдан шифтгача бўлган баландлик 9,14 m дан кам бўлмаслиги зарур.

259. Теннис майдончасининг умумий кўриниши, ўлчамлари, теннис учун спорт зонасининг белгиланиши мос равишда ушбу ШНҚнинг 13-иловаси 30-*а, б, в* расмларига мувофиқ белгиланиши керак.

260. Ўриндиқли аравачаларда ўйналадиган баскетбол спорт тадбирларини ўтказиш учун ўйин майдонига қўйиладиган талаблар ушбу ШНҚнинг 240-бандига мувофиқ бўлиши лозим.

261. Ўйин майдонига бевосита яқин бўлган жойда ўриндиқли аравачалар билан биргаликда захира спортчилари учун иккита (ҳар иккала жамоанинг ҳар бири учун биттадан) зона лойиҳаланиши керак.

262. Голбол бўйича спорт тадбирларини ўтказиш учун ўйин майдони 18×9 m ўлчамда лойиҳаланиши, бунда ушбу майдон периметри бўйлаб 1,5 m ўлчамда хавфсизлик зонаси бўлиши лозим.

263. Голбол учун спорт зонаси ва белгилаш схемаси ушбу ШНҚнинг 13-иловаси 34-расми мувофиқ лойиҳаланиши лозим.

264. Паралимпия стол тенниси учун ўйин майдонига қўйиладиган талаблар ушбу ШНҚнинг 252-бандига мувофиқ бўлиши керак.

265. Паралимпия регбиси бўйича спорт тадбирларини ўтказиш учун спорт майдонига қўйиладиган талаблар мазкур ШНҚнинг 235-бандига мувофиқ бўлиши ҳамда майдонни чегаралаш ва жиҳозлашга нисбатан татбиқ этилмаслиги зарур.

Ушбу майдонда спорт тадбирларини ўтказишда ён чизиқлар, марказий чизиқлар, зачёт майдонидан ҳамда марказий айлана чизиғидан вақтинчалик белгилаш қўлланилиши лозим.

266. Ўйин майдонига бевосита яқин бўлган жойда захира ғилдиракларга эга бўлган ўриндиқли аравачаларни жойлаштириш учун иккита (ҳар бир жамоа учун биттадан) зона лойиҳаланиши керак.

267. Дарвоза чизиғи 0,45 m баландликдаги иккита ялтироқ конуслар билан чегараланган бўлиши керак.

268. Паралимпия регбиси учун спорт зонаси ва белгилаш схемаси ушбу ШНҚнинг 13-иловаси 35-расмига мувофиқ лойиҳаланиши лозим.

269. Паралимпия тенниси бўйича спорт мусобақаларини ўтказиш учун кортли спорт залига қўйиладиган талаблар ушбу ШНҚнинг 256-бандига мувофиқ қабул қилиниши керак.

270. 5×5 футбол учун ўйин майдони периметр бўйича тўсиқларга эга бўлган ҳолда қуйидаги ўлчамларда лойиҳаланиши лозим:

узунлиги — 40 m;

кенглиги — 20 m.

5×5 футбол бўйича спорт тадбирларини ўтказиш учун зални трансформациялаш билан ушбу ШНҚнинг 245-банди бўйича гандбол майдончасига эга бўлган залдан фойдаланишга йўл қўйилади.

5×5 футбол бўйича спорт тадбирларини ўтказиш учун залнинг тўсиқлари қуйидагиларни инобатга олган ҳолда лойиҳаланиши керак:

баландлиги 1 — 1,2 m;

тўсиқни ўрнатишда вертикалдан ташқарига оғиш бурчаги 10° дан ошмаслиги;

тўсиқ дарвоза чизиғидан 1 m масофада.

271. 5×5 футбол учун спорт зонаси ва белгилаш схемаси ушбу ШНҚнинг 13-иловаси 36-расмига мувофиқ лойиҳаланиши лозим.

272. Спорт акробатикаси бўйича спорт тадбирларини ўтказиш учун А ва В тоифалардаги заллар қуйидаги ўлчамларда лойиҳаланиши лозим:

узунлиги — 45 m;

кенглиги — 30 m;

баландлиги — 10 — 12 m.

273. С тоифали залларнинг ўлчамлари 45×30 m, баландлиги 8 m дан кам бўлмаслиги керак.

274. Акробатика залини лойиҳалашда 14×14 m ўлчамларда мусобақа зонасини ҳамда ушбу зонанинг таркибида қуйидагиларни инобатга олиш лозим:

гилам ва 12×12 m ли (чизиқнинг ташқи томони бўйича ўлчам) ишчи майдонга эга бўлган майдончани;

чегаралаш белгисидан ташқарида бутун периметр бўйича 1 m кенгликда хавфсизлик зонасини.

А ва В тоифалардаги залларни лойиҳалашда майдонча ва томошабинлар орасида ҳар томондан 2 m дан кам бўлмаган қўшимча хавфсизлик зонаси бўлиши керак.

275. Спорт акробатикаси учун спорт зонасининг схемаси ушбу ШНҚнинг 13-иловаси 37-расмига асосан лойиҳаланиши керак.

276. Спорт гимнастикаси бўйича мусобақаларни ўтказиш учун А ва В тоифалардаги залларни лойиҳалашда спорт снарядларига эга бўлган залларни эркаклар ва аёллар учун алоҳида жойлаштириш лозим.

277. 60×34 m ўлчамлардаги ҳар бир зал снарядлар тўплами билан жиҳозланиши, уларнинг рўйхати ва хавфсизлик зонасини киритган ҳолда уларни ўрнатиш жойлари лойиҳалаш топшириғи бўйича белгиланиши керак.

278. Спорт гимнастикаси залини лойиҳалашда спорт ускуналари ва снарядларни полга, шифт конструкцияларига ва деворларга монтаж қилиш учун маҳкамлаш деталлари бўлиши керак.

279. Спорт гимнастикаси бўйича машғулот залларини лойиҳалашда эҳтиётқорлик мосламаларини (лонжлари) жойлаштириш, маҳкамлаш, эҳтиёт чуқурларининг ўлчамлари, уларни жойлаштириш ўринларини ва шифт ва полнинг конструктив элементларига тушадиган юкларни ҳисоблаш лойиҳалаш топшириғи талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

280. Спорт гимнастикаси учун спорт зонасининг схемаси ва спорт ускуналари ушбу ШНҚнинг 13-иловаси 38 ва 39-расмларига мувофиқ лойиҳаланиши лозим.

281. Батутда сакраш бўйича тадбирларни ўтказиш учун спорт зали қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланиши керак:

индивидуал сакраш;

синхрон сакраш;

иккиталик минитрапм;

акробатика йўлакчаси.

282. Батутда амалга ошириладиган барча ўйин турлари бўйича мусобақаларни ўтказишда спорт снарядларини жойлаштириш учун зал ўлчамлари 43×39 m дан, шифтгача баландлик 8 m дан кам бўлмаслиги лозим.

283. Зални лойиҳалашда спорт ускуналари ва снарядарини полга, шифт конструкцияларига ва деворларга монтаж қилиш учун маҳкамлаш деталлари лойиҳаланиши керак.

284. Ўйин турлари учун бошқа снарядларни, батутда сакраш учун спорт ускунасини, хавфсизлик зоналарини жойлаштириш билан зални лойиҳалаштиришда лойиҳа топшириғи талабларини инобатга олиш лозим.

285. «Жуфтлик минитрапм» ўйин тури бўйича халқаро мусобақаларни ўтказиш залини лойиҳалаштиришда иккита минитрампни жойлаштириш (ўрнатиш)да хавфсизлик зонаси бўлиши керак.

286. Батутда сакраш учун спорт зонаси ва ускуналари схемаси ушбу ШНҚнинг 13-иловаси 40, 41 ва 42-расмларига мувофиқ лойиҳаланиши лозим.

287. Бадиий гимнастика бўйича спорт тадбирлари учун зал 8 m дан кам бўлмаган баландликда лойиҳаланиши зарур.

Бадиий гимнастика бўйича спорт тадбирлари учун зал баландлигини 10 — 14 m да лойилаҳалашга йўл қўйилади.

288. А ва В тоифалардаги залларни лойиҳалашда майдонча (помост) қирраси ва томошабинлар орасида ҳар томондан 2 m дан кам бўлмаган қўшимча хавфсизлик зонаси бўлиши керак.

289. Бадиий гимнастика учун спорт зонаси схемаси ушбу ШНҚнинг 13-иловаси 43-расмига мувофиқ лойиҳаланиши лозим.

290. Бокс бўйича мусобақалар зали махсус майдончага (помост) ўрнатиладиган битта ёки иккита ринг жойлаштирилишини инобатга олган ҳолда лойиҳаланиши лозим.

Машғулот залларида рингни махсус майдончасиз (помост) ўрнатишга йўл қўйилади.

291. А ва В тоифалардаги залларда канатларнинг ички чизиғи бўйича 6,10×6,10 m ўлчамларда рингларни жойлаштириш имкони бўлиши керак.

А ва В тоифалардаги залларда бошқа мусобақалар учун 4,90×4,90 m дан 6,10×6,10 m гача бўлган ўлчамлардаги ринглардан фойдаланиш зарур.

292. А ва В тоифалардаги залларда томонининг узунлиги 7,8 m бўлган квадрат шаклидаги платформали майдончани жойлаштириш имкони бўлиши лозим.

293. С тоифали залларда ўлчамлари 5,82×5,82 m дан 7,8×7,8 m гача бўлган майдончалардан (канатлар орасидаги ринг ўлчамига боғлиқ ҳолда) фойдаланишга йўл қўйилади.

294. А ва В тоифалардаги залда мусобақа майдончасининг баландлиги пол ёки асос сатҳидан 1,0 m ни ташкил этиши, бошқа мусобақаларда майдончанинг баландлиги 0,91 — 1,22 m бўлиши лозим.

295. Бокс учун залларни лойиҳалашда майдончалар периметри бўйича 3 m дан кам бўлмаган кенгликда хавфсизлик зонаси бўлиши керак.

296. Бокс учун машғулот залларини лойиҳалашда ринг ташқарисида шифт конструкциялари ва деворларга маҳкамланувчи осмаларга маҳкамланган машғулот ускуналари (бокс қоплари, груша, девор ёстиқлари ва бошқалар)га эга бўлган майдонча бўлиши лозим.

297. Бокс майдонлари (битта ва иккита), спорт зонасининг умумий схемаси мос равишда ушбу ШНҚнинг 13-иловаси 44-*а, б, в* расмларда келтирилгандек жойлаштирилиши ва белгиланиши зарур.

298. Дзюдо бўйича спорт тадбирлари учун залларда ўлчамлари 14×14 m дан кам бўлмаган татами қопламали бир (ёки бир нечта) майдончалар лойиҳаланиши лозим.

299. Дзюдо бўйича мусобақалар учун майдончага қуйидаги зоналар жойлаштирилиши керак:

мусобақалар учун ички юзанинг (ишчи зона) ўлчами минимал 8×8 m, максимал ўлчами 10×10 m бўлиши;

хавфсизлик зонасининг кенглиги 3 m дан кам бўлмаслиги.

300. Дзюдо учун А ва В тоифалардаги заллар қуйидагиларга эга бўлиши керак:

10×10 ўлчамли ишчи зонага;

0,5 m дан кам бўлмаган кенгликдаги эркин зонага;

4 m дан кам бўлмаган кенгликдаги хавфсизлик зонасига.

301. Мусобақалар учун икки ва ундан кўп бўлган майдончаларни жойлаштиришда ушбу майдончалар орасида кенглиги 4 m дан кам бўлмаган умумий хавфсизлик зонаси бўлиши лозим.

302. Мусобақалар учун майдонча эластик пол ёки платформага жойлаштирилиши, бунда баландлиги 1 m дан катта бўлмаган платформадан фойдаланилганда унинг ён қирралари 18 m дан кам бўлмаган ўлчамларда бўлиши ва унинг атрофида кенглиги 4 m бўлган хавфсизлик зонаси бўлиши керак.

303. Дзюдо учун спорт зонасининг схемаси ушбу ШНҚнинг 13-иловаси 45-расмига асосан лойиҳаланиши лозим.

304. Кураш бўйича спорт тадбирларини ўтказиш учун залларда 12×12 m ўлчамли бир ёки бир нечта (тўрттадан кўп бўлмаган) гиламларни жойлаштириш имкони назарда тутилиши керак.

Уларнинг марказидан диаметри 9 m бўлган кураш зонаси ва периметр бўйича 1,5 m кенгликда хавфсизлик зонаси белгиланган бўлиши лозим.

305. А ва В тоифалардаги залларда гиламни жойлаштириш учун 1,1 m дан катта ва 0,5 m дан кам бўлмаган баландликда майдончалар ўрнатилиши, бунда уларнинг ён томонлари ички томонга 45° қияликда бўлиши керак.

306. Битта мусобақа майдончаси устига тўшалган гиламлар орасидаги хавфсизлик зонасининг кенглиги, шунингдек гиламдан унга яқин жойлашган конструкциягача бўлган масофа 4 m дан кам бўлмаслиги лозим.

307. Гиламларни машғулот залларига хавфсизлик зоналарига риоя қилмасдан жойлаштиришда (гиламлар деворларга тақаб жойлаштирилганда ёки таянч конструктив элементлар мавжуд бўлганда) деворлар полдан 1,8 m гача бўлган баландликда эластик матлар (протекторлар) билан қопланиши керак.

308. Спорт кураши учун спорт зонаси ушбу ШНҚнинг 13-иловаси 46-расмига мувофиқ лойиҳаланиши лозим.

309. Самбо бўйича спорт мусобақалари учун залларда ўлчамлари 11×11 m дан 14×14 m гача бўлган бир ёки тўрттадан кўп бўлмаган гиламларни жойлаштириш имкони бўлиши, бунда уларнинг марказига диаметри 6 m дан 9 m гача бўлган ишчи майдонча жойлаштирилиши лозим.

310. Гиламни жойлаштириш учун майдонча ушбу гиламдан ҳар томондан 1 m га кенг бўлиши керак.

Бир нечта гиламлар жойлаштирилганда эса уларни тирқишсиз бир-бирига тақаб жойлаштиришга йўл қўйилади.

311. Гилам (гиламлар) учун залга майдончани жойлаштиришда ушбу майдончанинг баландлиги 1 m дан кам бўлмаслиги, ён томонлари ташқи томонга 45° бурчак остида қияликда бўлиши керак.

312. Залларининг тор шароитларида хавфсизлик зоналарига риоя қилмасдан гиламларни жойлаштиришда (гиламлар деворларга тақаб жойлаштирилганда ёки таянч конструктив элементлар мавжуд бўлганда) деворлар полдан 1,8 m гача бўлган баландликда эластик матлар (протекторлар) билан қопланган бўлиши лозим.

313. Самбо учун спорт зонаси ушбу ШНҚнинг 13-иловаси 47-расмида кўрсатилган схема бўйича лойиҳаланиши зарур.

314. Оғир атлетика бўйича спорт тадбирлари учун залларда баландлиги 150 mm дан кам бўлмаган 4×4 m ўлчамли майдончани жойлаштириш имкони бўлиши керак.

Периметр бўйича хавфсизлик зонасининг кенглиги 1 m га тенг бўлиши зарур.

315. Полнинг майдонча атрофидаги ранги шу майдонча ранги билан бир хил бўлса, у ҳолда майдонча қирралари бўйича кенглиги 150 mm дан катта бўлмаган контрастли (бошқа рангдаги) чизиқ тортилиши лозим.

316. Майдончани ўлчамлари 10×10 m дан кам, баландлиги (майдончанинг юқори қисмигача) 1 m дан катта бўлмаган подиум устига жойлаштиришга йўл қўйилиши, бунда кўчма зинапоялардан фойдаланиш лойиҳаланиши керак.

Оғир атлетика учун спорт зонасининг схемаси ушбу ШНҚнинг 13-иловаси 48-расмида кўрсатилган схема бўйича лойиҳаланиши лозим.

317. Қиличбозлик бўйича спорт тадбирлари учун залларда 1,5 — 2 m кенгликда, 4 m узунликда бир ёки бир нечта жанг майдонларини ва жанг майдони атрофида кенглиги 2 m дан кам бўлмаган хавфсизлик зонасини жойлаштириш имкони бўлиши керак.

318. Қиличбозлик спорти бўйича А ва В тоифалардаги залларда 13 тагача жанг майдончалари ва майдонча устига жойлаштириладиган финал йўлакчаси бўлиши лозим.

319. Жанг майдончаларини кенглиги 2 m, баландлиги 0,3 — 0,5 m, узунлиги 20 m бўлган майдонча устига жойлаштиришга йўл қўйилади.

320. Қиличбозлик спорти учун спорт зонасининг схемаси ушбу ШНҚнинг 13-иловаси 49-расмида кўрсатилган схема бўйича лойиҳаланиши керак.

321. Паралимпия дзюдоси бўйича спорт тадбирларини ўтказиш учун майдончага қўйиладиган талаблар ушбу ШНҚнинг 298 — 300-бандларига мувофиқ бўлиши керак.

322. Кураш тушиш зоналарининг чегараларини белгиловчи тактил белгилар, татамилар кураш тушиш зонасининг чегараларида текстурали суратга эга бўлиши лозим.

323. Паралимпия пауэрлифтинги бўйича спорт тадбирларини ўтказиш учун залларда 0,05 m дан катта бўлмаган баландликда, 2,5×2,5 m дан кичик бўлмаган ўлчамларда ва 4,0×4,0 m дан катта бўлмаган пауэрлифтинг учун ўриндиқлар жойлаштириш имкони бўлиши лозим.

Майдонча сирти қаттиқ, текис, силлиқ, сирпанмайдиган, горизонтал, периметри бўйича майдонча қирралари силлиқ бўлиши керак.

Майдонча ўрнига баландлиги 0,7 m дан катта бўлмаган, кенглиги ва эни 10×10 m дан кичик ҳамда 12×12 m дан катта бўлмаган ўлчамлардаги пауэрлифтинг учун ўриндиқлар ўрнатиш учун подиум қўлланилишига йўл қўйилади.

Бунда, ўлчамлари 4×4 m бўлган мусобақа зонаси тўқ рангдаги (контрастли) скотч билан чегаралаб белгиланиши лозим.

324. Подиумга кириш учун иккита (кириш ва чиқиш учун) алоҳида пандуслар бўлиши зарур.

Пауэрлифтинг спорти учун спорт зонасининг схемаси ушбу ШНҚнинг 13-иловаси 50-расмида кўрсатилган схема бўйича лойиҳаланиши керак.

325. Ўриндиқли аравачаларда амалга ошириладиган қиличбозлик спорти тадбирлари учун спорт залларида ўриндиқли аравачалар маҳкамланадиган рама бўлиши керак.

326. Залда бир вақтнинг ўзида ўриндиқли аравачаларда амалга ошириладиган қиличбозлик бўйича бир нечта жанглар ўтказилишига йўл қўйилади.

327. Ўриндиқли аравачаларда амалга ошириладиган қиличбозлик спорти зонасининг схемаси ушбу ШНҚнинг 13-иловаси 51-расмида кўрсатилган схема бўйича лойиҳаланиши керак.

328. УЖТ кўриш учун спорт зонасига қўйиладиган талаблар қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда аниқланиши керак:

тренежёрларга эга бўлган УЖТ залидаги кардиозона ёки жисмоний зонанинг юзаси битта спорт ускунасига (битта тренежёрга) 6 m^2 тўғри келиши;

УЖТ заллари барча турдаги спорт иншоотларда лойиҳаланиши;

УЖТ залларининг сони, параметрлари ва ёритилганлиги спорт иншоотининг турига ҳамда унда спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган залларнинг мавжудлигига боғлиқ ҳолда лойиҳалаш топшириғи бўйича;

УЖТ залларининг баландлиги 4 m дан кам бўлмаслиги;

УЖТ залларини лойиҳалашда қуйидаги асосий зоналар (ёки алоҳида заллар):

кардиозона;

жисмоний зона;

эркин зона (гуруҳли машғулотлар заллари).

329. УЖТ жисмоний зонасида эркин вазнли тошлар ёки штангалар билан олиб бориладиган машғулотлар учун махсус қоплама ёки машғулот помости бўлиши лозим.

330. Спорт иншоотидаги МЖТ залларининг сони ва кўрсаткичлари лойиҳалаш топшириғи бўйича аниқланиши зарур.

МЖТ залларининг баландлиги 4 m дан кам бўлмаслиги, махсус тренажёрлардан (қурилмалар) фойдаланилганда уларнинг габаритлари қўшимча бўшлиқ бўлиши, баландлиги лойиҳалаш топшириғи бўйича аниқланиши керак.

МЖТ залларини лойиҳалашда ушбу заллар спортнинг қуйидаги турлари учун махсус спорт тренежёрлари билан жиҳозлаган бўлиши лозим:

спортнинг ўйин турлари;

спортнинг мураккаб координацион турлари (хореография залини киритган ҳолда);

спортнинг якка кураш турлари;

спортнинг циклик турлари.

8-боб. Спорт иншоотларининг ёрдамчи хоналарига қўйиладиган талаблар

1-§. Умумий талаблар

331. Спорт иншоотларини лойиҳалашда қуйидаги ёрдамчи хоналар учун объектлар лойиҳаланиши керак:

кириш жойи гуруҳлари (гардероб, вестибюль, санитария узели);

аёллар гигиена хонасига эга бўлган санитария-гигиена вазифаларини бажарувчи хоналар;

шуғулланувчиларнинг дам олиш хоналари;

овқатланиш хоналари;

инструкторлик хонаси;

методик хона;

тиббиёт хонаси;

маъмурий-хўжалик ва маиший хизмат вазифаларни бажарувчи хоналар;

техник хоналар.

332. Буфетлардаги ўрин-жойларнинг сони қуйидагича белгиланиши лозим:

чанғида учиш базаларида (оммавий тарзда чанғида учиш базалари бундан мустасно) ва очиқ ясси иншоотларда (сиғими 75 дан 125 кишигача бўлган) сменада шуғулланувчи 8 кишига битта ўтириш жойи тўғри келишини ҳисобга олган ҳолда;

эшкак эшиш (гребля) базаларида, ўқ отиш ва очиқ ясси иншоотларда (сиғими 125 кишидан кўп бўлган) сменада шуғулланувчи 12 кишига битта ўтириш жойи тўғри келишини ҳисобга олган ҳолда;

коньки ва чанғида оммавий тарзда учиш базаларида ташриф буюрувчилар учун база сиғимининг 5 фоизни ҳисобга олган ҳолда;

томошабинлар учун битта ўтириш жойига 35 киши тўғри келишини ҳисобга олган ҳолда.

333. Томошабинларга мўлжалланган буфетларда зал ўтириб овқатланиш столларидан ташқари турган ҳолатда овқатланиш учун кафетерий баланд столлари билан жиҳозланган бўлиши керак. Бунда, ўриндиқлар ШНҚ 2.07.02-22 талабларига мувофиқ жойлаштирилиши лозим.

334. Буфетларнинг юзалари ҳисоб-китобдан келиб чиқиб, қуйидагилардан кам бўлмаган ҳолда аниқланиши зарур:

овқат бериш хонаси билан биргаликда зал юзаси (майдони) ўтириш жойи 8 та бўлганда, битта ўтириш жойига 3,4 m^2 ва ўтириш жойи 8 тадан кўп бўлганда, ҳар бир ўтириш жойига 1,25 m^2;

ёрдамчи хоналар юзаси залда ўтириш жойи 8 та бўлганда, битта ўтириш жойига 2,25 m^2 ва ўтириш жойи 8 тадан кўп бўлганда, битта ўтириш жойига 0,25 m^2;

овқат бериш хонаси билан биргаликда зал юзаси залдаги битта жойга 1,4 m^2;

ёрдамчи хоналар юзаси зал юзасининг 30 фоиз.

335. Томошабинлар учун буфетлар трибунадаги энг узоқ жойдан 150 m масофада жойлашган бўлиши керак.

336. Спорт иншоотлари ҳудудида ресторанлар, кафелар лойиҳаланганда ҳамда аҳолининг дам олиши учун фойдаланилганда уларнинг сиғими спорт иншоотлари буфетларининг ҳисобига киритилмаслиги лозим.

337. Очиқ ва ёпиқ спорт иншоотларига эга бўлган спорт мажмуалари ҳамда икки ва ундан ортиқ залларга эга бўлган спорт корпусларида тиббий хизмат кўрсатиш хонаси бутун мажмуа (корпус) учун лойиҳаланиши керак.

338. Йил давомида ишлайдиган ҳамда битта сменада ўтказиш хусусияти 150 ва ундан ортиқ киши бўлган иншоотларда (битта сменада ўтказиш хусусияти 100 ва ундан ортиқ киши бўлган кураш, бокс, оғир атлетика ва футбол учун ихтисослаштирилган иншоотларда) методик-тиклаш марказини лойиҳалашга йўл қўйилади.

Йил давомида ишлайдиган очиқ спорт иншоотларида уларнинг ўтказувчанлик хусусияти конькиларда оммавий тарзда учишни ҳисобга олмаган ҳолда аниқланиши зарур.

339. Очиқ ясси спорт иншоотларида шуғулланувчилар учун ёрдамчи хоналарга эга бўлган бинони энг узоқ майдондан (майдонча) 300 m дан узоқ бўлмаган масофада жойлаштириш керак.

340. Очиқ ясси спорт иншоотларида шуғулланувчилар ҳамда томошабинлар учун санитария-гигиена шохобчалари ШНҚ 2.08.02-23 га мувофиқ лойиҳаланиши, уларни трибунадаги энг узоқ жойдан 150 m дан узоқ бўлмаган масофада жойлаштириш лозим.

341. Мавсумий очиқ коньки учиш иншоотида шуғулланувчилар учун кийим алмаштириш хоналарини биринчи қаватга жойлаштириш керак.

342. Кийим алмаштириш хоналарини биринчи қаватга жойлаштирмаганда коньки учиш жойи билан нишаблиги 1:10 бўлган пандус лойиҳаланиши лозим.

343. Ёрдамчи хоналарни чанғи учиш базасининг биносига жойлаштирилиши, бунда бино қуйидаги масофаларда бўлиши керак:

старт майдончаси ҳамда биатлон ва чанғи учиш дистанциялари финишидан ёки чанғи учиш трассаларининг кўтарма қурилмаларидан 200 m да;

яқин трамплиндан 100 m да (бироқ, мажмуанинг энг узоқ жойлашган трамплинидан 300 m узоқ бўлмаган ҳолда).

344. База биносига жойлаштириладиган санитария узеллари конькида учувчиларнинг вестибюль-исиниш жойига кириш ва чиқишга, томошабинлар учун эса кўчадан кириш ва чиқиш жойлари лойиҳаланиши керак.

345. Томошабинлар учун санитария узелларини трибунанинг энг узоқ нуқтасидан 150 m дан узоқ бўлмаган масофада жойлашган алоҳида бинога жойлаштириш лозим.

346. Спорт тоғ-чанғи трассалари ва трамплинлари 20 m дан кам бўлмаган сакраш узунлигига, старт майдончаси олдида шуғулланувчилар учун трассалар ҳамда трамплинларнинг ҳар бири учун 1-2 та унитазли ҳожатхона бўлиши, бунда трамплиннинг старт майдончаси эстакадада жойлашганда санитария хоналари старт майдончасига олиб чиқувчи зинапоя (лифт)нинг пастки қисми атрофида жойлаштирилиши керак.

347. Чанғиларни олиш ва қайтариш учун мўлжалланган хонанинг эни 3 m дан кам бўлмаслиги лозим.

348. Чанғиларни олиш ва қайтариш учун мўлжалланган хонадан чиқиш (унга кириш) жойи олдида кўча томонда чанғиларни учишга тайёрлаш учун майдонча лойиҳаланиши керак.

349. Очиқ иншоотларнинг ёрдамчи хоналари (кийим алмаштириш хоналари, санитария узеллари, душхоналар, аёллар гигиена хонаси) очиқ спорт иншоотлари ичида энг узоқ очиқ иншоотдан 200 m дан ошмаган масофада жойлашган бино ичига жойлаштирилиши керак.

350. Очиқ бассейнларда кийим алмаштириш хоналари, санитария узеллари, душхоналар бевосита бассейн ваннасига бириккан бўлиши лозим.

351. Спорт залларида шуғулланувчилар учун кийим алмаштириш хоналари бир сменада шуғулланувчиларнинг 200 фоизига, бассейнларда эса бир сменада 250 — 300 фоизига ҳисобланиши керак.

352. Спортнинг ҳар хил турлари бўйича мусобақалар ва ўқув-машғулотлари ўтказиладиган залларга эга бўлган кўп тармоқли спорт иншоотларида кийим алмаштириш хоналаридаги ўрин жойларининг сони технологик ҳисоблаш орқали аниқланиши керак.

353. Спорт иншоотларининг аёллар гигиена хонасига эга бўлган санитария узелларидаги санитария жиҳозлари (приборлари) СанҚваН 0368-19 талабларини ва ушбу ШНҚнинг 5-иловаси 8-жадвалида келтирилган кўрсаткичларни инобатга олиб технологик ҳисоблаш бўйича белгиланиши, аёллар гигиена хонасининг майдони лойиҳа топшириғига мувофиқ аниқланиши лозим.

354. Шуғулланувчилар учун душхоналар кийим алмаштириш хоналари билан мураббийлар ва инструкторлар жамоаси учун душхоналар инструкторлар хоналари билан ходимлар душхоналари маиший хоналар билан бевосита боғланган бўлиши зарур.

355. Бассейнларда эркак ва аёл шуғулланувчиларнинг душхоналари айланиб юриш йўлакчаси билан бир сатҳда бўлиши керак.

356. Душхоналар очиқ хонали ва улар орасида ўтиш йўлаклари бўлиши, бунда ўтиш йўлагининг кенглиги 1,6 m га тенг деб ҳисобланиши лозим.

Душхонадан айланиб юриш йўлагига чиқиш жойида ёки сузиб чиқиш жойида оёқ ваннаси душдан чиқиб ўтиш жойининг бутун кенглигида чуқурлиги 0,1 m бўлган тагликли (поддон) душ бўлиши керак.

357. Кийим алмаштириш хоналарининг олдидаги санитария узеллари кийим алмаштириш хоналари билан ёнма-ён тамбур-шлюз орқали жойлаштирилиши керак.

Санитария узелидан душхонани четлаб бассейн ваннасига чиқишга йўл қўйилмаслиги лозим.

358. Болалар учун кийим алмаштириш хоналари, душхоналар ва санитария узеллари ўғил ва қиз болалар учун ажратилган ҳолда катталар учун мўлжалланган тегишли хоналардан алоҳида жойлаштирилиши керак.

359. Санитария жиҳозлари ушбу ШНҚнинг 5-иловаси 8-жадвалида келтирилган кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда ўрнатилиши лозим.

360. Снаряд-инвентарь хонаси поли сатҳи зал поли сатҳи билан битта даражада (остонасиз) бўлиши лозим.

361. Спорт залларидаги снаряд ва инвентарь хоналари залларга ёндош ва улар билан алоқа тирқишлар орқали бўлиши керак

362. Снаряд ва инвентарь хоналари майдони технологик талаблар бўйича (ўлчами 12х24 m ли заллар учун камида 16 m^2, 30х18 m ли заллар учун камида 21 m^2) аниқланиши зарур.

363. Томошабинлар учун ўриндиқлари сони 1000 ва ундан кўп универсал спорт-томошагоҳ залларида (ареналарда) спорт ўйинлари ва мусобақа олдидан машқ қилиб олиш учун қўшимча спорт заллари лойиҳаланиши керак.

364. Ўқув-машғулот заллари, тренажёр хоналари, индивидуал шуғулланиш хоналарининг сони ва ўлчамлари лойиҳа топшириғига мувофиқ белгиланиши лозим.

365. Универсал спорт-томошагоҳ зал-ареналарда, манежларда, сунъий яхмалак залларида майдонни ўзгартириш (спорт ва томоша турларини ҳисобга олган ҳолда), эстрадани жойлаштириш ва бошқа имкониятлар лойиҳалашда инобатга олиниши керак.

366. Спорт ўйинлари, енгил атлетика заллари ва универсал спорт-томоша заллари олдидаги кийим алмаштириш хоналари, шунингдек очиқ спорт иншоотларидаги (очиқ бассейнлар бундан мустасно) кийим алмаштириш хоналари зал (майдон) билан тўғридан-тўғри боғланмаслиги, бунда шуғулланувчилар ва томошабинларнинг йўллари кесишмаслиги лозим.

367. Ёрдамчи хоналарнинг баландлиги пастга чиқиб турувчи конструкциянинг пастки қисмигача бўлган баландлик қуйидагича белгиланиши керак:

2,7 m (вестибюллар, кийим алмаштириш, массаж, шуғулланувчиларнинг дам олиш, савдо, хўжалик, тренер-инструктор, тиббий хизмат, санитария-маиший, қўриқлаш ва ёнғин пости, омборхоналар, инвентарь, спорт қуролларини тозалаш ва сақлаш хоналари);

2,4 m (ҳакамлар учун мўлжалланган хоналар);

2,2 m (устки кийим алмаштириш машғулот кийимларини алмаштириш гардероблари, кийим ва пойабзал қуритиш хоналари, тоғ чанғи трассаси старт ва финишлари олдидаги павильонлар).

368. Томошабинлар учун ёрдамчи хоналар уларнинг энг кўп ўрин-жойларига эга бўлган томоша зали бўйича томошабинларнинг бир вақтдаги сонини ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланиши лозим.

369. Буфет ёки кафетериялар лойиҳа топшириғи асосида лойиҳаланиши керак.

2-§. Трибуна остидаги бўшлиққа жойлаштириладиган ёрдамчи хоналар

370. Трибуна остидаги бўшлиққа жойлаштириладиган ёрдамчи хоналар функция жиҳатидан бешта гуруҳга бўлиниши зарур:

I гуруҳ — бутун иншоот ёки мажмуа учун умумий бўлган хоналар (вестибюль, музда учиш учун вестибюль-исиниш жойи, касса вестибюли, буфетлар);

II гуруҳ — томошабинларга хизмат кўрсатувчи хоналар (айланма галереялар, буфетлар, аёллар гигиена хоналарини ўз ичига олган санитария узеллари);

III гуруҳ — шуғулланувчиларга хизмат кўрсатиш хоналари (кийим алмаштириш, инвентар жиҳозлар, тренерлар ва инструкторлар учун хоналар, дам олиш, тиббий хизмат кўрсатиш, қишки спорт турлари учун хоналар);

IV гуруҳ — мусобақаларни ўтказиш учун хизмат кўрсатиш хоналари (ҳакамлар хоналари, ҳакамлар ҳайъати хонаси, матбуот-бюро);

V гуруҳ — иншоотларни эксплуатация қилиш учун хоналар (маъмурият хоналари, спорт ва тозалаш инвентарларини сақлаш хоналари, омборлар, техник хоналар, маиший хизмат кўрсатиш хоналари).

371. Лойиҳада спорт ядроси ва ёрдамчи хоналар гуруҳлари орасида ўзаро боғланиши лозим.

I гуруҳ хоналари барча хоналар билан эркин боғланган бўлиши керак.

II гуруҳ хоналари томошабинларнинг трибунага ҳаракатланиш йўллари ва спортчиларнинг спорт ядросига чиқиш йўлларини ажратишда томошабинлар учун уларнинг ўтириш жойлари билан бевосита боғланган бўлиши лозим.

III ва IV гуруҳларнинг хоналари спорт ядросига бирикиши ва ушбу хоналар ўзаро боғланган бўлиши керак.

V гуруҳ хоналари режалаштиришга боғлиқ ҳолда эркин жойлашиши лозим.

372. Спорт ядроси учун ёрдамчи хоналарнинг таркиби ва юзалари қуйидагиларга боғлиқ ҳолда аниқланиши керак:

ёз фаслида спорт ядросининг ўтказиш қобилияти 120 кишига тенглигига;

қиш фаслида 650 кишига тенг бўлишига;

томошабинлар учун ёрдамчи хоналар трибуналарнинг лойиҳавий сиғимига;

очиқ майдонлар ва заллар учун ёрдамчи хоналар уларнинг ўлчамлари, сони ва бир вақтнинг ўзида ўтказиш қобилияти ҳамда стадиондан жойлашиш масофасига (узоқлигига).

373. Кўринувчанлик шартлари бўйича 3,5 дан 5 минггача ўринли трибуналарни бир томонлама, 7,5 дан 10 минггача ўринли трибуналарни бир ва икки томонлама, 15 минг ўринли трибуналарни икки томонлама, 15 минг ва ундан кўп ўринли стадионлар учун трибуналарни уч ва тўрт томонлама жойлаштириш керак.

374. Икки, уч ва тўрт томонлама (ҳалқасимон шаклдаги) трибуналар остига биринчи қаватга спорт ядросида қиш ва ёзда шуғулланувчилар учун ёрдамчи хоналарни бир томонлама жойлаштириш, 1-қаватдаги қолган юзадан эса спорт ядросига яқин жойлашган очиқ майдончалар учун ёрдамчи хоналар, маъмурий хоналар, махсус асос қурилишини талаб этувчи заллар учун фойдаланиш лозим.

2- ва 3-қаватларга томошабинлар учун хоналар ва галереяларни, ёрдамчи хоналар билан бирга спорт залларини ҳамда бошқа хизмат кўрсатиш хоналарини жойлаштириш керак.

375. Томошабинларга хизмат кўрсатувчи хоналар стадионнинг кириш жойларига, томошабинлар ҳаракатланадиган йўллардаги турли қаватларга жойлаштирилиши лозим.

376. Ҳакамлар, журналистлар, спорт шарҳловчилари учун мўлжалланган хоналар асосий (бош) трибунага жойлаштирилиши керак.

Шарҳловчиларнинг хоналари трибунанинг юқори марказий қисмига ёки соябон остидаги осма майдончага жойлаштирилиши лозим.

377. Журналистлар ва шарҳловчиларга хизмат кўрсатувчи хоналарни, 1000 нафаргача кишига мўлжалланган учрашув ва пресс-конференциялар залларини, гардеробларни, махсус кафетерийларни қаватлардаги хоналарга бириккан трибуна ости бўшлиғига жойлаштириш керак.

Бу зонага фахрли меҳмонлар учун мўлжалланган хоналар ҳам жойлаштирилиши керак.

3-§. Ўқ отиш тирларининг ёрдамчи хоналарига қўйиладиган талаблар

378. Ўқ отиш майдонлари ва тирлар ёрдамчи хоналарининг таркибида қўшимча тарзда хоналар лойиҳаланиши керак.

379. Ўқ отиш майдонлари ва тирларда шуғулланувчилар ҳамда томошабинлар учун буфетлар бўлиши лозим.

380. Асосий бинодан 50 m дан узоқроқ бўлган масофада жойлашган очиқ тирларнинг (ёки очиқ тирлар гуруҳи) ўқ отиш майдонларида шуғулланувчилар ва

томошабинлар учун умумий бўлган 1-2 та унитазли ҳожатхона қўшимча тарзда лойиҳаланиши керак.

4-§. Эшкак эшиш (гребля) базаларининг ёрдамчи хоналарига қўйиладиган талаблар

381. Эшкак эшиш (гребля) базаларининг ёрдамчи хоналари (эллингдан ташқари) эллингдан 200 m дан узоқ бўлмаган масофада алоҳида жойлашган бинога жойлаштирилиши ёки эллинг билан бирлаштирилиши керак.

382. Эшкак эшиш (гребля) базаларида навбатчи матрослар ва мотористлар катерларнинг ҳайдовчилари учун қўшимча равишда юзаси 10 m^2 дан кам бўлмаган хона лойиҳаланиши лозим.

383. Қайиқларни шай ҳолатга келтириш ва кўздан кечириш учун мўлжалланган майдончада навбатчи боцман учун юзаси 4 m^2 дан кам бўлмаган хона лойиҳаланиши лозим.

384. Жисмоний тарбия-соғломлаштириш машғулотларига мўлжалланган иншоотлар учун очиқ ясси иншоотлар олдида фақат шуғулланувчилар учун яқин жойлашган биноларда санитария узеллари ҳамда кўчма ускуналар ва инвентарь жиҳозлар учун омборхона лойиҳаланишига йўл қўйилади.

385. Стационар трибуналарга эга бўлган чанғи учиш ва қайиқда сузиш базаларининг биноларида ҳамда республика масштабидан паст бўлмаган мусобақалар учун мўлжалланган ўқ отиш базаларида ҳакамлар ва матбуот ходимлари учун хоналар бўлиши керак.

9-боб. Спорт иншоотларининг конструктив ечимлари ва қурилиш конструкцияларини ҳисоблаш методлари

386. Очиқ спорт иншоотлари ҳамда тоғ чанғи трассаларини сейсмик ҳудудларда лойиҳалаш ва қуришда юк кўтарувчи конструкцияларни, шунингдек тоғли қияликларнинг турғунлигини ҚМҚ 2.01.03-19, ҚМҚ 2.01.07-96, ШНҚ 2.02.01-19 талабларини ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаш зарур.

387. Темир-бетон, пўлат ва ёғоч конструкцияларни узоққа чидамлилик чора-тадбирларини инобатга олиб лойиҳалаш керак.

388. Спорт иншоотларини қуришда намлик, паст ва юқори температуралар, агрессив муҳит ва бошқа салбий омилларнинг таъсирига чидамли материаллардан тайёрланган конструкциялар ва деталларни қўллаш зарур.

389. Спорт иншоотларининг асоси ва пойдеворлари ШНҚ 2.02.01-19, ҚМҚ 2.01.03-19, ҚМҚ 2.01.07-96, ШНҚ 1.02.07-19, ШНҚ 1.02.08-19. ШНҚ 1.02.10-23, шунингдек қуйидагилар асосида лойиҳаланиши лозим:

муҳандислик-геодезик, муҳандислик-геологик ва муҳандислик-гидрометеорологик тадқиқотларнинг натижалари;

спорт иншоотларининг вазифаси, конструктив ва технологик ўзига хос жиҳатлари, пойдеворларга таъсир қилувчи юклар ва иншоотни эксплуатация қилиш шарт-шароитларини тавсифловчи маълумотлар;

грунтларнинг мустаҳкамлик ва деформацион тавсифлари ҳамда пойдеворлар ёки бошқа ерости конструкциялари учун ишлатиладиган материалларининг физик-механик хоссаларидан тўлиқ фойдаланишни таъминловчи вариантни қабул қилиш учун мумкин бўлган вариантларни техник-иқтисодий жиҳатдан таққослаш.

390. Шўр грунтли асослар ушбу грунтларнинг ўзига хос жиҳатларини ва қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланиши керак:

сувнинг узоқ вақт давомида фильтрланиши ва минераллар, тоғ жинсларининг сув билан ювилишида тузларнинг ажралиб чиқиши туфайли суффизион чиқинди ҳосил бўлишини;

тузларнинг ажралиб чиқиш жараёнида грунт физик-механик хоссаларининг ўзгаришини;

намланганда грунтларнинг бўртиши ёки чўкишини;

грунт таркибидаги тузларнинг эриши ҳисобига грунт сувларининг спорт иншооти ерости конструкцияларининг материалларига кўрсатадиган агрессив таъсирни.

391. Спорт иншоотларининг конструкциялари ва асосини лойиҳалашда қуйидагилар ҳисобга олиниши зарур:

юк кўтарувчи ва тўсувчи конструкцияларнинг хусусий оғирлигидан тушадиган доимий юклар;

қурилиш ҳудуди учун қордан тушадиган юклар;

қурилиш ҳудуди учун шамол таъсири;

қурилиш ҳудудидаги хавфли геофизик таъсирлар.

392. Ушбу ШНҚнинг 391-бандида белгиланган юкларнинг энг ноқулай уйғунлигини ҳисобга олган ҳолда ушбу юкларнинг қийматлари, конструкцияларнинг солқиланиш ва кўчишининг чегаравий қийматлари, шунингдек юк бўйича ишончлилик коэффициентларининг қийматлари ҚМҚ 2.01.07-96 га мувофиқ белгиланиши зарур.

393. Темир-бетон конструкцияларини стадионлар трибуналари ва трибуна ости фазолари, демонстрацион заллар, бассейнлар, ёрдамчи хоналар юк кўтарувчи каркасларнинг асоси учун қўллаш ва улардан заллар, бассейнлар қопламалари, томларининг юк кўтарувчи ҳамда тўсувчи конструкциялари, шунингдек катта бўлмаган ва ўртача оралиқларнинг ораёпмалари сифатида фойдаланишга йўл қўйилади.

394. Очиқ стадионларнинг трибуналарини тиклашда ўриндиқларни бевосита ерга ёки махсус конструкциялар устига қуришга йўл қўйилади.

395. Грунтли трибуналарни табиий ёки тўкилган гилли ёки қумлоқ грунтлар устига қуришга йўл қўйилади, бунда грунт (ерости) сувлари чуқур жойлашган жойларга қуриш лозим.

396. Грунтли трибуналарни қумлоқ (табиий ёки тоза ювилган қумли) грунтлар устига жойлаштиришда темир-бетон қопламалар бевосита қум усти бўйлаб қурилиши (ётқизилиши) керак.

397. Трибуналарнинг юк кўтарувчи синчини (каркани) колонналар, горизонтал ригеллар, ораёпмалар ва қия ригелларнинг юк кўтарувчи плиталаридан ташкил топган йиғма темир-бетондан лойиҳалашга йўл қўйилади.

398. Трибунани ёғингарчиликлардан ҳимоя қилиш учун елимланувчи гидроизоляцияни қўллаш керак.

10-боб. Муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаш

1-§. Сув таъминоти ва канализация

399. Аҳоли пунктида марказий сув таъминоти тизими бўлмаганда маҳаллий сув манбаларидан фойдаланиш, бунда ушбу манбалардаги сув ШНҚ 2.04.02-19 га жавоб бериши керак.

400. Канализация тармоқлари ўтказилмаган ҳудудларда маҳаллий сув тозалаш иншоотлари лойиҳаланиши лозим.

401. Мавсумий ишлайдиган қайиқда эшкак эшиш базалари учун канализация оқова сувлари оқиб тушадиган резервуар-тўплагичларни қуришга йўл қўйилади.

402. Резервуар-тўплагичлар ассенизацион машиналар ёрдамида оқова сувлардан бўшатилиши лозим.

403. Резервуар-тўлдиргичларнинг сиғимини техник-иқтисодий ҳисоблаш орқали аниқлаш керак.

404. Тоғ-чанғи трассалари ва трамплинларининг старт майдончаларида сув таъминоти фақат ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида назарда тутилиши ва ичимлик суви герметик ёпиладиган идишларда етказилиши лозим.

Оқова сувлари оқиб тушадиган чуқурга эга бўлган ташқи санитария узелларини лойиҳалашга қуйидаги ҳолларда йўл қўйилади:

ўқ отиш иншооти таркибига кирувчи тирларнинг галереялари олдида;

алоҳида турувчи очиқ тирлар олдида;

очиқ ясси иншоотлар (шу жумладан томошабинлар учун 300 гача ўриндиқларга эга бўлган иншоотлар) олдида;

тоғ-чанғи трассалари ва трамплинларининг старт майдончалари олдида.

405. Очиқ ясси иншоотларни сув билан тозалаш ва уларнинг яшил ҳудудларини суғориш, шунингдек конькида учиш бўйича мавсумий ишлайдиган майдонда муз яратиш учун истеъмол қилиш сифатига эга бўлмаган сув манбаларидан фойдаланишга йўл қўйилади.

406. Мавсумий ишлайдиган қайиқда эшкак эшиш базаларида марказий иссиқ сув таъминоти назарда тутилмайди, бунда буфет эҳтиёжлари учун иссиқ сув электр иситгичлар ёрдамида таъминланиши лозим.

407. Спортнинг бошқа турлари учун ёзда фойдаланилмайдиган тоғ-чанғи спорти базаларида индивидуал қозонхоналар бўлганда иссиқ сув фақат иситиш мавсумида берилиши керак.

408. Технологик эҳтиёжлар учун иссиқ сув коньки учиш майдонларининг сирт юзасини музлатиш, буфетлар ва ШНҚ 2.04.07-22 га мувофиқ бошқа эҳтиёжлар учун берилиши зарур.

409. Суткалик совуқ ва иссиқ сув сарфи ҳамда соатбай максимал совуқ ва иссиқ сув сарфини ҳисоблашда ушбу ШНҚнинг 7-иловаси 10-жадвалида кўрсатилган сув сарфи миқдори, смена давомийлиги ва қўшимча сув сарфи ҳисобга олиниши лозим.

410. Очиқ спорт иншоотларининг трибуналари учун ташқи ёнғинни гидрантлар орқали ўчиришга сарфланадиган сувнинг ҳисобий сарфи қуйидагича ташкил этиши керак:

5 дан 10 минггача томошабинларни сиғдирадиган трибуналар учун камида 15 l/s ;

10 дан 20 минггача томошабинларни сиғдирадиган трибуналар учун камида 20 l/s;

20 мингдан кўп томошабинларни сиғдирадиган трибуналар учун камида 25 l/s.

411. Иссиқ сув сарфини ушбу ШНҚнинг 7-иловаси 11-жадвалида кўрсатилган сув сарфи миқдорларини ҳисобга олган ҳолда ҚМҚ 2.04.01-98 га мувофиқ аниқлаш лозим.

412. Совуқ ва иссиқ сув тармоғига сув сепиш учун уланадиган 50 mm диаметрли кранлар иситиладиган хоналарга ўрнатилиши ва қуйидаги жойларга жойлаштирилиши керак:

мавсумий ишлайдиган коньки учиш бўйича муз майдонига чиқиш жойлари олдида автоцистерналарни ёки музни парваришлаш учун мўлжалланган бошқа машиналарни иссиқ сув билан тўлдириш учун;

музни парваришлаш машиналари учун мўлжалланган жойлар (хоналар)га;

30 m дан катта бўлмаган хизмат кўрсатиш радиусидан келиб чиққан ҳолда ёпиқ коньки учиш иншоотларида муз ҳосил қилиш учун муз майдони атрофига.

413. Ёзда фойдаланиладиган очиқ ясси иншоотлар учун, шунингдек спорт иншоотларининг яшил ҳудудини ва чим ўстиришга мўлжалланган майдонларни суғориш учун сув ўтказмаси (водопровод)нинг ташқи тармоғини 0,5 m чуқурликда сув оқиб чиқадиган томонга қиялатиб (қиш мавсумида тармоқни ўчириб қўйиш учун) ётқизиш лозим.

414. Диаметри 25 mm бўлган сув сепиш кранлари 30 m дан катта бўлмаган хизмат кўрсатиш радиусидан келиб чиққан ҳолда жойлаштирилиши, гидрантлар эса 50 m дан катта бўлмаган хизмат кўрсатиш радиусидан келиб чиққан ҳолда жойлаштирилиши керак.

415. Қайиқда эшкак эшиш базаларининг қайиқларни сузишга шайлаш ва кўздан кечиришга мўлжалланган майдонларида (эллингларнинг ҳар бир дарвозаси ёнида) фақат ёзда фойдаланиладиган 25 mm диаметрли сув сепиш кранларини ўрнатиш назарда тутилиши зарур.

416. Очиқ спорт иншоотларининг 20 ва ундан кўп қаторли трибуналарининг устки томони бўйлаб трибуналарни ювиш учун қўшимча равишда 25 mm диаметрли кранлар ўрнатиладиган (қиш даврида сувдан бўшатиладиган) сув сепиш тармоғи ўтказилиши, кранлар бир-биридан 50 m дан ошмаган масофада жойлаштирилиши лозим.

417. Сув ўтказмаси (водопровод) тармоғига ҳар 20 m да уланган кранлардан чанғида сакраш учун мўлжалланган трамплинларнинг сунъий қопламаларига сув сепилиши керак.

418. Сув ўтказмаси (водопровод) тармоғи тоғнинг тезлик олиш ва ерга қўнишга мўлжалланган полотноси бўйлаб ётқизилиши, бунда тармоқнинг пастки нуқтасида уни қишда бўшатиш учун сув чиқариш қурилмаси бўлиши керак.

419. Очиқ ва ёпиқ бассейнларнинг санитария узеллари, душлари, очиқ спорт иншоотларидаги трибуналарнинг томошабинлар ўтирадиган жойларини ювиш ҳамда тозалаш учун совуқ ва иссиқ сувга уланган сув қуйиш жўмраклари ўрнатилиши лозим.

420. Спорт бассейнлари, соғломлаштириш бассейнлари, 7 ёшгача ва 7 ёшдан катта болалар бассейнларидаги сувнинг ҳарорати СанҚваН 0306-02 га мувофиқ бўлиши, бунда бассейнлардаги сувнинг ҳисобий ҳарорати уларнинг вазифасига боғлиқ ҳолда барча ҳолларда 24 °С паст ва 30 °С юқори бўлмаслиги керак.

421. Сауналар олдидаги бассейнлардаги сувнинг ҳарорати СанҚваН 0306-02 ва ҚМҚ 2.04.01-98 га мувофиқ белгиланиши керак, бунда сувни 18 °С паст бўлмаган ҳароратда ушлаб туришга йўл қўйилади.

422. Бассейнларнинг ванналарига қуйиладиган сувнинг ҳарорати СанҚваН 0306-02 ва ҚМҚ 2.04.01-98 ни инобатга олиб белгиланиши, бунда 37°С дан ошмаслиги лозим.

423. Бассейнларнинг ванналарини сув билан тўлдириш вақти 24 h дан ошмаслиги, улардаги сувни чиқариш вақти 12 h дан ошмаслиги керак.

424. Бассейнлардаги сувни алмаштириш сувнинг рециркуляциясини ҳисобга олган ҳолда ва суткада ванна ҳажмининг 10 фоизидан кам бўлмаган ҳажмда тоза сув киритилиши билан амалга оширилиши, бунда ваннадаги сувни тўлиқ алмаштириш вақти 12 h дан ошмаслиги лозим.

425. Бассейнлардаги циркуляция қилинадиган (айланадиган) сув фильтрлар ёрдамида тозаланиши, бунда ШНҚ 2.04.02-19 га мувофиқ сув коагуляция қилиниши керак.

426. Бассейнлар ванна сувини дезинфекция қилишни инобатга олиб лойиҳаланиши лозим.

Дезинфекция моддалари фильтрдан олдинда турувчи рециркуляция тизими қувурларига киритилиши, сув тинимсиз оқаётганда эса ваннага қўйиладиган сувга қўшиш керак.

427. Бассейнларни лойиҳалашда сув сарфи ва йиллик иссиқлик юкламаси бассейнларнинг ванналарини сув билан тўлдириш ва берилган ҳароратни сақлаб туриш мақсадида сувнинг иситилишини ҳисобга олган ҳолда эксплуатация қилиш учун ҳисобланиши лозим.

428. Аҳоли пунктларининг канализация тизими бўлмаган ҳудудларида алоҳида турувчи ерга қазиладиган ҳожатхоналарни қаватлари сони 2 тадан кўп бўлмаган қуйидаги бино ва иншоотлар учун лойиҳалашга йўл қўйилади:

тирларнинг ўқ отиш галереялари ва алоҳида жойлашган очиқ тирлар;

очиқ ясси иншоотлар, жумладан томошабинлар учун 300 ўринга эга бўлган иншоотлар;

спорт иншоотларининг старт майдонлари — трамплинлар, тоғ чанғи трассалари.

2-§. Иситиш, вентиляция ва ҳавони кондиционерлаш тизимлари

429. Спорт иншоотларида микроиқлим параметрлари (ҳарорат, намлик)ни ҳамда спорт зонаси, ёрдамчи хоналар ва санитария-гигиена вазифасидаги хоналар (санитария узеллари, душхоналар, аёлларнинг шахсий гигиена хонаси)даги ҳаво муҳитининг сифатини (газли таркиби, ифлослантирувчи моддаларнинг концентрацияси, ҳавони алмаштириш карралигини) таъминловчи иситиш, вентиляция ва ҳавони кондиционерлаш тизимларини ГОСТ 30494-2011, ҚМҚ 2.04.05-97, ШНҚ 2.08.02-23 ҳамда СанҚваН 0275-09 га мувофиқ лойиҳалаш лозим.

430. Спорт иншоотларини лойиҳалашда микроиқлимнинг ҳисобий параметрларини танлаш учун лойиҳалаш топшириғига риоя қилиш лозим.

431. Спорт иншоотларининг хоналаридаги ҳисобий ҳарорат ва улардаги ҳавони алмаштириш кўрсаткичлари ушбу ШНҚнинг 8-иловаси 12-жадвалга мувофиқ белгиланиши керак.

Аёлларнинг шахсий гигиена хоналари, ҳожатхоналар, душхоналар, юз-қўл ювиш хоналаридан ҳавони тортиб чиқарувчи вентиляция тизимларини ШНҚ 2.08.02-23 га мувофиқ жамоат биноларининг бошқа хоналаридан ҳавони тортиб чиқарувчи тизимлар билан бирлаштиришга йўл қўйилмайди.

432. Вентиляция тизимларини лойиҳалашда спорт иншоотларидаги томошабинларнинг ҳисобий сони томошабинлар ўрин-жойларининг 100 фоиз тўлишини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши керак.

433. Томошабинлар учун ўрин-жойларга эга бўлган спорт иншоотларидан тайёргарлик машғулотлари учун фойдаланиладиган даврда (томошабинлар бўлмаганда) улардаги ҳавонинг ҳисобий ҳарорати (йилнинг совуқ даврида) томошабинлар учун ўрин-жойларга эга бўлмаган спорт иншоотлари учун ўрнатилган қийматларда белгиланиши лозим.

434. Спорт иншоотларида ҳавонинг ҳаракатланиш тезлиги бадиий гимнастика, бадминтон, стол тенниси учун мўлжалланган спорт заллари ва муз ареналари залларида 0,3 m/s дан, бошқа спорт залларида 0,5 m/s дан ошмаган ҳолда белгиланиши керак.

Спорт залларида ҳавонинг нисбий намлиги 30-60 фоиз чегараларда белгиланиши (муз ареналари бундан мустасно), ҳаво нисбий намлигининг қуйи чегаралари ушбу ШНҚнинг 8-иловаси 12-жадвалида келтирилган ҳароратларда йилнинг совуқ даври учун белгиланиши керак.

435. Муз ареналарининг залларида тўсувчи конструкциялар сиртида конденсат ва муз майдони зонасида туман ҳосил бўлишини бартараф этувчи нисбий намлик таъминланиши керак.

436. Муз сатҳидан 1,5 m баландликда ҳаво ҳароратига боғлиқ бўлган намлик параметрлари ушбу ШНҚнинг 8-иловаси 13-жадвалида кўрсатилганлардан катта бўлмаган қийматларда ушлаб туриш лозим.

437. Лойиҳа топшириғи бўйича спорт зонасидаги ҳавонинг ҳарорати, намлиги, ҳаракатланиши ва бошқа параметрларига анча қатъий талаблар ўрнатилишига йўл қўйилади.

438. Ишламаган вақтда ҳарорат пасайтирилиши назарда тутиладиган спорт залларида иситиш тизимини иккита алоҳида иситиш приборлари гуруҳи:

биринчи — асосий гуруҳи ички ҳаво ҳароратини 5 °C да доимий ушлаб туришга;

иккинчи — қўшимча гуруҳи ички ҳароратни ишчи ҳароратгача етказишга мўлжалланган бўлиши керак.

439. Қўшимча гуруҳ сифатида ҳаво орқали иситиш тизими, ҳавони вентиляциялаш ва кондиционерлаш тизимлари қўлланилиши керак.

440. Томошабинлар учун ўрин-жойларга эга бўлган муз аренаси залларида ҳаво алмашинуви қуйидаги эксплуатацион режимлар учун ҳисобланиши керак:

томошабинлар бўлганда муз майдонида қишки спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказилганда;

томошабинлар бўлганда муз майдонида қишки спорт турларидан бошқа мусобақалар ўтказилганда, шунингдек концертлар ва оммавий тадбирлар ўтказилганда;

томошабинлар бўлмаганда муз майдонида тренировка машғулотлари ўтказилганда;

томошабинлар бўлганда муз майдонида қишки спорт турларидан бошқа тренировка машғулотлари ўтказилганда.

441. Муз ареналарида музни парваришлаш учун ички ёнув двигателли машиналаридан фойдаланилганда двигател чиқарадиган зарарли моддаларни ассимиляциялаш учун етарли бўлган ҳаво алмашинувини таъминлаш лозим.

442. Томошабинлар учун ўрин-жойларга эга бўлган спорт залларида ҳаво алмашинувини иккита режим — томошабинлар бўладиган ва томошабинлар бўлмайдиган ҳоллар учун ҳисоблаш керак.

443. Тортувчи ва чиқарувчи вентиляциянинг мустақил тизимлари қуйидагилар учун назарда тутилиши лозим:

спорт заллари ва муз аренаси заллари;

шуғулланувчилар учун душ хоналари, кийим алмаштириш хоналари ва массаж хоналари;

маъмурий, муҳандислик-техник хоналари, инструктор-мураббий ходимлар хоналари, ишловчилар учун маиший хоналар;

тиббиёт пунктлари, тиббий вазифадаги бошқа хоналар;

техник хоналар.

444. Вентиляция ва ҳавони конденционерлаш билан бирга қўшилган ҳаво орқали иситиш тизимларида ташқи ҳавонинг норматив берилишида ва рециркуляцияланадиган ҳавони фильтрлашда рециркуляцияни қўллашга йўл қўйилади.

445. Томошабинлар учун ўрин-жойларга эга бўлган спорт залларига хизмат кўрсатувчи тизимлар учун рециркуляцияландиган ҳавони зарарсизлантириш инобатга олинган бўлиши лозим.

446. Елимлаб тайёрланган ёғоч конструкциялар қўлланилган залларда бундай конструкциялар жойлашган зонада ҳавонинг нисбий намлигини (камида 45 фоиз) таъминлаш зарур бўлганда ҳаво тортувчи умумий вентиляция тизимларида ҳавони намлантирувчи қурилма қўлланилиши, ҳаво тортувчи вентиляция бўлмаганда маҳаллий намлантиргичларни қўллашга йўл қўйилади.

447. Икки юздан кўп томошабинлар учун ўрин-жойларга эга бўлган спорт заллари ва муз ареналарининг залларида томошабинлар жойлашадиган зонада ва спорт зонасида мустақил вентиляция ва ҳавони кондиционерлаш тизимлари назарда тутилиши керак.

448. Томошабинлар учун ўрин-жойларга эга бўлмаган ва бир вақтнинг ўзида ҳар бир шуғулланувчига камида 80 m^3 ҳажм тўғри келадиган спорт залларини бир соатда 1 марта ҳаво алмашинувини таъминловчи табиий равишда ишлайдиган вентиляция тизимини назарда тутган ҳолда лойиҳалашга йўл қўйилади.

449. Ҳавони тортиб киритувчи ва чиқарувчи табиий равишда ишлайдиган вентиляция тизимини лойиҳалашда ҳаво тортувчи қурилмалар сифатида витражларнинг пастки ва юқори қисмидаги очиладиган фрамугалардан фойдаланиб, ташқи ҳавони спорт залига киритиш назарда тутилишига йўл қўйилади.

450. Спорт иншоотларининг тутунга қарши вентиляция тизимини ҚМҚ 2.04.05-97 га мувофиқ назарда тутиш керак.

451. Иситиш тизимининг сув иситиш приборларини залларнинг ташқи деворига ўрнатиш лозим, бунда спорт жиҳозларини жойлаштириш ҳисобга олиниши керак. Нам ва ҳўл шароитларда эксплуатация қилинадиган хоналар (жойлар)да сув иситиш приборларини жойлаштириш учун ташқи деворларни ўйишга йўл қўйилмайди.

452. Спорт залларидаги иситиш приборлари ва қувурўтказгичлар полдан 2 m баландлик чегарасида девор текислигидан чиқиб турмаслиги керак.

453. Вентиляция ва иситиш тизимларининг элементлари (ҳаво каналлари, панжаралар, иситиш приборлари ва қувурўтказгичлар)ни жойлаштириш учун полдан 2 m гача бўлган баландлик чегарасида деворда махсус жой (ўйилган жой) бўлиши керак.

454. Полдан 2 m баландликдан юқори чегараларда махсус жойлар бўлмаслиги, ҳимоя экранлари ёки бошқа ҳимоя воситалари ўрнатилиши лозим.

455. Спорт иншоотларининг заллари (хоналари)да йилнинг совуқ даври учун ҳавонинг ҳисобий ҳарорати, нисбий намлиги ва ҳавони алмаштириш карралиги ушбу ШНҚнинг 15-иловаси 19-жадвалига асосан белгиланиши лозим.

456. Спорт иншоотларида бадантарбия билан шуғулланиш зоналарида ҳавонинг тезлиги қуйидаги кўрсаткичлардан ошиб кетмаслиги керак:

бассейнларнинг ваннали залларида — 0,2 m/s;

кураш, стол тенниси, конкида учиш заллари ва эшкак эшиш бассейнлари жойлашган залларда — 0,3 m/s;

бошқа спорт залларида, бассейнларда тайёргарлик кўриш залларида ва жисмоний тарбия-соғломлантириш машғулотлари учун тайёргарлик кўриш залларида — 0,5 m/s.

Бассейн ванналари жойлашган заллардаги тўсувчи конструкцияларнинг иссиқлик-техник ҳисобида ҳавонинг нисбий намлигини 60 фоиз, ҳароратини 29 °С да белгилаш зарур.

457. Томошабинлар учун ўриндиқларга эга бўлган ва сунъий равишда музлатиладиган ёпиқ муз залларида ҳаво алмашинувини ҳисоблашда қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

муз ва томошабинлар ўрин-жойларидан фойдаланиш;

муз бўлмаганда томошабинлар ўрин-жойларидан фойдаланиш;

томошабинлар ўрин-жойлари бўлмаганда муздан фойдаланиш.

458. Сунъий музлатилмайдиган ва томошабинлар ўрин-жойларига эга бўлган бассейн ванналари бўлган спорт залларида ҳаво алмашинувини ҳисоблаш томошабинли ва томошабинсиз режимларда амалга оширилиши керак.

459. Ёпиқ муз заллари ва спорт залларида ҳаво ёрдамида иситадиган агрегатларни ўрнатишга йўл қўйилади.

460. Бассейн залларида ҳаво алмашувини камайтириш мақсадида ҳавони қуритувчи рециркуляция қурилмаларини ўрнатиш лозим.

461. Ҳавонинг вентиляцияси ва кондициялаштирилиши билан қўшилган бассейнлар ва спорт залларининг ҳаволи иситиш тизимларида ҳавонинг рециркуляциясига йўл қўйилади.

3-§. Совутиш тизими

462. Муз ареналарида муз қопламасини ҳосил қилиш ва сунъий муз қопламасини сақлаб туриш учун Совутиш тизимларини оралиқ совуқ ташувчи сифатида ишчи ҳароратларда музламайдиган суюқликлардан фойдаланган ҳолда лойиҳалаш лозим.

463. Совутиш тизимини лойиҳалашда ГОСТ EN 378-1-2014, ГОСТ EN 378-2-14, ГОСТ EN 378-3-2014 ГОСТ EN 378-4-214 га риоя қилиш керак.

464. Муз сиртида иссиқлик юкламасини компенсация қилиш циркуляцияланадиган совуқ ташувчига эга бўлган қувурли Совутиш тизими орқали амалга оширилиши керак.

465. Қувурли тизимни қуриш учун паст босимли полиэтилен қувурлар ёки чоксиз пўлат қувурлар қўлланилиши лозим. Қувурўтказгичларнинг материали уларнинг мустаҳкамлик характеристикалари, қўлланиладиган совуқ ташувчига қўйиладиган коррозион чидамлилик талаблари, совитиладиган плитанинг конструктив жиҳатдан тайёрланишига боғлиқ ҳолда танланиши лозим.

466. Совитувчи қувурўтказгичларнинг диаметри ва улар орасидаги қадам ҳисоблаш орқали аниқланиши лозим.

467. Қувурли совутиш тизимининг конструкцияси муз қопламасининг бутун юзаси бўйича ҳарорат майдонининг бир текис тақсимланишини таъминлаши керак.

468. Муз қопламасининг 40 mm ли доимий қалинлигида ҳарорат майдонининг нотекислик қиймати ±0,5 ºС дан катта бўлмаслиги лозим.

469. Совутиш тизим ишончлилигининг зарурий даражасини ҳисобга олган ҳолда иссиқлик техник ҳисоблаш натижалари бўйича танланиши лозим.

470. Асосий совутиш қурилмаси (совутиш агрегатлари, насослар, сиғимли қурилма)ни бино ичидаги машина бўлимининг ичига ёки бино ташқарисидаги контейнерга жойлаштириш керак.

471. Совутиш тизимининг иш унумдорлигини танлаш учун бошланғич юкланиш сифатида қуйидагиларни инобатга олиш керак:

иссиқ вақтда спорт аренасини эксплуатация қилиш даврида муз ҳосил қилиш режимини;

объектнинг тўлиқ юкланишида спорт тадбирларини ўтказишда муз юзасининг доимий ҳароратини сақлаб туриш режими учун ҳисоблаб топилган максимал юкланишдан фойдаланишни.

4-§. Электр таъминоти ва электр қурилмалари

472. Футбол бўйича спорт иншоотларида майдоннинг яхши кўринувчанлигини таъминлаш мақсадида ҚМҚ 2.01.05-19 га мувофиқ ёритиш тизимларини қўллаш керак.

473. Ёритиш тизимларини телевизион ёки нотелевизион мусобақаларни ташкил этувчиларнинг эҳтиёжларига боғлиқ ҳолда қуйидаги бешта синфга бўлиш лозим:

I синф — машғулотлар ва кўнгилочар тадбирларнинг дастурлари;

II синф — клуб ўйинлари;

III синф — миллий ўйинлар;

IV синф — миллий чемпионатлар;

V синф — халқаро чемпионатлар.

474. Ёритиш қурилмалари (ўрнатмалари) майдон чегараси ёки дарвоза чизиқларидан кўпи билан 5 m узоқликда жойлашиши зарур.

475. Иккита қўшни ёруғлик манбалари орасидаги ёритиш фарқлари телевизион тасвирга олиш учун вертикал ва горизонтал ёритишда 20 фоиздан, тасвирга олинмайдиган матчларда эса 55 фоиздан ошмаслиги лозим.

476. Кўзни қамаштирувчи ёруғлик рейтинги ўйин майдонининг исталган нуқтасида 50 дан ошмаслиги керак.

477. Ранг ҳароратининг ўтувчи спектри 2000К ва 6500К орасида жойлашиши зарур.

478. Рангнинг ёритиш тизимлари орқали узатилиш даражаси (Ra) 81 дан 90 гача бўлган чегарада бўлиши лозим.

479. Чироқларни кўтариш бурчаги 70°дан катта бўлмаслиги керак.

480. Спорт майдонларини ёритиш ва енгил атлетика билан шуғулланиш учун мўлжалланган жойларнинг минимал ёритилганлик кўрсаткичлари ушбу ШНҚнинг 9-иловаси 14 ва 15-жадвалларига мувофиқ белгиланиши керак.

481. Электр таъминоти тизимлари ва қурилмаларини лойиҳалаш ШНҚ 2.04.17-2019 ҳамда ҚМҚ 3.05.06-97 га ва ушбу ШНҚ нинг 17-иловасидаги 21-жадвалга риоя қилган ҳолда амалга оширилиши лозим.

482. Қирқ мингдан кўп томошабинларга мўлжалланган трибуналарга эга бўлган футбол, чим устида хоккей ва енгил атлетика учун спорт ареналарида ёритиш қурилмалари ушбу ШНҚнинг 9-иловаси 16-жадвалига мувофиқ спорт майдонларининг ёритилганлик даражасини таъминлаши керак.

483. Электр ёритишнинг нотекис ёритилганлик коэффициенти:

чанғи учиш спортининг текис жойлашган трассаларида 0,04 дан;

чанғида қувиш спорти мусобақалари учун мўлжалланган трассаларда — 0,1 дан;

тоғ чанғисининг спорт турлари учун трассаларда — 0,2 дан;

спорт ўйинлари учун мўлжалланган очиқ ясси спорт иншоотлари ва енгил атлетиканинг сакраш мусобақаларига мўлжалланган жойларида, шунингдек чанғида сакраш трамплинларида — 0,33 дан;

ўқ отиш спортининг нишонлари учун — 0,5 дан кам бўлмаслиги лозим.

484. Трибуналарнинг ўртача горизонтал ёритилганлик даражаси трибуналарнинг сиғимини ҳисобга олган ҳолда ва спортнинг тегишли турлари бўйича спорт иншоотлари учун назарда тутилган ёритилганлик даражасининг 10 фоизидан кам бўлмаслиги зарур.

485. Жисмоний тарбия-соғломлаштириш машғулотлари учун очиқ ясси иншоотларнинг минимал горизонтал ёритилганлик даражаси очиқ ясси спорт иншоотларининг сирт юзасида 50 lx га тенг бўлиши керак.

486. Спорт иншоотларини ёритиш учун газразрядли чироқлар қўлланилиши, бунда пульсация коэффициенти ушбу ШНҚнинг 9-иловаси 17-жадвалига мувофиқ белгиланиши керак.

487. Ёруғлик оқимини бир маромда ростлаш (регулировка қилиш), шунингдек газразрядли ёруғлик манбаларини қўллаш техник-иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмаганда ёки ушбу манбаларни қўллашнинг иложи бўлмаган ҳолларда ҳамда ёритилганлик даражаси 30 lx дан кам бўлганда чўғланма чироқларни қўллашга йўл қўйилади.

488. Ён томон бўйлаб юқоридан ёритиш приборлари 10 m дан кам бўлмаган баландликда ўрнатилиши зарур. Бунда, приборнинг оптик марказидан майдоннинг бўйлама ўқига туширилган перпендикуляр чизиқ ушбу майдон сиртидан 27° дан кам бўлмаган бурчакни ташкил этиши керак.

489. Юқоридан ёритиш учун чироқларни ўрнатиш баландлиги:

волейбол ва теннис учун 12 m;

бадминтон, баскетбол учун 8 m;

хоккей учун 6 m дан кам бўлмаслиги зарур.

490. Юқоридан ёритиш 30° дан кам бўлмаган ҳимоя бурчагига эга бўлган чироқлар ёрдамида амалга оширилиши лозим.

491. Енгил атлетика мусобақалари учун мўлжалланган югуриш йўлакларини концентрик ёруғлик тарқатувчи чироқлар билан ён томонлама ёритишда ушбу чироқларнинг оптик ўқлари спортчилар ҳаракатланадиган (югурадиган) томонга қия ҳолатда тушиши керак.

492. Спорт иншоотларининг одамлар ўтиши ва транспорт ҳаракатига мўлжалланган участкаларида, трибуналарга эга бўлган бошқа очиқ иншоотларда сунъий ёритиш тизими лойиҳаланиши лозим.

493. Сменада 200 ва ундан ортиқ кишини қабул қилиш қобилиятига эга бўлган очиқ ясси спорт иншоотлари мажмуаларининг ҳудудида, чанғи спорти ва қайиқда эшкак эшиш базаларида, йил давомида ишлайдиган очиқ бассейнлар ва ўқ отиш майдонларида, шу жумладан ярим очиқ тирларда ва очиқ иншоотларнинг ёрдамчи хоналарида қуйидагилар:

радио тармоғи;

телефон тармоғи;

электр соатлар (камида электр иккиламчи соатлар ўрнатилганда);

интернет тармоғи назарда тутилиши керак.

494. Алоҳида овоз берилиши зарур бўлган хоналар, иншоотлар ва ҳудуд зоналари лойиҳа топшириғига мувофиқ аниқланиши лозим.

495. Республика ва ундан юқори миқёсда ўтказиладиган мусобақалар учун мўлжалланган спорт иншоотларида қуйидагилар қўшимча тарзда назарда тутилиши керак:

енгил атлетика бўйича мусобақалар ўтказилаётганда ҳакамлар коллегияси хоналари ва алоҳида ҳакамлар бригадалари бўладиган жойлар ҳамда навбатчи тиббиёт ходими хонаси орасида тезкор-хизмат телефон алоқаси;

информацион ва рўйхатга олиш аппаратураси ўрнатмаси;

очиқ спорт иншоотларининг алоҳида хоналари орасида телефон алоқаси учун маҳаллий АТС;

спорт иншоотининг аренасига овозли информация ва мусиқа берилиши (арена оммавий тадбирлар (чиқишлар) ўтказилиши учун мўлжалланган бўлса);

спорт иншоотидан радио эшиттиришлари ва телевизион кўрсатувларни узатиш.

496. Ритмик гимнастика ва хореография билан шуғулланувчилар учун овозли информация ва мусиқа берилиши назарда тутилиши лозим.

497. Ўқ отиш майдонларида тадбир бошлиғининг алоҳида объектлар, шу жумладан тирларнинг ўқ отиш галереялари билан боғланиши учун маҳаллий тезкор-хизмат телефон алоқаси, тирларда эса (ҳар бир 8 — 10 та ўқ отиш жойларига камида битта чизиқли марра тўғри келишини ҳисобга олган ҳолда) ўқ отиш марраси ва блиндаж орасида тўғридан-тўғри телефон ёки селектор алоқаси, катта ҳакам томонидан ўқ отиш чизиғига (ўқ отиш чизиғининг узунлиги 20 m дан ошганда) овозли буйруқ (команда) берилишини таъминловчи овоз фиксацияси (звукофиксация) қўшимча тарзда назарда тутилиши зарур.

498. Қайиқда эшкак эшиш базаларидаги старт бериш жойларида (шу жумладан оралиқ старт бериш жойларида ҳам) тезкор (оператив) телефон ва радио алоқаси назарда тутилиши керак.

499. Республика ва ундан юқори миқёсда академик эшкак эшиш бўйича мусобақалар ўтказилиши учун мўлжаллаган базаларда стартёр ва старт чизиғида турган қайиқлар орасида радио алоқаси қўшимча тарзда назарда тутилиши лозим.

5-§. Эвакуация йўлларини ташқи ва ички ёритиш. Алоқа ва телекоммуникация тизимлари

500. Эвакуация йўллари, юқори хавфли зоналар ва катта майдонли хоналар ҚМҚ 2.01.05-19 га мувофиқ авариявий ёритилиши лозим.

501. Табиий равишда ёритилмайдиган эвакуация зинапоялари доимий ва авариявий (эвакуация) электр ёритиш тизими билан ёритилиши керак.

502. Ногиронлиги бўлган шахслар учун хавфсиз зоналарда авариявий ёритиш тизимини лойиҳалаш зарур.

503. Эвакуация йўлларини ёритиш тизимининг ишлаш давомийлиги 1 h дан кам бўлмаслиги керак.

504. Спорт иншоотлари уларнинг сифатли эксплуатация қилинишини ва самарали фаолият юритишини, ушбу иншоот ҳудудидаги барча ташриф буюрувчилар гуруҳларининг хавфсизлиги ва уларга, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахсларга эҳтимолий хавф тўғрисида ўз вақтида хабар берилишини таъминловчи электр-алоқа тизимлари (қурилмалари) билан ШНҚ 2.07.02-22, ШНҚ 2.08.02-23, ҚМҚ 2.02.29-98, ГОСТ Р 22.1.12-2005, ГОСТ Р 53195.1-2008, ГОСТ Р 53195.2-2008, ГОСТ Р 53195.3-2015, ГОСТ Р 53195.4-2010, ГОСТ Р 53195.5-2010 га мувофиқ жиҳозланиши лозим.

505. Комплексли алоқа тизимлари локал тизимларни (диспетчерлик, сигнализация, энергия ресурслари сарфини ҳисоблаш, иншоот хавфсизлиги, бинога кириш жойларидаги қўриқлаш, ногиронлиги бўлган шахслар учун кўтариш платформаларининг диспетчерлик-видео кузатув тизимлари ва бошқаларни) ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланиши лозим.

506. Спорт иншоотининг функционал вазифасига қўйиладиган талабларни ҳисобга олган ҳолда ҳар бир иншоот учун алоқа тизимлари ва технологик тизимлар комплексининг таркиби лойиҳа топшириғида белгиланиши керак.

6-§. Чипта бўйича ўтказиш ҳамда киришни назорат қилиш ва бошқариш тизимлари

507. Спорт тадбирларини ўтказиш учун спорт иншооти трибуналарининг тўлаётганлиги тўғрисида реал вақт режимида маълумот олиш ва томошабинларнинг ўтишини (чипта, электрон чипта, мухлислик картаси ёки томошабин ҳақида маълумот берувчи бошқа персоналлаштирилган ахборот ташувчиларни) таъминлаш учун томошабинларни идентификациялаш имконини берувчи КНБТ билан жиҳозлаш лозим.

508. Спорт иншоотининг назорати видеокузатув тизими, қўриқлаш-ёнғин сигнализацияси, ЧЎТ ва хавфсизликни бошқариш бўйича ягона марказнинг дастурли комплекси билан интеграллашган ҳолда таъминланиши керак.

509. Дастурланган даражадаги КНБТ спорт иншоотининг ҳудудига кирувчи томошабинлар тўғрисида маълумотларни (қайта ишлаш, сақлаш, шахсни идентификациялаш учун) хавфсизликни бошқариш бўйича ягона марказга узатишни амалга ошириши лозим.

510. ЧЎТ, КНБТнинг комплектацияси ва функционал имкониятлари лойиҳа топшириғига мувофиқ аниқланиши керак.

511. Очиқ спорт иншоотларини лойиҳалаш, шунингдек ногиронлиги бўлган шахслар учун пандуслар, тутқичлар ва хоналар қурилиши ШНҚ 2.07.02-22 га асосан амалга оширилиши керак.

512. Ногиронлиги бўлган шахсларга қулайликлар яратиш мақсадида спорт-томоша иншоотларини шаҳарларнинг текис рельефли ва қулай транспорт қатнови билан таъминланган марказий ҳудудларига жойлаштириш зарур.

513. Стадион участкасини шовқин ва ҳавони ифлослантирувчи манбалардан узоқлаштириш керак.

514. Рельефдан оқилона фойдаланиш нуқтаи назаридан ва аҳолининг барча қатламлари, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахсларга қулай бўлиши учун трибуналарни табиий қияликларга, спорт майдонлари, пиёдалар йўлакларини эса текис участкаларга жойлаштириш керак.

515. Дарахтлар ва бўта ўсимликларни ногиронлиги бўлган шахсларни эвакуация қилиш учун мўлжалланган тўсиқ тошли ёки тўсиқ тошсиз йўлаклар ва майдончалар четидан 0,9 m дан кам бўлмаган масофада жойлаштириш керак.

516. Дарахтлар ва бўта ўсимликларни спорт иншоотлари ҳамда мажмуалари ҳудудидаги барча юриш ва эвакуация йўллари бўйлаб эркин ориентая қилинишини таъминлаш учун аллеялар ва катта бўлмаган гуруҳлар кўринишида экиш керак.

517. Жамоат ҳожатхоналарига кириш жойлари остонага эга бўлмаслиги, остона ўрнатилган ҳолларда эса унинг баландлиги 0,014 m дан ошмаслиги лозим.

518. Спорт майдонининг грунти яхши зичланган ва юзаси текис бўлиши, чимли ёки синтетик материаллардан ишланган бўлиши, ушбу майдон бошқа фактурадаги қоплама (ориентация полосаси) билан 1 дан 1,5 m кенгликда ўралган (чегараланган) бўлиши лозим.

519. Спорт иншоотлари майдонларининг жиҳозлари атрофдаги фондан фарқ қиладиган ёрқин (равшан, очиқ) ранг билан бўялган ҳолда жойлаштирилиши керак.

520. Майдон кўзи ожиз спортчилар томонидан фойдаланилганда ушбу майдоннинг атрофига тактил йўлак ўрнатилиши лозим.

521. Ёритиш чироқлари ўриндиқли аравачада ҳаракатланувчи ногиронлиги бўлган шахснинг кўриш сатҳи баландлигида жойлашиши ва ушбу чироқлар бир текис ёритиши ҳамда етарлича равшанликка (кўриш қобилиятини қисман йўқотган одамларни ҳисобга олган ҳолда) эга бўлиши, кўрсатиш белгилари яққол кўринадиган ва яхши ёритилган бўлиши лозим.

522. Тошли тўсиқлар, чорраҳалар ва пандуслар лойиҳаланиши, ёрдамчи хоналар ва автотураргоҳлардан бошқа жойларга етиб бориш қулайлиги таъминланган бўлиши керак.

523. Очиқ ясси иншоотларни лойиҳалашда уларнинг чегарасидан барча йўналишларда кенглиги 3,0 m дан кам бўлмаган (ҳар хил тўсиқлардан ҳоли бўлган) хавфсизлик зонаси назарда тутилиши керак. Ушбу зоналарнинг қопламаси спорт майдонининг қопламаси билан бир хил (бир жинсли) бўлиши лозим.

524. Очиқ майдонлар ва очиқ сузиш бассейнларини бўтали ўсимликлар билан қуршаб олишга йўл қўйилади (тиканли ва заҳарли бўта ўсимликлари бундан мустасно).

Яшил ўсимликларнинг жойлашиши, ранги ва габаритлари кўриш қобилиятида нуқсонлиги бўлган шахслар томонидан қўшимча маълумотлар олиш имконини бериши керак.

525. Икки-уч қаторли дарахтлар ва зич экилган бўта ўсимликли шовқин ҳимояси йўлагининг минимал кенглиги камида 10 m бўлиши, бунда ҳар бир қатор шовқин жадаллигини 1,2-1,8 dB га пасайтириши керак.

11-боб. Энергия тежамкорлик ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш

1-§. Энергияни тежаш ва иссиқлик сарфини камайтириш

526. Спорт иншоотларининг алоҳида элементлари, қурилиш конструкциялари, элементларнинг хоссалари, шунингдек спорт иншоотларида қўлланиладиган қурилмалар, технологиялар ва материаллар бўйича иншоотларни эксплуатация қилиш жараёнида энергетик ресурсларнинг норационал сарфланишини бартараф этиш имконини берувчи ечимлар назарда тутилиши керак.

527. Очиқ спорт иншоотлари қуйидагилар:

бинони иситишга ва вентиляцияга сарфланадиган иссиқлик энергияси бўйича солиштирма сарфнинг комплексли кўрсаткичини;

тўсувчи қурилиш конструкциялари ва муҳандислик тизимларининг иссиқлик-техник тавсифлари (иссиқлик узатилиши бўйича қаршилик кўрсаткичи ва ҳаво ўтказувчанлик)ни ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланиши лозим.

528. Иншоотлар энергетик самарадорлиги ва сарфланган энергетик ресурсларни ҳисоблаш приборлари билан таъминланганлик даражасининг уларга қўйилган талабларга мос келиши лойиҳа ҳужжатида оптимал архитектуравий, функционал-технологик, конструктив ва муҳандислик-техник ечимларни танлаш йўли билан таъминланиши керак.

529. Иншоотларда иссиқлик энергиясини тежаш мақсадида қуйидаги йўналишлар:

иншоотларнинг иссиқлик ҳимоя хоссаларини ошириш;

марказлашган иссиқлик таъминотида иситиш тизимини автоматлаштириш ва ишончлилигини ошириш;

биноларнинг ўзгарувчан иссиқлик режимида узлукли ишлайдиган иситиш тизимларини ҳисоблаш услуби ва конструкцияларини ишлаб чиқиш;

иситиш тизимларини такомиллаштириш;

иситиш тизимларини иссиқлик тармоқларига улаш схемаларини такомиллаштириш бўйича ишлар бажарилиши лозим.

530. Спорт иншоотларини лойиҳалашда юқори иссиқлик тежаш самарасига эришиш учун йўналтирилган ва лойиҳа топшириғи бўйича ўрнатиладиган юқори талабларни қўллашга йўл қўйилади.

531. Объектнинг энергия самарадорлиги қуйидагилар орқали оширилиши керак:

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш;

энергия таъминотининг альтернатив тизимлари;

иссиқлик рекуперациясига қўйиладиган талаблар;

биноларнинг иссиқ сув таъминотига сарфланадиган энергия улушини назорат қилиш;

бино томонидан сарфланадиган электр энергиясини назорат қилиш;

энергия истеъмолини пасайтиришнинг рағбатлантирилиши.

2-§. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳит муҳофазаси

532. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш мақсадида қуйидаги тадбирлар назарда тутилиши лозим:

ёмғир сувларини тўплаш ва маиший эҳтиёжлар учун фойдаланиш;

коммунал ва суғориш тармоқларида сув сарфини қисқартириш;

сувдан айланма ва қайта фойдаланиш кўламини кенгайтириш;

сув таъминотининг ресурс тежайдиган технологияларини татбиқ этиш;

иссиқ ва совуқ сув сарфи ҳисоблагичларини ўрнатиш;

сув сарфи чеклагичларини ўрнатиш.

533. Лойиҳалаш, қурилишни ташкил этиш, ишларни бажаришда йўл полосаларининг чегарасидан ташқарида тупроқ-ўсимлик ўсадиган қатламнинг бутунлиги

ва тозалигини сақлашга қўйиладиган талабларни, шунингдек иншоотларга тегишли бўлган ҳудудларнинг минимал шикастланиши ва ифлосланишини ҳисобга олиш керак.

534. Дарахтлар, ўсимликлар ва гуллар экишда тупроқ типи, иқлим шароитлари, ёғингарчиликлар, шамол йўналиши, ўсимликлар парвариши ҳисобга олиниши зарур.

535. Очиқ спорт иншоотларини лойиҳалашда атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш, шунингдек маиший чиқиндиларни қайта ишлаш (утилизация қилиш) бўйича чора-тадбирлар назарда тутилиши керак.

536. Спорт иншоотларини жойлаштиришда қуйидаги талабларга риоя қилиш лозим:

атроф-муҳит муҳофазасига қўйиладиган талабларнинг бажарилишини таъминлаш;

табиий муҳитнинг қайта тикланишини таъминлаш;

табиий ресурсларни қайта ишлашга қўйиладиган талабларнинг бажарилиши;

кўрсатилган объектларни эксплуатация қилишда яқин ва узоқ келажакда юзага келиши мумкин бўлган экологик, иқтисодий, демографик ва бошқа оқибатларни ҳисобга олган ҳолда экологик хавфсизликни таъминлаш;

атроф-муҳитнинг табиий ҳолатини, биологик турли-туманликни сақлаш.

537. Спорт иншоотларини қуриш ва реконструкция қилишда қуйидаги табиатни муҳофаза қилиш талабларига риоя қилиниши лозим:

атроф-муҳит муҳофазаси, табиий муҳитни қайта тиклаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

ерни рекультивация қилиш;

ҳудудни ободонлаштириш.

538. Спорт иншоотлари ҳамда унинг ҳудудининг қаттиқ маиший чиқиндилар билан ифлосланишининг олдини олиш мақсадида қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва вақтинча сақлаш учун мўлжалланган махсус чиқинди қутилари ўрнатилиши лозим.

539. Спорт иншоотини лойиҳалашда эксплуатация қоидаларига риоя қилиш, конструкциялар ҳолатини мониторинг қилиш, тизимли техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш орқали бутун эксплуатация даври давомида юк кўтарувчи конструкцияларнинг мустаҳкамлиги ва турғунлигини ҚМҚ 3.03.01-98 га мувофиқ таъминлаш лозим.

ШНҚ 2.08.10-24
“Жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
1-ИЛОВА

1-жадвал

Спорт иншоотларининг тоифаларини аниқлаш

Спорт иншоотларининг тоифалари	Спорт иншоотида ўтказиладиган спорт-оммавий тадбирларнинг даражаси
A	Халқаро ва мамлакат миқёсидаги жисмоний тарбия тадбирлари ва спорт тадбирлари
B	Ҳудудий жисмоний тарбия тадбирлари ва спорт тадбирлари
C	Бошқа турдаги жисмоний тарбия тадбирлари ва спорт тадбирлари

2-жадвал

Спорт иншоотларининг бир вақтда ўтказиш қобилияти

Спорт иншоотининг типи/спорт тури	Спорт зонасининг номланиши ва ўлчамлари	Спорт зоналарининг бир вақтда ўтказиш қобилияти, киши	
		тайёргарлик машғулотлари режимида*	мусобақаларни ўтказиш режимида**
Муз аренаси			
Кёрлинг	Майдон	6	8
Конькида югуриш спорти	Йўлак 400 m	80	***
	Йўлак 333 m	60	
Конькида фигурали учиш	Майдон	30	***
Хоккей	Майдон	30	44
Тўп хоккейи	Майдон	30	32
Шорт-трек	Майдон	30	***
Таркибида универсал спорт залларига эга бўлган кўп функцияли спорт мажмуаси			
Спорт ўйинлари учун заллар			
Бадминтон	Корт	8	2/4
Баскетбол	Майдон	18	24
Волейбол	Майдон	20	24
Гандбол	Майдон	22	32
Футзал (мини-футбол)	Майдон	22	24

Стол тенниси	Ўйин фазоси	4	2/4
Теннис	Корт	6	2/4
Гимнастика заллари			
Спорт акробатикаси	Зал 42×24 m*[4]	50	***
Спорт гимнастикаси	Зал	Бир кишига 11 m^2	***
Батутда сакраш	Зал	Битта снарядда 8 киши	***
Бадиий гимнастика	Зал 36×18 m*[4]	20	
Якка кураш заллари			
Бокс	Залдаги ринг 15×15 m*[4]	15	***
Дзюдо	Залдаги татами 16×16 m*[4]	20	***
Самбо	Залдаги гилам 24×15 m*[4]	16	***
Спорт кураши	Залдаги гилам 24×15 m*[4]	16	***
Оғир атлетика	Залдаги помост 36×18 m*[4]	15	***
Қиличбозлик	Жанг майдони	7	***
Ясси спорт иншооти			
Баскетбол	Майдон	18	24
Волейбол	Майдон	20	24
Гандбол	Майдон	22	32
Пляж волейболи	Майдон	4	4
Пляж футболи	Майдон	22	30
Теннис	Корт	6	2/4
Чим устида хоккей	Майдон	28	26

** Асос учун спорт разрядларига эга бўлмаган шуғулланувчилар учун тайёргарлик машғулотлари ўтказишлини ҳисобга олган ҳолда максимал ўтказиш қобилиятини олиш керак.*

*** Спортнинг ўйин турларида спорт зонасининг ўтказиш қобилияти мусобақаларда иккита гуруҳ (команда) битта майдонда иштирок этишини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши лозим.*

**** Якка спорт турларида мусобақалар режимидаги ўтказиш қобилияти мусобақаларни ўтказишга масъул бўлган ташкилот регламенти билан ўрнатилган талаблардан келиб чиққан ҳолда белгиланиши зарур. Спорт тадбирларининг бир вақтнинг ўзида бирлашган спорт зонаси (бир нечта майдонлар)да ўтказилиши назарда тутиладиган универсал спорт залларида ушбу залларнинг ўтказиш қобилияти бу майдонларнинг сони ва вазифасига мувофиқ оширилади. Спорт иншоотининг бир вақтда ўтказиш қобилиятини ҳисоблашда спорт иншоотининг спорт зонасида ёрдамчи хоналардан фойдаланадиган шуғулланувчиларнинг сони ёки спорт гуруҳ (команда)ларининг сони ҳисобга олиниши зарур.*

**[4] Бошқа ўлчамлардаги залларнинг ўтказиш қобилияти жадвалда кўрсатилган залларнинг ўлчамларига пропорционал равишда ҳисобланиши лозим.*

ШНҚ 2.08.10-24
“Жисмоний тарбия-соғломлаштириш
ва спорт иншоотлари” шаҳарсозлик
нормалари ва қоидаларига
2-ИЛОВА

3-жадвал

Очиқ ясси спорт иншоотларининг қурилиш ўлчамлари ва ўтказиш қобилияти

Иншоотларнинг турлари ва типлари	Габаритлари, m (қуйидагилардан кам бўлмаслиги керак)		Бир вақтда ўтказиш қобилияти, киши/смена	Иншоот юзаси қопламасининг типи
	узунлиги	кенглиги (эни)		
Ёзги спорт турлари				
Футбол ва енгил атлетика учун спорт ядроси	183 дан 188 гача	89 дан 94 гача	90 дан 100 гача	СЧз-1, СЧз-2, СЧи-2
Спорт машғулотлари учун майдонлар ва майдончалар (спорт турлари бўйича):				
бадминтон				
баскетбол	15	8	8	СЧз-1, СЧи-1, СЧи-2
волейбол	28	16	16	СЧз-1, СЧи-1, СЧи-2
регби	24/34	15/19	24	СЧз-1, СЧи-1
теннис	120	72	34	СЧз-1, СЧз-2
стол тенниси	36/40	18/20	6	СЧз-1, СЧи-1, СЧи-2
футбол	7,75	4,5	4	СЧз-1, СЧи-1, СЧи-2
чим устида хоккей	113	72	32	СЧз-1, СЧз-2, СЧи-1
Соғломлаштириш машғулотлари учун майдонлар ва майдончалар	98	61	30	СЧз-2

(машғулот турлари бўйича): кегли (бита йўлак) крокет кичик бейсбол (ромб томони) мини-баскетбол мини - волейбол мини - гольф футзал (мини-футбол) Спорт машғулотлари учун йўлаклар ва трассалар (спорт турлари бўйича): чанғи роллерлари кросслар Жисмоний тарбия-соғломлаштириш машғулотлари учун йўлаклар ва трассалар: велосипед соғломлаштириш соғломлаштирувчи югуриш ва юриш (ходьба)	25,3 дан 28,5 гача минимал узунлиги 8 m 13,7 дан 18,3 гача 19 дан 27 гача 14 800 дан 3000 m^2 гача 25 дан 65 гача 1000 3000 5000 Ихтиёрий ихтиёрий 500 дан 3000 гача 800 дан 3000 гача	1,5 дан 2,1 гача минимал кенглиги 4 m 13,7 дан 18,3 гача 10 дан 15 гача 6 - 18 дан 25 гача 1,5 дан 2 гача - - ихтиёрий 2,5 1,5 дан 2 гача 1,5 дан 2 гача	2 дан 4 гача 6 дан 10 гача 18 10 2 дан 6 гача 15 дан 20 гача 12 50 m га 1 киши - - ихтиёрий 100 m га 1 киши 20-50 m га 1 киши 20-50 m га 1 киши	СЧз-1, СЧи-2 СЧз-1, СЧз-2 СЧз-2 СЧз-1, СЧи-1, СЧи-2 СЧз-1 СЧз-1, СЧз-2 СЧз-1, СЧз-2, СЧи-1 СЧи-1, СЧи-2, СЧи-3 - - - СЧз-2, СЧи-1, СЧи-2, СЧи-3 СЧз-1, СЧи-2 СЧз-1, СЧи-2
Қишки спорт турлари				
Спорт машғулотлари учун				

майдонлар ва майдончалар (спорт турлари бўйича): конькида фигурали учиш хоккей				
тўп хоккейи	65	36	30 дан 50 гача	муз
Жисмоний тарбия-соғломлаштириш машғулотлари учун	65 114	36 73	30 дан 50 гача 34	муз муз
майдонлар ва майдончалар (спорт турлари бўйича): - кёрлинг - конькида оммавий учиш - учишни ўрганаётганлар учун	50	20	4 дан 8 гача	муз
- конькида фигурали учиш	ихтиёрий	-	15 m^2 / киши	муз
	-	-	25 m^2 / киши	муз
	65	34	30 m^2 / киши	муз
Спорт машғулотлари учун йўлаклар ва трассалар (спорт турлари бўйича): - чанғи спорти				
- конькида тез югуриш	1000, 3000, 5000	2,5	50 m га 1 киши	қор
Жисмоний тарбия-соғломлаштириш машғулотлари учун йўлаклар:	186 (153)	74	60	муз
- соғломлаштириш				
- соғломлаштириш	800 дан 3000 гача	1,5 дан 2 гача	20-50 m га 1 киши	қор

учун югуриш ва юриш (ходьба) - конькида учиш	800 дан 3000 гача ихтиёрий	1,5 дан 2 гача 2,5	20-50 m га 1 киши 100 m га 1 киши	қор қор

Изоҳлар:

1. Трассанинг 50 фоиз қисмини қиялиги 30º дан бўлмаган ва узунлиги 20 m дан кам бўлмаган юқорига кўтарилиш ҳамда пастга тушиш йўлаклари ташкил этиши керак. Велосипед йўлаклари силлиқ бўлмаслиги лозим (чанғи роллеларидан фарқ қилган ҳолда). Соғломлаштириш йўлакларида 100 дан 300 m гача масофада снарядларда машқ қилиш комплекслари жойлаштирилиши керак. Чанғи спорти учун трассаларнинг профиллари чанғи роллерлариникига ўхшаш бўлади, чанғида учиш трассаларининг профиллари велосипед йўлакларининг профилларига ўхшаш бўлади. Оммавий фигурали учиш ва ўрганувчилар учун норма табиий муз учун кўрсатилган. Сунъий муз учун норма 2,5-3 марта паст бўлиши керак.

2. Чанғи спорти ва чанғида учиш трассалари махсус тайёрланган қор қопламасига эга бўлиши керак.

3. Табиий муз юзали қишки ясси спорт иншоотлари махсус оптимал аралашма, асфальтбетон ва бетондан тайёрланган қопламга эга бўлган ёзги майдон ва майдончаларга қурилиши лозим. Чанғи спорти учун трассалар чанғи роллеларига мўлжалланган йўлакларга жойлаштирилиши мумкин, чанғида учиш учун трассаларни эса велосипед йўлакларига жойлаштиришга йўл қўйилади. Соғломлаштириш югуриши ва юриш (ходьба) йўлакларидан йил давомида фойдаланиш мумкин.

4. Майдонлар, майдончалар, йўлаклар ва трассалар, айниқса, қишки майдонлар, майдончалар, йўлаклар ва трассларни сунъий ёритиш лозим.

5. Қопламаларнинг турлари:

СЧз-1 – оптимал аралашмадан тайёрланган сувга чидамсиз қоплама;

СЧз-2 – сувга чидамсиз қоплама, спорт газони;

СЧи-1 – сувга чидамли синтетик қоплама;

СЧи-2 – сувга чидамли асфальтбетонли қоплама;

СЧи-3 – сувга чидамли бетонли қоплама.

ШНҚ 2.08.10-24
“Жисмоний тарбия-соғломлаштириш
ва спорт иншоотлари” шаҳарсозлик
нормалари ва қоидаларига
3-ИЛОВА

4-жадвал

Югуриш йўлакларининг сони	Узунлиги (m)			Кенглиги (m)				Чуқурлик (m)		
	дан	гача	айланма канал узунлиги	йўлак	Ён йўлака (m)	Умумий кенглик	айланма канал узунлиги	Ўзаннинг чуқурлиги	айланма каналдаги сув	Қирғоқнинг қиялик бурчаги
8	2172	2222	Дистанция йўналишига параллель	13,5	27 × 2	162	65	3,5	2,5	1 : 6
8	2172	2222		13,5	13,5 × 2	135	-	3,5	-	1 : 4
6	2172	2222		13,5	13,5 × 2	108	-	3	-	1 : 3
6	2172	2222		13,5	13,5 × 2	108	-	2,5	-	-

ШНҚ 2.08.10-24
“Жисмоний тарбия-соғломлаштириш
ва спорт иншоотлари” шаҳарсозлик
нормалари ва қоидаларига
4-ИЛОВА

5-жадвал

Комплексли майдонча ва ундаги алоҳида элементларнинг минимал ўлчамлари

Шуғулланувчиларнинг ёши бўйича гуруҳи	**Комплексли майдонча элементлари***			
	Ҳаракатли ўйинлар ва умумий ривожлантириш машқлари учун майдонча, m^2	**Югуриш йўлагининг ёпиқ контури**		
		Узунлиги, m		**эни, m**
		умумий узунлиги	**шу жумладан, тўғри участканинг узунлиги**	
7 дан 10 ёшгача	50	60	15 дан кам эмас	1,2
10 ёшдан катта 14 ёшгача	100	150	30 дан кам эмас	1,5
14 ёшдан катта ва катталар	250	200	60 дан кам эмас	2
Изоҳ. Комплексли майдонча элементлари маҳаллий шароитлар (участканинг конфигурацияси ва б.)ларига мос равишда битта умумий участкага ёки тураржой уйлари гуруҳи эгаллаган ҳудуд чегарасига алоҳида жойлаштирилиши мумкин.				

ШНҚ 2.08.10-24
“Жисмоний тарбия-соғломлаштириш
ва спорт иншоотлари” шаҳарсозлик
нормалари ва қоидаларига
5-ИЛОВА

6-жадвал

Ўйин майдончаларининг асосий тавсифлари

ўлчамлар m да

Спорт тури	**Майдончанинг режавий ўлчамлари m**					
	ўйин майдончаси		**хавфсизлик зонаси**		**қурилиш ўлчамлари m**	
	узунлиги	**эни**	**олд томони**	**ён томони**	**узунлиги**	**эни**
Бейсбол	120	120		-	1000 m^2	
Гольф	1 та лункага тўғри келадиган ўйин йўлагининг узунлиги – 130 дан 150 m гача, эни 40 дан 50 m гача			9 лунка – 25 На 18 лунка – 25 На		
Регби (ҳаваскор иштирокчилар, профессионал иштирокчилар)	107 дан 132 гача	66 дан 68,87 гача	-	-	120	72
Футбол	90 дан 110 гача	60 дан 75 гача	4 дан 8 гача	2 дан 4 гача	120	80
	105	68				
Чим устида хоккей	91,4	55	4 дан 8 гача	3 дан 5 гача	99,4	61

7-жадвал

Спортнинг ҳар хил турлари учун мўлжалланган ёпиқ залларнинг ўлчамлари ва қабул қилиш қобилияти

Спорт турлари учун заллар	**Қурилиш ўлчамлари**			**1 сменада қабул қилиш қобилияти (киши)**	**Қўшимча талаблар**
	узун-лиги	**кенг-лиги**	**чиқиб турувчи конструкцияларнинг пастки қисмигача бўлган баландлик**		
1 та комплект табель жиҳозига эга бўлган акробатика зали	36	18	6-8	8-20	мусобақалар учун майдон 38х20 m (оптимал ўлчамлар: 43х20 m)

1 та майдон ва 1 та комплект табель жиҳозига эга бўлган баскетбол зали	36 (30)	18	7	20	ўйин майдонининг ўлчамлари 26х14 m. томошабинларнинг жойлари майдон чегарасидан камида 2 m нарида жойлашиши керак
1 рингга эга бўлган бокс зали	24 (18)	12	4	8-20	мусобақалар учун зал камида 30х18 m (ринг 14х14 m) ўлчамларга эга бўлиши керак
Юнон-рум кураши зали (1 та гилам); дзюдо (1 та татами)	36 (24)	18 (15)	4	24	мусобақалар учун зал камида 36х18 m (гилам 17х17 m) ўлчамларга эга бўлиши керак
Волейбол (1 та майдонли)	36 (24)	18 (15)	8	12-24	ўйин майдони 18х9 m ўлчмларга эга бўлиши керак. Томошабинларнинг жойлари майдон чегарасидан ён томонлар бўйича камида 8 m нарида ва бўйлама томони бўйича 5 m дан нарида жойлашиши лозим
Гандбол (1 та майдонли)	45-48 (42)	24	6	24	машғулотлар учун 42х20 m
Спорт гимнастикаси (1 комплект табель жиҳозига эга бўлган)	36 (30)	18	6-8	8-20	мусобақалар учун зал ўлчами 42х20 m бўлиши керак, оптимал ўлчам 48х24 m
Бадиий гимнастика (1 майдонли)	30-36 (24)	18 (15)	7-8	8-16	мусобақалар учун зал ўлчами 36х18 m бўлиши лозим

Теннис (1 майдонли)	36	18	8-9	9-16	ўйин майдони: яккалик ўйин учун 24х9 m, жуфтлик ўйин учун 24х12 m. мусобақалар учун зал ўлчами камида 42х20 m бўлиши керак.
Конькида фигурали учиш	65	35	6	20	арена 61х30 m
Футзал	65	35	6-8	22-30	арена 61х30 m
Футбол зали	96	48	15	30	арена 90х45 m
Муз устида хоккей	65	35	6	30	арена 61х30 m

8-жадвал

Очиқ ва ёпиқ спорт иншоотлари учун санитария жиҳозлари (приборлари) сонининг ҳисобий кўрсаткичлари

Хоналар, санитария жиҳозлари (приборлари)	**Санитария жиҳозлари (приборлари)нинг сони**	
	Очиқ ва ёпиқ бассейнлар	**Қолган очиқ ва ёпиқ спорт иншоотлари**
А. Спорт билан шуғулланувчилар ва мураббийлар учун		
Душхоналар (аёллар ва эркаклар): шуғулланувчилар учун кийим алмаштириш хоналари олдида	сменада шуғулланувчи 3 кишига 1 та сетка	сменада шуғулланувчи 7 кишига 1 та сетка
тренерлар хонаси олдида	бир вақтда ишловчи 20 кишига 1 та сетка	
массажхона ва сауналар олдида	массажхонада 2 та столга ва саунада 5 та ўринга 1 та сетка, лекин массажхона олдида камида 1 та сетка ва сауна олдида камида 2 та сетка бўлиши керак	
Бир вақтда (сменада) шуғулланувчилар учун кийим алмаштириш хоналари олдидаги санитария узеллари (шлюзида қўл ювиш жиҳозларига эга бўлган ҳолда)	25-30 аёлга 1 та унитаз 35-50 эркакка 1 та унитаз ва 1 та писсуар мураббий ва ходимлар учун – 15-30 кишига 1 та унитаз, 35-50 эркакка 1 та писсуар	
Қўл ювиш хоналари (санитария узелларининг шлюзларида): кийим алмаштириш хоналари олдида;	хонада 1-2 та қўл ювиш жиҳози	
мураббийларнинг хоналари олдида	1 та қўл ювиш жиҳози	

Оёқ ювиш ванналари – шуғулланувчилар учун ечиниш хоналарида	20 нафар шуғулланувчига 1 та ванна (1,0х0,85)
Раковинлар ёки ювиш жиҳозлари бассейнларнинг хлоратор тамбури ва хлор омборида, тозалаш инвентарлари хонасида	Ҳар бир хонада 1 та раковина ёки ювиш жиҳози
Б. Томошобинлар учун	
Ёпиқ иншоотлар	75-100 аёлга 1 та унитаз, 150 нафар эркакка 1 та унитаз ва 2 та писсуар
Очиқ иншоотлар	100 аёлга 1 та унитаз ва 500 эркакка 1 та унитаз ва 5 та писсуар

ШНҚ 2.08.10-24
“Жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
6-ИЛОВА
9-жадвал

Спорт турининг номи	**Спорт турининг қоидаларига мувофиқ битта майдончанинг ўлчамлари, m**		**Спорт заллари спорт зонасининг ўлчамлари, m**		
	Узунлиги (макс/мин)	Кенглиги (макс/мин)	Узунлиги (макс/мин)	Кенглиги (макс/мин)	Чиқиб турган конструкция-нинг пастки қисмигача бўлган баландлик (спорт тадбирининг мавқеига боғлиқ ҳолда)
Спорт ўйинлари учун заллар					
Бадминтон	13,4	6,1	18/16,4	10,5/8,5	12/7
Баскетбол	28	15	32	22	7
Волейбол	18	9	31/24	19/15	12,5/7
Гандбол	40	20	44	23,5	5
Футзал	42/25	25/16	46/29	28,5/19,5	5
Стол тенниси	14	7	14	7	5
Теннис	23,77	10,97	36,57/34,73	18,29/17,07	9,14
Аравачаларда ўйналадиган баскетбол	28	15	32	22	7
Боғча	12,5	6	15	6	5
Ўтириб ўйналадиган волейбол	10	6	18/16	14/12	10/7
Голбол	18	9	21	12	5
Стол тенниси (паралимпия)	14	7	14	7	5
Аравачаларда ўйналадиган регби	28	15	32	22	7
Гимнастика заллари					
Спорт акробатикаси	12	12	45/16	30/16	12/8

Спорт турининг номи	**Спорт турининг қоидаларига мувофиқ битта майдончанинг ўлчамлари, m**		**Спорт заллари спорт зонасининг ўлчамлари, m**		
	Узунлиги (макс/мин)	Кенглиги (макс/мин)	Узунлиги (макс/мин)	Кенглиги (макс/мин)	Чиқиб турган конструкция-нинг пастки қисмигача бўлган баландлик (спорт тадбирининг мавқеига боғлиқ ҳолда)
Спорт гимнастикаси	60	34	60	34	12/8
Батутда сакраш	43	39	45	51	12/8
Бадиий гимнастика	13	13	17	17	14/8
Якка курашлар зали					
Бокс	6,1/4,9	6,1/4,9	17,8	17,8	5/4
Дзюдо	10/8	10/8	18/14	18/14	5/4
Спорт кураши	12	12	14	14	5/4
Самбо	14/11	14/11	16/13	16/13	5/4
Оғир атлетика	4	4	10	10	5/4
Қиличбозлик	18	2/1,5	20	6	5/4
Дзюдо (паралимпия)	10/16	10/16	18/14	18/14	5/4
Пауэрлифтинг (паралимпия)	4/2,5	4/2,5	12/10	12/10	5/4
Аравачаларда ўйналадиган қиличбозлик	–	–	–	–	5/4

ШНҚ 2.08.10-24
“Жисмоний тарбия-соғломлаштириш
ва спорт иншоотлари” шаҳарсозлик
нормалари ва қоидаларига
7-ИЛОВА

10-жадвал

Сувни сарфлаш нормаси

Истеъмолчилар	**Истеъмолчилар томонидан сувнинг сарфланиш нормаси**		
	Сутка давомида сувнинг энг кўп сарфи. Умумий сарф (иссиқ ва совуқ сув)	**Соат давомида сувнинг энг кўп сарфи**	
		умумий сарф (иссиқ ва совуқ сув)	**совуқ сув**
1. Душ хоналарига эга бўлмаган тир ва эшкак эшиш базаларида шуғулланувчилар, жисмоний-соғломлаштириш машғулотлари учун иншоотларда шуғулланувчилар (бассейнларсиз) ҳамда коньки ва чанғиларда оммавий учиш учун ташриф буюрувчилар, 1 кишига	15	3	1
2. Чанғида сакраш учун тоғ-чанғи трассалари ва трамплинларининг стартларидаги ичимлик сувига бўлган эҳтиёж,1 кишига	0,5	-	0,5
3. Очиқ иншоотларга сув сепилиши, 1 m^2 га: - очиқ ясси иншоотларнинг қопламалари (чимли ва синтетик қопламалар бундан мустасно);	1,5	-	-

- чимли қопламалар; - синтетик қопламалар; - чим ўстириш учун кўчатхона қопламалари; - чанғида сакраш учун трамплинлар полотносининг сунъий қопламаси	3 0,5 4 дан 6 гача 0,25 дан 0,5 гача	- - - -	- - - -
4. Очиқ иншоотлардаги[1] трибуналарни ювиш, 1 m^2 га	1	-	-
5. 1 m^2 юзада муз қопламасини яратиш: музлатиш учун ажратилган майдонга дастлабки сув қуйиш; муз қатламини ҳисобий қалинликкача ўстириш; учиш юзасини тайёрлаш	50 20 0,5	- - -	- - -
Изоҳ. Буфетларда ва тиббий персонал томонидан сувнинг истеъмол қилиниш нормалари ҚМҚ 2.04.01-98 га мувофиқ белгиланиши керак. Бунда тиббий персонал жамоат биноларининг хизмат кўрсатувчи персоналига тенглаштирилади.			

11-жадвал

Иссиқ сувни сарфлаш нормаси

Истеъмолчилар	Ўл. бир.	Иссиқ сувни сарфлаш нормаси, *l*	
1. Очиқ спорт иншоотлари; 2. Очиқ иншоотларда 14 ёшгача бўлган гуруҳларда шуғулланувчилар; 3. Сунъий музли очиқ муз майдонларидаги муз сиртини тайёрлаш	1 киши - 1 m^2	30 30 0,8	2,5 2,5
Изоҳ. Бошқа истеъмолчилар томонидан иссиқ сувни сарфлаш нормалари ҚМҚ 2.04.01-98 га мувофиқ белгиланиши керак.			

ШНҚ 2.08.10-24
“Жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
8-ИЛОВА

12-жадвал

Спорт иншоотларининг алоҳида зоналаридаги микроиқлим параметрлари

Спорт иншоотининг зонаси	**Ҳарорат режими, t, °С**		**Ҳавони алмаштириш карралиги қуйидагилардан кам бўлмаслиги керак, 1/h**	
			киритиш	**чиқариш**
1. Спорт зонаси				
1.1. Томошабинлар учун ўрин-жойларга эга бўлган муз ареналарининг заллари	Спорт зонасида муз сатҳи устидан 1,5 m да	12…16*	Ҳисоблаш бўйича аниқланади, лекин ташқи ҳаво бир нафар шуғулланувчига 80 m^3/h дан кам бўлмаслиги ва бир нафар томошабинга 20 m^3/h дан кам бўлмаслиги керак	
	Трибуналарда	+14…+23*		
1.2. Томошабинлар учун ўрин-жойларга эга бўлмаган муз ареналарининг заллари	Спорт зонасида муз сатҳи устидан 1,5 m да	8…14*	Ҳисоблаш бўйича аниқланади, лекин ташқи ҳаво бир нафар шуғулланувчига 80 m^3/h дан кам бўлмаслиги керак	
1.3. Томошабинлар учун ўрин-жойларга эга бўлган спорт заллари	Спорт зонасида	17…23	Ҳисоблаш бўйича аниқланади, лекин ташқи ҳаво бир нафар шуғулланувчига 80 m^3/h дан кам бўлмаслиги ва бир нафар томошабинга 20 m^3/h дан кам бўлмаслиги керак	
	Трибуналарда	19…25		
1.4. Томошабинлар учун ўрин-жойларга эга бўлмаган спорт заллари, УЖТ ва МЖТ заллари	Спорт зонасида	17…23		
2. Ёрдамчи зона				
2.1. Шуғулланувчилар ва томошабинлар учун устки кийим гардероблари	16…18	-	2	
2.2. Спорт киймиларини алмаштириш хоналари	20…22	2–3**	2–3** душларни ҳисобга олган ҳолда	
2.3. Душлар	24…26	5	10	
2.4. Массаж хоналари	20…22	4	5	
2.5. Қуруқ иссиқ ҳаммом камераси	Максимал 110***	-	5 (одамлар бўлмаганда даврий ишлайдиган)	
2.6. Спорт кийимини қуритиш учун хона	22…24	2	3	
2.7. Ҳакамлар, ОАВ учун хоналар,	19…21	3	2	

инструкторлик хонаси, мураббийлар хоналари, маъмурий ва муҳандислик персонал хоналари			
2.8. Санитария узеллари: - умумий фойдаланишдаги; - шуғулланувчилар учун (кийим алмаштириш хоналари олдидаги)	16…18 16…18	- -	Битта унитаз ёки писсуарга 100 m^3/h Битта унитаз ёки писсуарга 50 m^3/h
2.9. Умумий фойдаланишдаги санитария узеллари олдидаги қўл ювгичлар	16…18	-	Санитария узелларининг сонидан келиб чиққан ҳолда
2.10. Спорт жиҳозлари ва хўжалик инвентарини сақлаш хоналари	15…18	-	1
2.11. Совитиш машиналари учун хона	10 дан паст	4	5
2.12. Муз ҳосил қилувчи машиналар туриши учун жой	10 дан паст	Томоша залидан чиқадиган ҳавонинг баланси бўйича	10 (1/3 юқори зонадан ва 2/3 пастки зонадан)

**Ишдан ташқари вақтда ҳаво ҳароратини +5 ºС гача туширишга йўл қўйилади, бунда иш бошланишидан олдин нормаланган ҳаво ҳарорати қайта тикланиши лозим.*

*** 2 каррали доимий ҳаво алашинувини таъминлаш лозим, бунда максимал юкланиш даврларида ҳаво алмашинувини 3 каррагача ошириш имкони таъминланган бўлиши керак.*

**** камерада ҳаво ҳарорати 110 °С ошганда ўчирадиган қурилма ва мустақил энергия манбайидан заводда тайёрланган технологик жиҳоз билан таъминланади.*

Изоҳ. Спорт зоналари (1.1. – 1.4.) дан ташқари спорт иншоотларининг барча хоналари учун ҳисобий ҳаво ҳарорати йилнинг совуқ давридаги иш вақти учун келтирилган; йилнинг иссиқ даврида хоналардаги ҳаво ҳарорати ГОСТ 30494-2011, ҚМҚ 2.04.05-97 га мувофиқ белгиланади.*

13-жадвал

Муз майдони зонасида ҳавонинг ҳароратига боғлиқ ҳолда нисбий намликнинг туман тушишини бартараф этиш шарт-шароитлари бўйича чегаравий максимал қийматлари

Ҳарорат, ºС	8	9	10	11	12	13	14	15	16
Нисбий намлик, фоиз	78	76	73	71	70	68	65	62	60

ШНҚ 2.08.10-24
“Жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
9-ИЛОВА

14-жадвал

Спорт майдончалари ва майдонларини ёритиш нормалари

Спорт иншоотларининг номланиши	Энг кичик ёритилганлик, lx			Ёритилганлик нормаланадиган текислик	Қўшимча кўрсатмалар ва тушунчалар
	I	II	III		
Бадминтон учун майдончалар	400 150	- -	50 30	Майдонча сиртининг сатҳидаги горизонтал текислик 1 дан 3 m гача бўлган баландлик бўйича вертикал текислик	Вертикал ёритилганлик майдончанинг бўйлама ўқи орқали ўтадиган текисликда майдончанинг икки томонидан таъминлаши керак
Баскетбол учун майдончалар	400 150	- -	50 30	Майдонча сиртининг сатҳидаги горизонтал текислик Сават (корзина) томондан шчитлар сиртининг сатҳидаги вертикал текислик	Чироқлар сават (корзина)дан 4 m радиусда ўрнатилмаслиги керак
Волейбол учун майдончалар	400 150	- -	50 30	Майдонча сиртининг сатҳидаги горизонтал текислик Майдонча сиртидан 1 дан 5 m гача бўлган баландлик бўйича вертикал текислик	Вертикал ёритилганлик майдончанинг бўйлама ўқи орқали ўтадиган текисликда майдончанинг икки томонидан таъминлаши керак
Стол тенниси учун майдончалар	-	-	150	Стол юзасининг сатҳидаги горизонтал текислик	Ёритилганлик стол устида ва унинг чегараси атрофида 2 m гача бўлган масофада

					таъминланган бўлиши лозим
Теннис учун майдончалар	400 150	- -	100 50	Майдонча сиртининг сатҳидаги горизонтал текислик Майдонча сиртидан 7 m гача баландлик (I синф ёритиш тизими) ва 5 m гача баландлик (III синф ёритиш тизими) бўйича вертикал текислик	Вертикал ёритилганлик майдончанинг бўйлама ўқи орқали ўтадиган текисликда майдончанинг икки томонидан таъминланган бўлиши керак
Бейсбол учун майдон: ички майдон; ташқи майдон	 700 500	 500 300	-	-	-
Футбол учун майдонлар	400 100	200 75	10 50	Майдон сиртининг сатҳидаги горизонтал текислик Майдон сиртининг сатҳидан 15 m гача бўлган баландлик бўйича вертикал текислик	Вертикал ёритилганлик майдоннинг бўйлама ўқи орқали ўтадиган текисликда майдоннинг икки томонидан таъминланган бўлиши керак. Таянчлар устидаги прожекторларнинг баландлиги 25 m га тенг бўлиши лозим (III синф ёритиш тизими)
Гольф учун йўлаклар	-		100	-	-
Нетбол	500	200	75	-	-
